БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

Бюджет ташкилотлари бухгалтерлари
учун амалий қўлланма

БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ БЮДЖЕТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ

Практическое пособие для бухгалтеров

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

Бюджет ташкилотлари бухгалтерлари учун амалий қўлланма
Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами

БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ БЮДЖЕТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ

Практическое пособие для бухгалтеров
Сборник нормативно-правовых документов

Тошкент
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
"Фан" нашриёти
2008

65.052
Б 980

Тузувчилар:
Т. Ш. Эшназаров,
М. Ж. Хасанов

Тақризчилар:
Р.С. Ҳусанов,
Ш. Ҳ. Улуғов.

Ҳурматли китобхон, ушбу тўплам бюджет тизими бухгалтерияси соҳасида хизмат кўрсатаётган, изланиш олиб бораётган барча мутахассис ва тадқиқотчиларга мўлжалланган.

Нашрга тайёрловчилар тўпламни тузишда ўз фикрлари билан қатнашган Т.Баҳромов, Ф.Ибрагимова ва В.Шинларга ўз миннатдорчилигини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Иқтисодиёт институтининг илмий кенгаши қарорига асосан нашрга рухсат этилган.

ISBN 978-9943-09-511-3

© Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
"Фан" нашриёти, 2008 йил

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНИ
30.08.1996 й.
№279-I

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ТЎҒРИСИДА

1-модда. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари
2-модда. Бухгалтерия ҳисобининг мақсади ва вазифалари
3-модда. Бухгалтерия ҳисоби субъектлари
4-модда. Бухгалтерия ҳисоби объектлари
5-модда. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш
6-модда. Бухгалтерия ҳисобининг асосий қоидалари
7-модда. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш
8-модда. Имзо ҳуқуқи
9-модда. Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари
10-модда. Бухгалтерия ҳисоби регистрлари
11-модда. Активлар ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш
12-модда. Активлар ва мажбуриятларни баҳолаш
13-модда. Даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш
14-модда. Хусусий капитални ҳисобга олиш
15-модда. Гаровни ҳисобга олиш
16-модда. Молиявий ҳисобот
17-модда. Умумлаштирилган молиявий ҳисобот
18-модда. Молиявий ҳисоботнинг ҳисобот даври
19-модда. Молиявий ҳисоботни тақдим этиш
20-модда. Молиявий ҳисоботни эълон қилиш
21-модда. Тугатиш вақтида молиявий ҳисобот
22-модда. Бухгалтерия ахборотининг махфийлиги
23-модда. Бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш
24-модда. Бухгалтерия тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

1-модда. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ҳамда ҳисобот тузиш билан боғлиқ муносабатлар ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Башарти, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ушбу Қонунда баён этилганидан ~~кўра бошқача~~ қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартномалар қоидалари қўлланилади.

SAMARQAND DAVLAT ... OT
VA SERVIS INSTI...
AXBOROT RESURS MARKAZI
442245

2-модда. Бухгалтерия ҳисобининг мақсади ва вазифалари

Бухгалтерия ҳисобининг мақсади фойдаланувчиларни ўз вақтида тўлиқ ҳамда аниқ молиявий ва бошқа бухгалтерия ахбороти билан таъминлашдир.

Бухгалтерия ҳисобининг вазифалари:

бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида активларнинг ҳолати ва ҳаракати, мулкий ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисидаги тўлиқ ҳамда аниқ маълумотларни шакллантириш;

самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш;

молиявий, солиққа доир ва бошқа ҳисоботларни тузишдан иборатдир.

3-модда. Бухгалтерия ҳисоби субъектлари

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда ундан ташқарида жойлашган шуъба корхоналари, филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа таркибий бўлинмалари бухгалтерия ҳисоби субъектларидир.

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритади ва бухгалтерия (молия) ҳисоботини тақдим этади.

4-модда. Бухгалтерия ҳисоби объектлари

Асосий ва жорий активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, захиралар, даромадлар ва харажатлар, фойда, зарарлар ҳамда уларнинг ҳаракати билан боғлиқ хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг объектларидир. Бухгалтерия ҳисобининг объектлари жамлама ҳисобварақларда акс эттирилади. Аналитик ҳисобни юритиш тартиби бухгалтерия ҳисоби субъекти томонидан мустақил равишда белгиланади.

5-модда. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш, бухгалтерия ҳисоби стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига юкланади.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари бухгалтерия ҳисоби стандартлари билан, шу жумладан, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун соддалаштирилган бухгалтерия ҳисобини юритиш стандарти билан белгиланади.

Банкларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш Марказий банк томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

6-модда. Бухгалтерия ҳисобининг асосий қоидалари

Бухгалтерия ҳисобининг асосий қоидалари қуйидагилардир:

– бухгалтерия ҳисобини икки ёқлама ёзув усулида юритиш;

– узлуксизлик;

– хўжалик операциялари, активлар ва пассивларнинг пулда баҳоланиши;

– аниқлик;

– ҳисоблаш;

– олдиндан кўра билиш (эҳтиёткорлик);

– мазмуннинг шаклдан устунлиги;

– кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги;

– молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги;

– ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги;

– активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоланиши.

7-модда. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишни корхона, муассаса ва ташкилот раҳбари амалга оширади.

Раҳбар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– бош бухгалтер раҳбарлигида бухгалтерия ҳисоби хизматини ташкил этиш ёки шартнома асосида жалб қилинган бухгалтер хизматидан фойдаланиш;

– бухгалтерия ҳисоби юритишни шартнома асосида ихтисослаштирилган бухгалтерия фирмасига ёки таркибига бухгалтерия субъекти ҳам кирадиган хўжалик бирлашмасининг марказлаштирилган ҳисобга олиш бўлимига юклаш;

– бухгалтерия ҳисобини мустақил юритиш.

Раҳбар қуйидагиларни таъминлаши шарт:

– ички ҳисоб ва ҳисобот тизими ишлаб чиқилишини;

– хўжалик операцияларини назорат қилиш тартибини;

– бухгалтерия ҳисоби тўлиқ ва аниқ юритилишини;

– ҳисоб-китоб ҳужжатларининг сақланишини;

– ташқи фойдаланувчилар учун молиявий ҳисобот тайёрланишини;

– солиқ ҳисоботлари ва бошқа молиявий ҳужжатлар тайёрланишини;

– ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилишини.

8-модда. Имзо ҳуқуқи

Пул, товар-моддий ва бошқа бойликларни қабул қилиш ва бериш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатлар, корхона, муассаса ва ташкилотнинг кредит ва ҳисоб-китоб мажбуриятлари, шунингдек бухгалтерия ҳисоботлари ва баланслари раҳбар томонидан ёки у белгилайдиган шахслар томонидан имзоланади.

Раҳбар имзолаш ҳуқуқига эга бўлган шахсларининг иккита рўйхатини тасдиқлайди. Биринчи рўйхатга – раҳбарлик вазифаларини амалга оширувчи шахслар, иккинчисига – бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахслар киради.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг имзоси бўлмаган ҳужжатлар ҳақиқий ҳисобланмайди.

9-модда. Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари

Хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисоби учун операциялар амалга оширилганлигини қайд этувчи бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ва уларни ўтказишга доир фармойишлар асос бўлади.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари хўжалик операциялари амалга оширилаётган вақтда ёки операциялар амалга ошириб бўлинганидан кейин тузилади.

Ҳисобот даврига тегишли бўлган хўжалик операциялари, агар улар амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар олинмаган бўлса, тегишли бошланғич ҳужжат расмийлаштирилиб, бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатларининг мажбурий реквизитлари қуйидагилардир:

корхонанинг (муассасанинг) номи;

ҳужжатнинг номи ва рақами, у тузилган сана ва жой;

хўжалик операциясининг номи, мазмуни ва миқдор ўлчови (натура ҳолида ва пулда ифодаланган ҳолида);

масъул шахсларнинг шахсий имзолари.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатларини тузган ҳамда имзолаган шахслар уларнинг ўз вақтида тўғри ва аниқ тузилиши, шунингдек бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун уларнинг белгиланган муддатларда топширилишига жавобгардирлар.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатларига хўжалик операцияси қатнашчилари томонидан тасдиқланмаган тузатишлар киритилишига йўл қўйилмайди. Банк ва касса-пул ҳужжатларида тузатишлар ва ўчириб ёзишларга йўл қўйилмайди.

10-модда. Бухгалтерия ҳисоби регистрлари

Бухгалтерия ҳисоби регистрлари икки ёқлама ёзув қоидаларига мувофиқ юритиладиган журналлар, қайдномалар, дафтарлар, тасдиқланган бланкалар (шакллар)дир.

Регистрлар техника воситаларидан фойдаланишда олинган машинограмма кўринишидаги ёзувлар йўли билан, шунингдек магнит тасмалари, дисклар, дискетлар ва бошқа машиналарда бажарилиши мумкин. Регистрларни шакллантириш тартиби бухгалтерия ҳисоби стандартлари билан белгиланади.

Бухгалтерия ҳисоби регистрларига тасдиқланмаган тузатишларнинг киритилишига йўл қўйилмайди.

11-модда. Активлар ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларининг тўғрилиги ҳамда аниқлиги активлар ва мажбуриятларни мажбурий суратда инвентаризация қилиш орқали тасдиқланади. Инвентаризация объектлари, уни ўтказиш тартиби ва муддатлари инвентаризация бўйича бухгалтерия ҳисоби стандартига мувофиқ белгиланади.

12-модда. Активлар ва мажбуриятларни баҳолаш

Оборот активларни баҳолаш қуйидаги икки баҳонинг энг пасти бўйича – баланс тузилаётган санадаги ҳақиқий таннархи бўйича (сотиб олиш нархи ёки ишлаб чиқариш таннархи) ёки бозор баҳоси бўйича (соф сотиш қиймати) амалга оширилади.

Асосий маблағлар ва номоддий активлар уларнинг тўлиқ бошланғич қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Асосий маблағлар ва номоддий активлар қийматини ҳисобдан чиқариш уларнинг қиймати тўлиқ тўлангунга ёки объект сафдан чиқиб кетгунга қадар бўлган эскиришини (амортизацияни) ҳисоблаш йўли билан амалга оширилади. Амортизация ажратмалари объект фойдаланишга топширилганидан кейинги ойдан бошлаб амалга оширилади. Ернинг қиймати амортизация қилинмайди.

Молиявий қўйилмалар бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ ҳисобга олинади.

Мажбуриятлар тарафларнинг келишувига биноан пул билан акс эттирилади.

Суд қарори бўйича юзага келган мажбуриятлар тегишли суммада акс эттирилади.

Потенциал мажбуриятлар дастлабки ҳақиқий баҳоси бўйича акс эттирилади.

Бухгалтерия ҳисоби миллий валюта – сўмда юритилади.

13-модда. Даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш

Даромадлар ва харажатлар, тўланган вақти ва пул келиб тушган санадан қатъи назар, қайси даврга тааллуқли бўлса, ўша ҳисобот даврида акс эттирилади.

14-модда. Хусусий капитални ҳисобга олиш

Хусусий капитал – устав капитали, қўшилган ва захира капиталидан, ҳамда тақсимланмаган фойдадан таркиб топади.

Устав капитали – таъсис ҳужжатларида белгиланган ҳиссаларнинг (пул ифодасида) йиғиндисидир. Устав капиталига ҳисса шаклида қўшиладиган моддий ва номоддий активлар таъсисчилар келишувига ёки юридик шахс ижроия органининг қарорига кўра баҳоланади ва ҳисобга олинади.

Қўшилган капитал акцияларни номинал қийматидан баланд нархларда дастлабки сотишдан олинадиган эмиссия даромадини акс эттиради.

Захира капитали мол-мулкни қайта баҳолаш чоғида ҳосил бўладиган инфляция захираларини, шунингдек текинга олинган мол-мулк қийматини акс эттиради.

Тақсимланмаган фойда фойданинг жамғарилаётганини ифодалайди ва мулкдорларнинг қарорига биноан устав капиталига қўшилиши мумкин.

15-модда. Гаровни ҳисобга олиш

Ўзининг ёки ўзгаларнинг мажбуриятларини таъминлаш учун гаровга берилган мол-мулк қиймати, шу жумладан, пул маблағлари корхона томонидан бошқа активлардан алоҳида ҳисобга олинади.

Гаровга олинган мол-мулк қиймати, гаров сифатида қабул қилиб олинган пул маблағлари ва валюта бойликлари қиймати алоҳида балансдан ташқари ҳисобварақларда акс эттирилади.

16-модда. Молиявий ҳисобот

Молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида тузилади.

Молиявий ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олади:

– бухгалтерия баланси;

– молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;

– асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

– пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот;

– хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот;

– изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳисоботи соддалаштирилган шаклда тузилади.

Молиявий ҳисоботнинг таркиби ва мазмунини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилайди.

17-модда. Умумлаштирилган молиявий ҳисобот

Шуъба корхоналари, филиаллари ва ваколатхоналари бўлган корхоналар умумлаштирилган молиявий ҳисобот тузади.

Шуъба корхоналарга қўшилган ҳиссалар бош корхонанинг молиявий ҳисоботида унинг молиявий қўйилмалари сифатида акс эттирилади.

Юридик шахслар ўз филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа таркибий бўлинмаларини мустақил балансга ажратишлари мумкин бўлиб, уларнинг баланслари ва бошқа ҳисобот шаклларини ўзларининг умумлаштирилган ҳисоботига киритишлари шарт.

Умумлаштирилган ҳисоботга бош корхона, унинг шуъба корхоналари, филиаллари ва ваколатхоналарининг молиявий ҳисоботлари илова қилинади.

Умумлаштирилган ҳисобот бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ тузилади.

Ушбу модданинг талаблари вазирликлар, идоралар ва бюджет ташкилотларининг жамлама молиявий ҳисоботига нисбатан татбиқ этилмайди.

18-модда. Молиявий ҳисоботнинг ҳисобот даври

1 январдан 31 декабрга қадар бўлган календарь йил молиявий ҳисоботнинг ҳисобот даври ҳисобланади.

Янгидан ташкил этилган юридик шахслар учун юридик шахс ҳуқуқи қўлга киритилган санадан бошлаб ўша йилнинг 31 декабрига қадар бўлган давр, юридик шахс ҳисобланмайдиганлар учун эса, улар давлат органларида рўйхатга олинган санадан бошлаб биринчи ҳисобот йили деб ҳисобланади.

Агар юридик шахс 1 октябрдан кейин рўйхатга олинган бўлса, биринчи ҳисобот йили кейинги йилнинг 31 декабрида тугайди.

Рўйхатдан ўтишга ёки юридик шахс ҳуқуқини қўлга киритишга қадар амалга оширилган хўжалик операциялари тўғрисидаги маълумотлар биринчи ҳисобот йили молиявий ҳисоботига киритилади.

19-модда. Молиявий ҳисоботни тақдим этиш

Молиявий ҳисобот қуйидагиларга тақдим этилади:

– солиқ органларига;
– таъсис ҳужжатларига мувофиқ мулкдорларга;
– давлат статистика органларига;
– қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа органларга.

Молия ҳисоботи ҳисобот йили бошдан қўшилиб борувчи жамлама тартибида йилнинг ҳар чорагида тақдим этилади.

Бюджетдаги муассасалар йил чораги бўйича йиллик ҳисоботни юқори органга тақдим этадилар.

Молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бухгалтерия ҳисобининг айрим субъектлари учун молиявий ҳисоботни тақдим этишнинг бошқа муддатларини белгилаши мумкин.

20-модда. Молиявий ҳисоботни эълон қилиш

Хўжалик юритувчи субъектларнинг йиллик молиявий ҳисоботи манфаатдор банклар, биржалар, инвесторлар, кредиторлар ва бошқалар учун ошкора ҳисобланади.

Очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари, суғурта компаниялари, банклар, фонд ва товар биржалари, инвестиция фондлари ва бошқа молия муассасалари ҳар йилги молиявий ҳисоботни уларда кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини аудиторлар тасдиқлагач, ҳисобот йили тугаганидан сўнг биринчи майгача эълон қилишлари шарт.

21-модда. Тугатиш вақтида молиявий ҳисобот

Хўжалик юритувчи субъект тугатилган вақтда якуний молиявий ҳисобот тузилади.

Тугатиш бўйича операцияларни ҳисобга олиш, тугатиш баланси ва ҳисоботни тузиш, активлар қийматини аниқлаш юзасидан жавобгарлик тугатиш комиссияси зиммасига юкланади.

Умидсиз қарзлар ва зарарлар тугатиш балансига киритилмайди.

Мажбуриятлар уларни узиш вақтига қадар ҳисобланган фоизлари билан тугатиш балансида акс эттирилади.

22-модда. Бухгалтерия ахборотининг махфийлиги

Бухгалтерия ҳисобини юритишда махфийликка риоя қилинади. Бухгалтерия ҳисоби регистрларининг мазмуни билан танишишга маъмурият рухсати билан ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

Бухгалтерия ҳисоби регистрлари билан танишишга рухсат этилган

шахслар уларнинг махфийлигини сақлашлари шарт. Махфийликни бузганлик қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишга сабаб бўлади.

23-модда. Бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш

Бухгалтерия ҳужжатлари ва регистрлар, микрофильмлар ёки компьютер ҳисоби молиявий маълумотлари камида уч йил, молиявий ҳисобот эса қонун ҳужжатларида белгиланган муддат мобайнида сақланади.

Бухгалтерия ҳужжатларини олиб қўйиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

24-модда. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти **И. КАРИМОВ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН
РЎЙХАТГА ОЛИНГАН
23.12.1999 й.№ 859

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МОЛИЯ ВАЗИРИ ТОМОНИДАН
ТАСДИҚЛАНГАН
21.12.1999 й.
№ 100

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БИЛАН
15.12.1999 й.
№ 153-В

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ БИЛАН
20.12.1999 й. № 99-137

КЕЛИШИЛГАН

Бюджет ташкилотлари даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар
II. Давлат бюджетидан харажатларни маблағ билан таъминлаш
III. Ҳисобварақларни очиш
IV. Бухгалтерия операциялари бўйича субҳисобварақлар корреспонденцияси
V. Маблағ билан таъминлаш, касса ва ҳақиқий харажатлар ҳисоби
VI. Ҳисобот
1-илова. 294-сонли шакл
2-илова. 1-ох-сонли шакл. Харажатлар сметасининг ижро этилиши тўғрисида ойлик ҳисобот
3-илова. 2-сонли шакл. Харажатлар сметасининг ижро этилиши тўғрисида ҳисобот
4-илова. 2-рж-сонли шакл. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасига маблағларнинг келиб тушиши ва уларнинг ишлатилиши тўғрисида ҳисобот

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги "Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 414-сонли қарори ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Давлат бюджетидан молиялаштириладиган юридик шахс мақомини олган ҳамда олмаган барча вазирликлар, идоралар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан даромадлар ва харажатларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳамда ҳисоботларни тузиш тартибини белгилайди.

2. Ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли қарори билан тасдиқланган молиялаштириш тартибига мувофиқ қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

– бюджет маблағларидан тежаб, самарали ва аниқ фойдаланиш ҳамда бюджет интизомини мустаҳкамлаш, шунингдек маблағлардан фойдаланишда юқори натижаларга эришиш мақсадида мавжуд маблағларни оқилона тақсимлаш учун имкониятлар яратиш;

– бюджетдан маблағ билан таъминлашни бюджет ташкилотларининг фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятини кенгайтириш билан бирга қўшиб олиб бориш;

– бюджет ташкилотлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш ва кадрларнинг ўрнашиб қолиши учун шарт-шароитлар яратиш.

3. Давлат мудофаа қобилиятини, хавфсизлигини таъминлаш, мамлакатда ички тартибни сақлаш ва бошқалар билан боғлиқ харажатларни маблағ билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

II. ХАРАЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАН МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

4. Харажатларнинг қуйидаги гуруҳлари Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланади:

I. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (болали оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, стипендиялар ва бошқалар), харажатларнинг ушбу гуруҳига иқтисодий таснифининг 01-1-00, 03-4-10, 03-4-20, 03-4-25, 03-4-30, 03-4-40 харажатлар турлари киради.

II. Иш ҳақига қўшимчалар, харажатларнинг ушбу гуруҳига иқтисодий таснифининг 01-2-00 харажатлар турлари киради.

III. Капитал қўйилмалар (Давлат инвестиция дастурида назарда тутилган аниқ рўйхатларга мувофиқ), харажатларнинг ушбу гуруҳига иқтисодий таснифининг 04-2-00, 04-3-00 харажатлар турлари киради.

IV. Бошқа харажатлар, харажатларнинг ушбу гуруҳига иқтисодий таснифининг01-3-00, 01-4-00, 01-5-00, 01-6-00, 01-7-00, 01-8-00, 01-9-00, 03-1-00, 03-3-00, 03-4-45, 03-4-90, 03-5-00, 04-1-00, 04-4-00, 04-5-00, 05-0-00, 06-0-00, 07-1-00, 07-2-00, 07-3-00, 08-1-00, 08-2-00, 08-3-00, 09-1-00, 09-2-00, 10-0-00 харажатлар турлари киради.

5. Маблағ билан таъминлаш бюджет ижроси жараёнида харажатлар рўйхати ва сметасига киритиладиган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда тегишли йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига ҳамда бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларига мувофиқ тузилган бюджет харажатларининг чораклар бўйича тақсимланган йиллик рўйхатига биноан амалга оширилади.

6. Харажатларнинг I ва II гуруҳларига киритилган бюджет ташкилотлари биринчи навбатда маблағ билан таъминланади. Бунда II харажатларнинг гуруҳига тегишли маблағ ўтказмасдан I гуруҳ харажатларини амалга ошириш тақиқланади.

7. Капитал қўйилмаларга ажратмалар жорий бюджет йили учун тасдиқланган Республика инвестиция дастурига мувофиқ қурилишларнинг аниқ рўйхатларига ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ажратилади.

8. Харажатларнинг I ва II гуруҳларини республика ва маҳаллий бюджетлардан маблағ билан таъминлаш сметаларга ва бюджет харажатлари рўйхатларига, уларга киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек олдинги ҳисобот даври учун белгиланган баҳолаш кўрсаткичларининг бажарилишига мувофиқ ҳар ойда амалга оширилади.

Капитал қўйилмаларни ва бошқа харажатларни маблағ билан таъминлаш бюджетга маблағлар тушишига қараб ҳар ойда амалга оширилади.

9. Бюджет ташкилотларини:

республика бюджетидан маблағ билан таъминлаш – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида белгиланган шаклдаги (унда бюджет таснифномаси параграфлари ва харажатлар гуруҳларини кўрсатган ҳолда) харажат жадваллари ва харажатларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича бир сатрда маблағ ўтказиш учун тўлов қоғози билан расмийлаштирилади, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган харажатларни ўз вақтида тўланиши устидан назоратни таъминлаш учун харажатлар турларига кўра маблағ билан таъминланадиган I гуруҳ харажатлари бундан мустасно;

маҳаллий бюджетлардан маблағ билан таъминлаш – тегишли молия ташкилотларида белгиланган шаклдаги фармойиш билан (унда бюджет таснифи параграфи ва харажатлар гуруҳини кўрсатган ҳолда) ва харажатларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича бир сатрда маблағ ўтказиш учун тўлов қоғози билан расмийлаштирилади, I гуруҳ харажатлари бундан мустасно.

Маблағ билан таъминлаш ҳар бир параграф бўйича алоҳида амалга оширилади.

Ажратилган маблағлар бюджет муассасалари томонидан улар қайси харажатлар параграфи бўйича олинган бўлса, ўша параграф бўйича қатъий тарзда ишлатилади.

Бюджет муассасаларига харажатлар гуруҳлари бўйича тасдиқланган лимитларни ўзбошимчалик билан ўзгартириш таъқиқланади.

Гуруҳлар ва параграфлар бўйича харажатлар ҳажмини ўзгартириш Молия вазирлигининг ваколатига киради.

Ажратилган маблағларнинг тегишли харажатлар параграфлари ва гуруҳлари бўйича мақсадли ишлатилиши учун жавобгарлик бюджет ташкилотлари ва муассасаларининг раҳбарлари ва бош бухгалтерларига юклатилади.

10. Бюджет ташкилотларининг харажатларини маблағ билан таъминлашда янги бюджет йилида маблағ ажратиш режаси дебиторлик қарзлар кредиторлик қарзлардан ортиқ суммага ва бюджет ташкилотларининг бюджет ажратмалари (маблағлари)дан фойдаланиш ҳисобига ташкил топган ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 январидаги ҳолатига кўра товар-моддий бойликларнинг нормативдан ортиқ қолдиғи суммасига камайтирилади.

III. ҲИСОБВАРАҚЛАРНИ ОЧИШ

11. Янгидан юридик шахс мақомини олган бюджет ташкилотлари ва муассасалари банк муассасаларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳисобварақларни очадилар:

– бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олинадиган асосий депозит ҳисобварағи;

– бюджет ташкилотларини ривожлантириш Жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олинадиган депозит ҳисобварағи.

IV. БУХГАЛТЕРИЯ ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА СУБҲИСОБВАРАҚЛАР КОРРЕСПОНДЕНЦИЯСИ

12. Молия органлари ва бюджет ташкилотларида бухгалтерия

ҳисоби ва ҳисоботи "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисда"ги Қонун, бухгалтерия ҳисоби бўйича йўриқномаларга мувофиқ, Давлат бюджетида турувчи ташкилотларда Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг амалдаги таснифи ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бошқа меъёрий ҳужжатларига мувофиқ юритилади.

13. Юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилотларининг фаолияти турига мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан, вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкини бошқа ташкилотларга ижарага беришдан олинган маблағларнинг 50 фоизини ўтказишдан, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига берилаётган ҳомийлик ёрдами (бегараз ёрдам) тариқасида, шунингдек режага мувофиқ бюджетдан маблағ билан таъминлаш ҳисобига тушган ва ҳисобот чорагининг сўнги иш куни охирида бюджет ташкилотлари ҳисобварақларида қолган тежаб қолинган (фойдаланилмаган) маблағларни (капитал қўйилмаларни маблағ билан таъминлаш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно) ўтказишдан олинган даромадлар ва харажатларни акс эттириш учун қуйидаги субҳисобварақлар кўзда тутилган:

114-"Бюджет ташкилотларини ривожлантириш Жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олинадиган депозит ҳисобварағи"

134-"Молиявий қўйилмалар жамғармаси"

215-"Бюджетдан ташқари Жамғармалар ҳисобига харажатлар"

275-"Кредиторлик қарзларини биринчи ўринда тўлаш захираси"

400-"Махсус маблағлар бўйича даромадлар"

14. Чоракнинг охирги иш кунида бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олинадиган асосий депозит ҳисобварағидан бюджет ташкилотларини ривожлантириш Жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олинадиган депозит ҳисобварағига тежаб қолинган суммалар ва маблағлар қолдиғини ўтказишда 114-субҳисобварақ дебетланади ва 090 ёки 100-субҳисобварақ кредитланади. Айни пайтда Жамғармага келиб тушган суммага 134-субҳисобварақ дебети ва 275-субҳисобварақ кредити бўйича иккинчи ёзув қайд этилади.

15. 1-гуруҳ "Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар" бўйича суммалар, хусусан чорак охирги ойининг иккинчи ярми учун иш ҳақини тўлаш учун молиялаштирилган маблағлар, депонентлаштирилган иш ҳақи ва степендиялар, маблағ билан тўлиқ таъминланмаганлик ёки бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олинадиган асосий депозит ҳисобварағида маблағларнинг етишмаслиги сабабли олиб бўлинмаган нафақалар суммалари тежаб қолинган бўлиб ҳисобланмайди ва бюджет ташкилотини ривожлантириш Жамғармасининг

бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олинадиган депозит ҳисобварағига ўтказилмайди. 2-гуруҳ "Иш ҳақига қўшимчалар" бўйича ҳисобланган, бироқ ўтказилмаган иш ҳақига қўшимчалар, ҳисобланган, бироқ олинмаган пенсиялар, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик, туғилиш муносабати билан ва дафн этишга нафақалари суммалари бюджет ташкилотларини ривожлантириш Жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олинадиган депозит ҳисобварағига ўтказилмайди.

16. Бюджет ташкилотларини ривожлантириш Жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олинадиган депозит ҳисобварағига фаолият турига мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан, вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкини бошқа ташкилотларга ижарага беришдан олинган маблағларни ўтказишдан, ҳомийлик ёрдами (бегараз ёрдам) тариқасида келиб тушган даромадлар суммасига 114-субҳисобварақ дебетланади ва 400-субҳисобварақ кредитланади.

Вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкини бошқа ташкилотларга ижарага беришдан келиб тушган даромадлар суммаси қуйидаги ўтказмалар билан акс эттирилади:

даромадлар 100% миқдорида келиб тушганда – 114-субҳисобварақ дебети, 400-субҳисобварақ кредити; бунда бир вақтнинг ўзида 400-субҳисобварақ дебети ва 173-субҳисобварақ кредити бўйича ёзув акс эттирилиб, маҳаллий бюджетга ўтказиладиган 50% миқдорида даромадлар ҳисобланади;

50% миқдорида даромадлар маҳаллий бюджетларга ўтказилганда 173-субҳисобварақ дебетланади ва 114-субҳисобварақ кредитланади.

Бюджет ташкилотларини ривожлантириш Жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олинадиган депозит ҳисобварағидаги пул маблағларининг ҳаракати бўйича операцияларнинг аналитик (таҳлилий) ҳисоби 381-сонли шаклдаги жамғарма қайдномасида (3-сонли мемориал ордер) ёки 292-сонли шаклдаги жорий ҳисобварақлар ва ҳисоб-китоблар дафтарида юритилади.

Депозит ҳисобварағидаги пул маблағларининг қолдиқларини ҳисобга олиш дафтарида ёзувлар яхлит ва харажатлар гуруҳлари бўйича амалга оширилади.

17. Харажатларнинг бюджет қисми бўйича мавжуд кредиторлик қарзларини биринчи ўринда қайтаришга тежаб қолинган суммалар ва бюджет ташкилотларини ривожлантириш Жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олинадиган депозит ҳисобварағига ўтказилган қолдиқлар биринчи навбатда харажат қилинади, бунда:

SAMARQAND IQTISOD
VA SERVIS INSTI
AXBOROT RESURS MARK

178-субҳисобварақ дебетланади ва 114-субҳисобварақ кредитланади; бир вақтнинг ўзида амалга оширилган тўлов суммасига Жамғармани камайиши бўйича иккинчи ёзув қайд қилинади: 275-субҳисобварақ дебетланади ва 134-субҳисобварақ кредитланади.

Вақтинчалик молиялаштирмаслик сабабли бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олинадиган асосий депозит ҳисобварағида маблағлар бўлмаганда харажатлар бюджет ташкилотларини ривожлантириш Жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олинадиган депозит ҳисобварағи ҳисобига амалга оширилиши мумкин, кейинчалик эса бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олинадиган асосий депозит ҳисобварағи ҳисобига бажарилади.

Бунда 178-субҳисобварақ (ёки бошқа тегишли субҳисобварақ) дебетланади ва 114-субҳисобварақ кредитланади, бир вақтнинг ўзида 275-субҳисобварақ дебетланади ва 134-субҳисобварақ кредитланади.

Бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олинадиган асосий депозит ҳисобварағига маблағлар келиб тушганда (молиялаштириш олинганда) илгари бюджет ташкилотларини ривожлантириш Жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олинадиган депозит ҳисобварағидан ўтказилган суммаларга айнан тенг бўлган маблағлар бюджет ташкилотларини ривожлантириш Жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олинадиган депозит ҳисобварағига тўланади, бу 114-субҳисобварақнинг дебети ва 090 (100)-субҳисобварақ кредити бўйича акс эттирилади, бир вақтнинг ўзида 134-субҳисобварақ дебетланади ва 275-субҳисобварақ кредитланади.

Бюджет ташкилотларини ривожлантириш Жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олинадиган депозит ҳисобварағи ҳисобига бюджет бўйича кредиторлик қарзларини тўлашга маблағларни ўтказиш учун тўлов топшириқномаларининг "тўлов мақсади" сатрида "Харажатларнинг бюджет қисми бўйича кредиторлик қарзини тўлов суммаси ўтказилади" ёзувини қайд қилиш лозим.

275-субҳисобварақнинг дебетидаги қолдиқ бюджет ташкилотининг бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олинадиган асосий депозит ҳисобварағининг бюджет ташкилотларини ривожлантириш Жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олинадиган депозит ҳисобварағига бўлган қарзи суммасини кўрсатади. 275-субҳисобварақнинг кредитидаги қолдиқ бюджет ташкилотларини ривожлантириш Жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олинадиган депозит ҳисобварағи бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олинадиган асосий депозит ҳисобварағидан олган ва уни сарфлаш ҳуқуқига эга бўлган суммани кўрсатади.

18. Бюджет ташкилотларини ривожлантириш Жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олинадиган депозит ҳисобварағи маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган бошқа барча харажатлар бухгалтерия ўтказмаларида харажатларни 215-субҳисобварақ дебетига киритилган ҳолда белгиланган тартибда акс эттирилади.

Бюджетдан ташқари жамғармалар операциялари бўйича субҳисобварақлар корреспонденцияси бюджет маблағлари бўйича операциялар акс эттирилгандаги субҳисобварақлар корррреспонденциясига ўхшаш тарзда амалга оширилади.

Ҳисобот йилининг охирида якуний ўтказмалар билан 200-"Муассасаларни сақлаш ва бошқа тадбирлар учун бюджет бўйича харажатлар" субҳисобварағи актив ҳисобварақлари 140, 230-" Муассасаларни сақлаш ва бошқа тадбирлар учун бюджетдан маблағ билан таъминлаш бўйича ҳисоб-китоблар" пассив ҳисобварақлари билан, 215-"Бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан харажатлар" субҳисобварағи 400-"Махсус маблағлар бўйича даромадлар" субҳисобварағи пассив ҳисобварақлари билан ёпилади. Амалга оширилган харажатлар улар бўйича ажратилган лимитлардан ошиб кетган тақдирда, ошиб кетган сумма ривожлантириш Жамғармаси маблағлари ҳисобига қопланади. Якуний ўтказмаларда 200-"Муассасаларни сақлаш ва бошқа тадбирлар учун бюджет бўйича харажатлар" актив субҳисобварағи бўйича ошиб кетиш сумма 400-"Махсус маблағлар бўйича даромадлар" субҳисобварағи ҳисобига ёпилади.

V. МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, КАССА ВА ҲАҚИҚИЙ ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ

19. Бюджет ташкилотларига ажратилган лимитлар доирасида маблағ билан таъминлаш, касса ва ҳақиқий харажатларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш учун мазкур Йўриқноманинг 1-иловасида келтирилган 294-сонли шаклдаги дафтарда алоҳида ҳисоб юритиш зарур.

Бюджет ташкилотлари томонидан олинган молиялаштириш суммалари (ажратмалари)нинг ҳисоби харажатлар гуруҳи бўйича умумий молиялаштирилган суммаларни тақсимлаган ҳолда бўлим, боб, параграфлар бўйича алоҳида юритилади.

Ҳар бир параграфда йиллик операцияларни кетма-кет ва тўлиқ жойлаштириш заруриятини ҳисобга олган ҳолда алоҳида саҳифалар очилади. Харажатлар параграфларидан бири учун очилган биринчи саҳифанинг биринчи сатрида харажатлар гуруҳлари бўйича йиллик лимитнинг умумий суммаси ёзилади.

Иккинчи сатрда жорий чоракнинг лимит суммаси ҳам харажатлар гуруҳлари бўйича ёзилади.

Харажатлар турлари бўйича лимит суммаларини ўзгариши харажатлар турлари бўйича хабарноманинг реквизитлари кўрсатилган ҳолда тегишли ёзув билан расмийлаштирилади.

Кейинчалик молиялаштириш суммалари келиб тушганда тўлов топшириқномалари ёки бошқа тегишли ҳужжатларнинг реквизитлари ва олинган молиялаштириш суммалари харажатлар гуруҳлари бўйича тақсимланган ҳолда сатрма-сатр ёзиб борилади.

Одиниши лозим бўлган бюджет маблағлари лимити қолдиғини аниқлаш мақсадида ҳар ой, чоракнинг охирида ой, чорак учун ва йил бошидан бошлаб жами олинган молиялаштириш суммаларининг йиғиндиси ҳисоблаб чиқарилади.

Касса ва ҳақиқий харажатларни ҳисобга олиш бўйича 294-сонли шаклдаги дафтар бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олинадиган асосий депозит ҳисобварағи ва бюджет ташкилотларини ривожлантириш Жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олинадиган депозит ҳисобварағи бўйича алоҳида юритилади.

Харажатларнинг ҳар бир гуруҳига йиллик операцияларни кетмакет ва тўлиқ жойлаштириш заруриятини ҳисобга олган ҳолда алоҳида саҳифалар очилади. Харажатлар гуруҳларидан бирига очилган саҳифанинг биринчи сатрида харажатлар турлари бўйича йиллик лимитнинг тегишли суммаси ёзилади.

Ўз навбатида иккинчи сатрда жорий чоракнинг лимит суммаси ҳам харажатлар турлари бўйича ёзилади.

Харажатлар турлари бўйича лимит суммаларини ўзгариши харажатлар турлари бўйича хабарноманинг реквизитлари кўрсатилган ҳолда тегишли ёзув билан расмийлаштирилади.

Кейинчалик касса харажатларини ҳисобга олишда операциялар амалга оширишилган санага мувофиқ касса харажатлари амалга оширилган тўлов топшириқномалари, чеклар ва бошқа тегишли ҳужжатларнинг реквизитлари ёзилиб, суммалар харажатларнинг тегишли турлари бўйича тақсимланади.

Операциялар содир этилган кунда банк ҳужжатлари ва шахсий ҳисобварақдан кўчирмаларга иловалар қайд қилингандан сўнг касса харажатлари йиғиндиси ҳисоблаб чиқарилади ва сўраб олинаётган сана бошида бюджет маблағлари лимити қолдиғи чиқарилади.

Бюджет маблағлари лимити ўзгартирилганлиги тўғрисидаги хабарнома мавжуд бўлганда лимит қолдиғи киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда чиқарилади. Бундан ташқари ой, чорак охирида ой, чорак учун ҳамда тегишлича йил бошидан бошлаб жами (касса) айланмалар ҳисоблаб чиқарилади.

Ҳақиқий харажатлар ҳисоби ҳам шу тартибда юритилади, бироқ касса харажатлари бўйича тўлов топшириқномалари ва бошқа ҳужжатлар ўрнига ҳақиқий харажатларнинг тегишли суммалари билан мемориал ордер ва жамғарма қайдномаларнинг реквизитлари ёзилади.

Ҳақиқий харажатлар бўйича бюджет маблағлари лимити қолдиқларини ҳисоблаб чиқариш тартиби касса харажатларини ҳисобга олиниши каби амалга оширилади.

Касса харажатларини ҳисобга олиш дафтарлари ва жорий ҳисобварақлардаги қолдиқларни ҳисобга олиш дафтарларидаги маълумотлар солиштирилади ва лимитлар доирасида касса харажатларини амалга оширилиши устидан назорат қилиш учун фойдаланилади.

VI. ҲИСОБОТ

20. Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган вазирликлар, идоралар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси молия вазирлигига, вилоят, шаҳар ва туман молия органларига харажатлар сметаларини бажарилиши тўғрисида ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботларни тақдим этадилар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган шакл ва муддатларга мувофиқ бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ягона баланс тузадилар.

1-ох ойлик ҳисобот барча бюджет ташкилотлари томонидан ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-кунига тақдим этилади. 1-ох ҳисобот шакли илова қилинади (2-илова).

2-сонли шаклдаги чораклик ҳисобот ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай тақдим этилади. 2-сонли шаклдаги ҳисобот илова қилинади (3-илова).

Бюджет ташкилотларини ривожлантириш Жамғармаси бўйича 2-рж-сонли шаклдаги чораклик ҳисобот юридик шахс мақомини олган бюджет муассасалари томонидан 2-сонли шаклдаги ҳисобот билан бирга ва уни топшириш муддатларида тақдим этилади (4-илова).

1-ох, 2, 2-рж шакллари бўйича ҳисобот ҳар бир параграф бўйича алоҳида ва муассаса бўйича умумий тақдим этилади. Бунда бюджет ташкилотларини ривожлантириш Жамғармасининг даромадлари бўйича маълумотлар барча ташкилотлар бўйича фақат 2-рж-сонли шаклдаги йиғма ҳисоботда акс эттирилади. Бюджет муассасаларини ривожлантириш жамғармаси бўйича харажатлар, юқорида кўрсатилгандек, 2-рж-сонли шаклда ҳар бир параграф бўйича алоҳида ва муассаса бўйича ҳаммаси акс эттирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли қарори чиққунга қадар шаклланган бошқа бюджетдан ташқари маблағ-

лар, жамғармалар бўйича бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг илгари қабул қилинган меъёрий ҳужжатлари асосида юритилади.

21. Бюджет ташкилотлари томонидан давлат бюджетидан олинган маблағларнинг сарфланиши, бюджет ташкилотини ривожлантириш Жамғармасини шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби, харажатлар ижросини назорат қилиш ва бюджет ташкилотлари раҳбарлари ва молия органлари ваколатли ходимларининг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли қарорига иловада баён этилган.

Молия вазири ўринбосари **Ж. Қўчқоров**

Марказий банк раиси ўринбосари **М. Жумагелдиев**

Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари **Б. Хўжаев**

1-ИЛОВА
294-сонли шакл

_____ бўлим _____ боб _____ параграф

Ҳужжат рақами	Сана	Операциялар мазмуни	__-гуруҳ бўйича жами	шу жумладан харажатлар турлари бўйича							
А	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

2-ИЛОВА

1-ох шакл
ЎзР МВ 01.01.2000 й.дан киритилган

Бўлим _____ _____
Боб _____ _____ **бўйича харажатлар сметасининг ижро этилиши тўғрисида**
§ _____

ОЙЛИК ҲИСОБОТ

200 йил учун

I. ХАРАЖАТЛАР

Гуруҳ-лар		Сатр коди	Ҳисобот ойида ажратилган маблағлар	Йил бошидан Бошлаб ажратилган маблағлар	Ой учун касса харажатлари Жами	Йил бошидан бошлаб касса харажатлари Жами
А	Б	1	2	3	4	5
I	Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	1				
II	Иш ҳақига қўшимчалар	2				
IV	Бошқа харажатлар	3				
	Тежалган (ишлатилмаган) ва ҳисобот чорагининг сўнги иш куни охирида қолган суммалар, бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси ҳисобига ўтказилган бюджет ташкилоти ҳисобварағидаги маблағлар	4	X	X		
	Жами харажатлар:	5				

II. ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛИНАДИГАН ДЕПОЗИТ ҲИСОБВАРАҚЛАРИДАГИ МАБЛАҒЛАР ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАРИ

Т/р	ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛИНАДИГАН ДЕПОЗИТ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ НОМИ	Йил бошида қолдиқлар	Ҳисобот ойи бошида маблағлар қолдиқлари	Ҳисобот ойида ажратилган маблағлар*	Жорий йил бошидан ажратилган маблағлар*	Ҳисобот ойи учун касса харажатлари	Йил бошидан касса харажатлари	Ҳисобот даври охирида қолдиқлар
А	Б	1	2	3	4	5	6	7
1	Бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олинадиган асосий депозит ҳисобварағи							
2	Бюджет ташкилотини ривожлантириш Жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олинадиган депозит ҳисобварағи							

*) *Юридик шахс мақомини олган муассасалар бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси бўйича 3 ва 4-устунларда ойдаги ва йил бошидан келиб тушган сумманн қайд қиладилар.*

Муассаса раҳбари _____
Бош (катта) бухгалтер _____
200__ йил "____" _____

Изоҳ.

*) *Юридик шахс мақомини олган барча бюджет муассасалари томонидан ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай тақдим этилади.*

Раҳбар _____ бухгалтер _____
(имзо) (имзо)
200__ йил "___"_____

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги томонидан
2006 йил 1 январдан бошлаб жорий этилди

Смета харажатларининг ижроси ҳақида
ҲИСОБОТ

Шакл 2

200__йил _____ ҳолатига

Ташкилотнинг номи _____
Ҳисобот даври: Йиллик, 1 апрель, 1 июль, 1 октябрь ҳолатига
Ўлчаш бирлиги минг сўм/млн. сўм (кераксизи ўчирилсин)
Вазирлик _____
Бўлим _____ боб _____ § _____
Харажатлар тури _____

Кўрсаткичлар	Кўрсаткичлар коди	Қатор коди	Аниқланган йиллик смета бўйича	Ҳисобот даври учун молиялаштирилган	Касса харажати жами	Ҳақиқий харажатлар
1	2	3	4	5	6	7
Иш ҳақи - жами	01100	01				
Иш ҳақи	01110	02				
Умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантириш учун Директорлик жамғармаси маблағлари*	01130	03				
Тиббиёт ташкилотлари ходимларига устамалар ва қўшимчалар**	01140	04	х	х	х	х
Стипендиялар	03410	05				
Бола 2 ёшга тўлгунга қадар парваришлаш учун ишлайдиганларга тўланадиган ҳар ойлик нафақа	03420	06				
Ҳаммаси I гуруҳ бўйича (01+05+06-қаторлар)	Х	07				
Иш берувчиларнинг ажратмалари	01200	08				
Ҳаммаси II гуруҳ бўйича (08-қатор)	Х	09				
Хизмат сафарлари харажатлари	01300	10		Х		
Коммунал хизматлар харажатлари - жами (12-17-қаторлар)	01400	11		Х		
Электроэнергия учун тўлов	01410	12		Х		

Табиий газ учун тўлов	01420	13		X		
Кўмир учун тўлов	01430	14		X		
Иссиқ сув ва иссиқлик энергияси учун тўлов	01440	15		X		
Сув ва оқава сув учун тўлов	01450	16		X		
Ахлатларни йиғиштириш ва олиб чиқиб кетиш хизмати учун тўлов, шунингдек энергетик ва бошқа ресурслар (бензин ва бош-қа ЁММдан ташқари) олиш учун бошқа харажатлар	01490	17		X		
Телефон, телекоммуникацион ва ахборот хизматлари харажатлари (19-20-қаторлар)	01500	18		X		
Телефон, телеграф хизматлари харажатлари	01510	19				
Ахборот ва коммуникация хизматлари харажатлари	01520	20				
Жорий таъмирлаш харажатлари (22-23-қаторлар)	01600	21		X		
Жорий таъмирлаш харажатлари	01610	22				
Компьютер техникаси ва жиҳозларини жорий таъмирлаш харажатлари	01620	23				
Сақлаш, ижара, эксплуатация ва қоказо хизматларни тўлаш учун харажатлар (25-30-қаторлар)	01700	24		X		
Транспорт воситалари ва техникаларни сақлаш, хизмат кўрсатиш ва ижара харажатлари	01740	25		X		
Бензин ва бошқа ёнилғи-мойлаш материаллари харажатлари	01750	26		X		
Ўқитиш харажатлари	01765	27		X		
Геология-қидирув ишлари харажати	01775	28		X		
Объектларни қўриқлаш хизмати учун тўлов харажатлари	01780	29		X		
Сақлаш, ижара, фойдаланганлик учун бошқа харажатлар ва бошқа хизматларга харажатлар - жами (31-32-қаторлар)	01790	30		X		
Сақлаш, ижара, фойдалан-	01791	31				

ганлик учун бошқа харажатлар ва бошқа хизматларга харажатлар						
Компьютер техникаси, жиҳоз ва анжомларни сақлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш харажатлари	01792	32				
Жорий мақсадлар учун техника, асбоб-ускуналар, жиҳозлар, ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш харажатлари (34+38-43-қаторлар)	01800	33		X		
Техника, оргтехника, асбоб-ускуна, жиҳоз, инвентарь материаллари ва канцелярия буюмларини сотиб олиш харажатлари - жами (35-37-қаторлар)	01810	34		X		
Марказлашган маблағлар ҳисобидан техника, оргтехника, асбоб-ускуна, жиҳоз, инвентарь материаллари ва канцелярия буюмларини сотиб олиш харажатлари	01811	35				
Компьютер техникаси ва жиҳозларини, ахборот технологияларини сотиб олиш харажатлари	01812	36				
Техника, оргтехника, асбоб-ускуна, жиҳоз, инвентарь материаллари ва канцелярия буюмларини сотиб олиш харажатлари	01813	37				
Озиқ-овқат олиш учун харажатлар	01830	38		X		
Дори-дармон ва боғловчи материаллар олиш учун харажатлар	01840	39		X		
Вакциналар ва бактериологик препаратлар сотиб олиш харажатлари	01841	40		X		
Кийим-кечак, пойафзал, махсус кийим-кечак, ички кийимлар, чойшаб-рилофлар олиш учун харажатлар	01850	41		X		
Электр энергияси ва коммунал хизматларга ўлчов асбобларн сотиб олиш ва сақлаш харажатлари	01880	42		X		
Техника, жиҳозлар ва ашё-	01890	43		X		

лар сотиб олиш учун бошқа харажатлар						
Бошқа жорий харажатлар - жами (45+46-қаторлар)	01900	44		X		
Тиббиёт муассасасини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини шакллантиришга харажатлар	01910	45				
Бошқа жорий харажатлар	01990	46				
Субсидиялар - жами (48-51-қаторлар)	03100	47		X		
Номолиявий давлат корхоналарига субсидиялар	03110	48		X		
Молиявий муассасаларга субсидиялар	03120	49		X		
Корхоналарнинг товар ва хизматларни зарарига сотишдан кўрган зарарларини қоплаш учун субсидиялар	03130	50		X		
Бошқа корхоналарга субсидиялар	03140	51		X		
Нотижорат корхоналарга жорий трансфертлар	03300	52		X		
Уй хўжаликларига жорий трансфертлар (54+55-қаторлар)	03400	53		X		
Имтиёзли беморлар контингентга бепул кўрсатилган юқори малакали ихтисослашган тиббий ёрдам харажатларини қоплаш	03444	54		X		
Уй хўжаликларига бошқа трансфертлар - жами (56-57-қаторлар)	03490	55		X		
Марказлашган маблағлар ҳисобидан уй хўжаликларига бошқа трансфертлар	03491	56				
Уй хўжаликларига бошқа трансфертлар	03492	57				
Асосий капитал активларни сотиб олиш харажатлари - жами (59+62+63-қаторлар)	04100	58		X		
Марказлашган маблағлар ҳисобидан асосий активларни сотиб олиш харажатлари - жами	04110	59				
Марказлашган маблағлар	04111	60				

жет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказилган маблағлар						
Харажатларнинг ҳаммаси (07+09+73+74-қаторлар)		75				

Изоҳ:
*) *Ушбу қаторни фақат 200 бўлим "Умумий таълим" ташкилотлари тўлдирадилар*
**) *Ушбу қаторни фақат 203 бўлим "Соғлиқни сақлаш" ташкилотлари тўлдирадилар.*

Раҳбар _____(имзо)

Бош ҳисобчи _____(имзо)

"__"_____200__йил

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги томонидан
2006 йил 1 январдан бошлаб жорий этилди

Шакл 2-рж
(ривожлантириш жамғармаси)

Бўлим_____ _____**ривожлантириш жамғармаси бўйича**
Боб_____ (ташкилот номи)
§_____ **даромад ва харажат турларининг бажарилиши бўйича**
200__ йил _____ ҳолатига _____ чораклик

ҲИСОБОТ

минг сўм

1. Йил бошига қолдиқ	
2. Ҳисобот даврига тушган даромад жами	
Шу жумладан: А) Ишлар, хизматчилар, ишлаб чиқариш ва сотишдан тушган даромадлар	
Б) Вақтинча фойдаланилмаган биноларни ва давлатнинг бошқа ижарага беришидан тушган тушумлар	
В) Юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига кўрсатиладиган ҳомийлик (беғараз) ёрдами ҳисобига олинган тушумлар	
Г) Ҳисобот чорагининг охирги иш куни тежаб қолинган (фойдаланилмаган) бюджет маблағлари ҳисобидан тушумлар	
Д) Бошқа тушумлар	
3. Жами даромад (1+2)	
4. Жами касса харажати *	
5. Ҳисобот даври охирига қолдиқ (3-4)	

Харажатларнинг турлари бўйича сарфланиши

Модда Код НН - I - JJ	Харажатлар номи	Қатор коди	Ишлаб чиқаришнинг ўзини харажатларини қоплаш	Кредитор қарзларини тўлаш учун	Моддий-техник базани ривожлантириш учун (75%)	Ходимларни моддий рағбатлантириш учун (25%)	Бегараз ёрдам ҳисобидан	Жами касса харажати* (2+3+4+5+6)	Жами ҳақиқий харажатлар
А	Б	1	2	3	4	5	6	7	8
01100	Иш ҳақи - жами (02+03)	01							
01110	Иш ҳақи	02							
01130	Умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантириш учун Директорлик жамғармаси маблағлари	03							
03410	Стипендиялар	04							
03420	Бола 2 ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаш учун ишлайдиган	05							

	оналарга тўланадиган ҳар ойлик нафақа								
X	Ҳаммаси I гуруҳ бўйича (01+04+05)	06							
01200	Иш берувчиларнинг ажратмалари	07							
X	Ҳаммаси II гуруҳ бўйича (07-қатор)	08							
01300	Хизмат сафарлари харажатлари	09							
01400	Коммунал хизматлар харажатлари (11+12+13+14+15+16)	10							
01410	Электр энергияси учун тўлов	11							
01420	Табиий газ учун тўлов	12							
01430	Кўмир учун тўлов	13							
01440	Иссиқ сув ва иссиқлик энергияси учун тўлов	14							
01450	Сув ва оқава сув учун тўлов	15							
01490	Ахлатларни йиғиштириш ва олиб чиқиб кетиш хизмати учун тўлов, шунингдек энергетик ва бошқа ресурслар (бензин ва бошқа ЁММдан ташқари) олиш учун бошқа харажатлар	16							
01500	Телефон, телекоммуникацион ва ахборот хизматлари харажатлари - жами (18+19)	17							
01510	Телефон, телеграф хизматлари харажатлари	18							
01520	Ахборот ва коммуникация хизматлари харажатлари	19							
01600	Жорий таъмирлаш харажатлари - жами (21+22)	20							
01610	Жорий таъмирлаш харажатлари	21							
01620	Компьютер техникаси ва жиҳозларини жорий таъмирлаш харажатлари	22							
01700	Сақлаш, ижара, экс-	23							

	плуатация ва ҳожахона хизматларини тўлаш учун харажатлар (24+25+26+27+28+29)								
01740	Транспорт воситалари ва техникаларни сақлаш, хизмат кўрсатиш ва ижара харажатлари	24							
01750	Бензин ва бошқа ёнилғи-мойлаш материаллари харажатлари	25							
01765	Ўқитиш харажатлари	26							
01775	Геология-қидирув ишлари харажатлари	27							
01780	Объектларни қўриқлаш хизмати учун тўлов харажатлари	28							
01790	Сақлаш, ижара, фойдаланганлик учун бошқа харажатлар ва бошқа хизматларга харажатлар - жами (31+32)	29							
01791	Сақлаш, ижара, фойдаланганлик учун бошқа харажатлар ва бошқа хизматларга харажатлар	30							
01792	Компьютер техникаси, жиҳоз ва анжомларини сақлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш харажатлари	31							
01800	Жорий мақсадлар учун техника, асбоб-ускуналар, жиҳозлар, ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш харажатлари (33+37+38+39+40+41+42)	32							
01810	Техника, оргтехника, асбоб-ускуна, жиҳоз, инвентарь материаллари ва канцелярия буюмларини сотиб олиш харажатлари - жами (34+35+36)	33							
01811	Марказлашган маблағлар ҳисобидан техника, оргтехника, асбоб-ускуна, жиҳоз,	34							

	инвентарь материаллари ва канцелярия буюмларини сотиб олиш харажатлари								
01812	Компьютер техникаси ва жиҳозларини, ахборот технологияларини сотиб олиш харажатлари	35							
01813	Техника, оргтехника, асбоб-ускуна, жиҳоз, инвентарь материаллари ва канцелярия буюмларини сотиб олиш харажатлари	36							
01830	Озиқ-овқат маҳсулотлари олиш учун харажатлар	37							
01840	Дори-дармонлар ва боғловчи материаллар олиш учун харажатлар	38							
01841	Вакциналар ва бактериологик препаратлар сотиб олиш харажатлари	39							
01850	Кийим-кечак, пойафзал, махсус кийим-кечак, ички кийимлар, чойшаб-рўмоллар олиш учун харажатлар	40							
01880	Электр энергияси ва коммунал хизматларга ўлчов асбоблари сотиб олиш ва сақлаш харажатлари	41							
01890	Техника, асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва ашёлар олишга доир бошқа харажатлар	42							
01900	Бошқа жорий харажатлар - жами (44-қатор)	43							
01990	Бошқа жорий харажатлар	44							
03492	Уй хўжаликларига бошқа трансфертлар	45							
04100	Асосий капитал активларни олиш - жами (47+50+51)	46							
04110	Марказлашган маблағлар ҳисобидан ме-	47							

	бель ва инвентарлар сотиб олиш - жами (48+49)								
04111	Марказлашган маблағлар ҳисобидан асосий активларни сотиб олиш	48							
04112	Компьютер техникаси ва жиҳозларини, ахборот технологияларини сотиб олиш харажатлари	49							
04120	Компьютер техникаси ва жиҳозларини, ахборот технологияларини сотиб олиш харажатлари	50							
04140	Асосий активларни сотиб олиш харажатлари	51							
04400	Ишлаб чиқариш соҳасида капитал таъмирлаш харажатлари	52							
04500	Ноишлаб чиқариш соҳасида капитал таъмирлаш харажатлари - жами (54+55)	53							
04510	Марказлашган маблағлар ҳисобидан ноишлаб чиқариш соҳасида капитал таъмирлаш харажатлари	54							
04520	Ноишлаб чиқариш соҳасида капитал таъмирлаш харажатлари	55							
06000	Капитал лойиҳалар билан боғлиқ бўлмаган ер ва номатериал активлар олиш харажатлари	56							
07000	Капитал трансфертлар	57							
Жами IV гуруҳ бўйича (09+10+17+20+23+32+43+45+46+52+53+56+57)		**58**							
Ҳаммаси (06+08+58)*		**59**							

Изоҳ: Ҳамма бюджет муассасаларя ўзининг юқори ташкилотига ўтган чорак учун 6-кундан кечиктирмай бюджет ҳисоботлари билан топширишлари шарт.

Раҳбар_____ Ҳисобчи_____

"____"_____200___йил

ЎзР АВ 13.02.2001 й. 1005-сон
билан рўйхатга олингин
ЎзР МВ томонидан қабул қилган
22.01.2001 й. 13-сон Буйруғига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан таъминланадиган ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоботлари ва балансларитўғрисида
НИЗОМ

1-§. Умумий қоидалар
2-§. Бухгалтерия ҳисоботлари ва балансларини тақдим этиш ва тасдиқлаш тартиби
3-§. Бухгалтерия ҳисоботи ва балансларини тузиш қоидалари
4-§. Асосий воситаларни узоқ муддатли активлар таркибида акс эттириш
5-§. Капитал қўйилмаларнинг узоқ муддатли активлар таркибида акс эттирилиши
6-§. Номоддий активларнинг узоқ муддатли активлар таркибида акс эттирилиши
7-§. Арзон ва тез эскирувчан буюмларнинг оборот активлари таркибида акс эттирилиши
8-§. Моддий захираларнинг оборот активлари таркибида акс эттирилиши
9-§. Ишлаб чиқаришга ва бошқа мақсадлар учун харажатларнинг баланс активида акс эттирилиши
10-§. Пул маблағларининг баланс активида акс эттирилиши
11-§. Ҳисоб-китобларнинг баланс активида акс эттирилиши
12-§. Молиялашнинг баланс пассивида акс эттирилиши
13-§. Капитал қўйилмаларни молиялашнинг баланс пассивида акс эттирилиши
14-§. Маҳсулот сотилиши ва даромадларнинг баланс пассивида акс эттирилиши
15-§. Мақсадга йўналтирилган фонд ва маблағларнинг баланс пассивида акс эттирилиши
16-§. Ҳисоб-китобларнинг баланс пассивида акс эттирилиши
17-§. Баланс моддаларини инвентарлаш

Мазкур Низом "Бюджет тизими тўғрисида", "Бухгалтерия ҳисоби

тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида ишлаб чиқилган ва юридик шахс мақомига эга бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан таъминланадиган ташкилотлар, шунингдек вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар бошқармалари (бўлимлари), марказий шаҳар ва туман касалхоналари ҳамда бошқа бюджет маблағларини олувчилар (бундан кейин - ташкилотлар) томонидан бухгалтерия ҳисоботлари ва балансларини тузиш тартибини белгилайди.

1-§. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Бюджет бўйича ва бюджетдан ташқари маблағларга доир хўжалик операциялари, шунингдек капитал қўйилмалар бўйича харажатлар сметалари ижросининг бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибга мувофиқ юритилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан таъминланадиган ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботига услубий раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг вазирлик ва идоралари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишиб, зарур ҳолларда белгиланган тартибда ўз тизимидаги ташкилотларда, улар фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўйича умумий қоидаларни қўллаш тартиби тўғрисида ҳужжатлар чиқариши мумкин.

3. Ташкилотлар харажатлари сметаларининг ижроси тўғрисидаги бухгалтерия ҳисоботининг намунавий ва ихтисослаштирилган шакллари ҳамда ушбу шаклларни тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

4. Капитал қўйилмалари ва уларни молиялаш манбалари ташкилотлар балансида ҳисобга олинади.

5. Ташкилотлар раҳбарлари ва уларнинг бухгалтерия хизматлари, марказлаштирилган бухгалтерияларнинг бош бухгалтерлари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг тўлиқ ҳамда ишончли бўлиши, ўз тизими ташкилотлари томонидан харажатлар сметалари ижроси устидан раҳбарликни амалга оширадилар ва жавобгар бўладилар.

6. Ташкилотлар ва марказлаштирилган бухгалтерияларни йўриқномалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни, агар қонун ҳужжатларида бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг тегишли вазирлик ва идоралари, ҳокимликлар-

нинг бошқармалари (бўлимлари), бошқарувнинг бошқа юқори турувчи органлари амалга оширадилар.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва белгиланган шакллар бўйича ҳисоботлар тузиш учун ваколатли органлар томонидан тасдиқланган бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари бланкларини тайёрлашни (харид қилишни), тегишли моддий-техника базаси мавжуд бўлганида, бюджет ташкилотлари мустақил равишда амалга оширишлари мумкин.

2-§. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБОТЛАРИ ВА БАЛАНСЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ

7. Республика бюджетидан таъминланадиган ташкилотлар ойлик, чораклик ва йиллик бухгалтерия ҳисоботларини (бундан кейин - ҳисоботлар), чораклик ва йиллик ҳисоботларга балансларни илова қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тегишли буйруқлари билан белгиланган муддатларда ва манзилларга тақдим этадилар.

8. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоят, шаҳар ва туман бюджетларидан таъминланадиган ташкилотлар ойлик ҳисоботлар, чораклик ва йиллик ҳисоботлар ҳамда балансларни тегишли вазирликлар ва идораларга, ҳокимликлар бошқармалари (бўлимларига) улар томонидан белгиланган муддатларда тақдим этадилар.

Ташкилотлар йиғма ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботлар ҳамда балансларни тегишли молия органларига улар томонидан белгиланган муддатларда тақдим этадилар. Муддатлар тегишли бюджетнинг ижроси ҳақидаги ҳисоботларни юқори молия органига ўз вақтида тақдим этишни таъминлашни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Республика бюджетидан таъминланадиган ташкилотлар ҳисоботни юқори ташкилотларга тобелик бўйича, улар томонидан белгиланган муддатларда тақдим этадилар. Ўзбекистон Республикаси вазирлик ва идоралари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига йиғма чораклик ҳисобот ва балансларни ҳисобот даври тугаганидан сўнг 40 кундан кечиктирмай, йиллик ҳисобот ва балансларни эса ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 мартидан кечиктирмай тақдим этадилар. Кўрсатилган муддатлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси вазирлик ва идоралари томонидан йиғма чораклик ва йиллик ҳисобот ҳамда балансларни тақдим этишнинг табақалаштирилган муддатларини белгилайди. Ойлик ҳисоботларни топшириш муддатларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги алоҳида белгилайди.

9. Молиялаштирилиши бюджет йили давомида бир бюджетдан бош-

қасига топширилган ёки тобелиги бир вазирлик (идора)дан бошқасига ўтказилган ташкилотлар бухгалтерия ҳисоботини топшириш санасига (йиллик ҳисобот шакллари ҳажмида) тузадилар ва уни олдинги ҳамда янги тобеликдаги юқори турувчи органга тақдим этадилар. Кейинчалик ҳисобот фақат янги тобелик бўйича тақдим этилади.

10. Ташкилотлар учун ҳисобот ва балансларни тақдим этиш санаси бўлиб уларни мансублик бўйича ҳақиқатда тақдим этиш санаси ҳисобланади. Ишланмайдиган кун билан ҳисоботларни тақдим этиш учун белгиланган муддат тўғри келган ҳолатда ҳисобот ишланмайдиган кун арафасидаги охирги иш кунида тақдим этилади.

11. Ойлик ҳисоботлар, чораклик ва йиллик ҳисоботлар ва балансларни тақдим этиш муддатларини бузганлик учун ташкилотларнинг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Атайлаб нотўғри ҳисобот маълумотларини тақдим этганлик ва белгиланмаган шакллар бўйича ҳисоботни мунтазам равишда тақдим этганлик учун ташкилотларнинг тегишли мансабдор шахслари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

12. Вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар бошқармалари (бўлимлари), бошқа бюджет маблағларини олувчилар ҳисоботларни белгиланган муддатда тақдим этмаган тақдирда Молия вазирлиги ва молия органлари бу ҳақда бюджет маблағларини олувчиларнинг раҳбарларини ёзма равишда хабардор қилиб, молиялаштиришни чеклашлари, зарур ҳолларда эса тўхтатиб қўйишлари мумкин.

Вазирлик ва идоралар, ҳокимликларнинг бошқарма (бўлим) лари, бошқа бюджет маблағларини олувчилар, ўз навбатида, бундай ҳолларда пул маблағларини ўтказишни ёки банкдаги тегишли ҳисобварақлар бўйича очилган пул маблағлари ҳаракатини тўхтатишлари мумкин.

13. Тобелик бўйича юқори турувчи ташкилотга тақдим этиладиган ҳисобот ва баланслар ҳисобот берувчи ташкилотнинг раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланади. Марказлаштирилган бухгалтерияда ҳисобот ва баланслар унинг ҳузурида ташкил этилган бошқарув органи ёки ташкилот раҳбари ва марказлаштирилган бухгалтериянинг бош бухгалтери томонидан имзоланади.

Молия вазирлиги ва молия органларига тақдим этиладиган вазирлик ва идоралар, ҳокимлик бошқармаси (бўлими)нинг йиғма ҳисобот ва баланслари тегишлича кўрсатилган бошқарув органларининг ваколатли раҳбари ва ушбу органлар бухгалтерия хизматининг раҳбари (бош бухгалтер) томонидан имзоланади. Юқорида кўрсатилган мансабдор шахсларнинг имзоларисиз ҳисобот ва баланслар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Бундан ташқари, вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар бошқармалари (бўлимлари), бошқа бюджет маблағларини олувчиларда тармоқ, штатлар ва контингентлар бўйича кўрсаткичларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботлар режалаш-молия хизматлари раҳбарлари томонидан имзоланадилар.

Ҳисобот ва балансларга бирор-бир тузатишлар киритилган тақдирда тегишли ёзув қайд этилади, у ҳисобот ва балансни имзолаган шахсларнинг имзолари билан тасдиқланади.

Ҳисобот ва балансларга, уларни текшириш ва тасдиқлаш пайтида юқори турувчи ташкилот томонидан киритилган барча тузатишлар мажбурий тартибда ушбу ҳисобот ва балансларни тақдим этилган барча манзилларга маълум қилиниши керак.

14. Юқори турувчи ташкилотлар уларга бўйсунадиган ташкилотларнинг ҳисобот ва балансларини қараб чиқадилар ва тасдиқлайдилар, шунингдек улар фаолиятини яхшилашга доир зарур чоралар кўрадилар. Вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар бошқарма (бўлим)лари, маҳаллий бюджетлардан молияланадиган бюджет маблағларининг бошқа олувчилари уларга бўйсунадиган ташкилотларнинг ойлик, чораклик, йиллик ҳисоботлари ва тегишли балансларини улар келиб тушган кундан бошлаб 5 кундан кечиктирмай кўриб чиқадилар ва тасдиқлайдилар, бунда улар бўйича қарорлар айни шу муддатда тегишли ташкилотларга маълум қилиниши керак.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, тегишли молия органлари ўтган молия йилига якунлар чиқарилаётганда вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар бошқарма (бўлим)лари томонидан уларга бўйсунадиган ташкилотларнинг йиллик ҳисоботлари ва балансларини кўриб чиқилаётганда иштирок этадилар. Йиллик ҳисобот ва балансларни кўриб чиқиш куни тўғрисида тегишли молия органлари ҳисобот ва балансларни кўриб чиқилаётган кундан кўпи билан уч кун олдин хабардор қилинишлари керак.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги ва молия органларига:

а) зарурият туғилганда бухгалтерия ҳисоботида келтирилган маълумотлар бўйича тушунтириш беришни талаб қилиш;

б) бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари ҳамда уларнинг ҳужжатлар асосида асосланишини, шунингдек ташкилотларнинг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш далолатномалари ва ўрганиш материалларини жойнинг ўзида кўриб чиқиш ҳуқуқи берилади.

17. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, молия органлари йиғма ойлик, чораклик, йиллик ҳисоботлар ва тегишли балансларга доир ўз мулоҳаза ва таклифларини Ўзбекистон Республикаси вазир-

лик ва идораларига, ҳокимликларнинг бошқарма (бўлим)ларига улар тегишли молия органларига келиб тушган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай маълум қиладилар. Йиғма йиллик ҳисобот ва балансни тақдим этган ташкилот мулоҳаза ва таклифлар олинган кундан бошлаб 10 кун ичида молия органига ўзининг уларга рози эмаслиги тўғрисида маълум қилмаса, таклифлар қабул қилинган деб ҳисобланади.

3-§. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБОТИ ВА БАЛАНСЛАРИНИ ТУЗИШ ҚОИДАЛАРИ

18. Бухгалтерия ҳисоботи ва балансларини тузишда қуйидагилар таъминланиши керак:

а) ҳисобот давридаги барча операциялар ва пул маблағлари, асосий воситалар, моддий бойликларни инвентарлаш натижалари ҳамда ҳисоб-китобларнинг тўлиқ акс эттирилиши;

б) ҳисобот даврининг биринчи кунида таҳлилий ҳисоб маълумотларининг жамлама ҳисоб ҳисобварақлари бўйича оборотлар ва қолдиқларга, шунингдек бухгалтерия ҳисоботи ва баланслари маълумотларининг жамлама ва таҳлилий ҳисоб маълумотларига айнан ўхшашлиги. Тегишлича расмийлаштирилган бирламчи ҳужжатлар бухгалтерия ҳисобида ёзувлар учун асос бўлиб ҳисобланади.

Ушбу асосий шартларга риоя этилмаслиги ҳисобот ва балансларни нотўғри тузиш деб қаралади.

19. Ўзбекистон Республикаси вазирлик ва идоралари, ҳокимликларнинг бошқарма (бўлим)лари, бюджет маблағларининг бошқа олувчилари йиғма ҳисобот ва балансларни уларга бўйсунадиган ташкилотларнинг улар томонидан топширилган бухгалтерия ҳисоботлари ва баланслари ҳамда ўз операцияларига доир ҳисобот асосида тузадилар.

20. Бюджет маблағларини олувчиларнинг харажатлар сметасининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот ва баланслари ўндан бир белги билан минг сўмларда тузилади.

4-§. АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАР ТАРКИБИДА АКС ЭТТИРИШ

21. Асосий воситалар (Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 23 сентябрда 491-сон билан рўйхатга олинган 5-сон Бухгалтерия ҳисоби миллий андозасига кўра) - узоқ муддатли давр давомида (бир йилдан кўпроқ) моддий ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, ноишлаб чиқариш соҳасида ҳам амал қиладиган, шунингдек ижарага бериш учун фойдаланиладиган моддий активлардир.

Асосий воситалар таркибида қуйидагилар ҳисобга олинади: ер,

бинолар, иншоотлар, узатиш қурилмалари, машина ва ускуналар, компьютер техникаси ва периферия қурилмалари, транспорт воситалари, асбоблар, ишлаб чиқариш (шу жумладан анжомлар) ва хўжалик инвентарлари, ошхона анжомлари, иш ҳайвонлари ва маҳсулдор моллар, кутубхона фонди, бошқа асосий воситалар (кўп йиллик кўчатлар ва ерни яхшилашга доир, иншоотлар қуриш билан боғланмаган капитал харажатлар, музей бойликлари, ҳайвонот дунёси экспонатлари, саҳнага қўйиш-постановка воситалари, намунавий лойиҳалаштириш ҳужжатлари, техник ифодаловчилар учун дастурлар, ўқув кинофильмлари, магнит дисклари ва тасмалари, кассеталар ва ҳоказо).

Қуйидагилар асосий воситаларга кирмайди:

а) хизмат қилиш муддатидан қатъи назар, бир бирлик (комплект) учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан ошмайдиган миқдорда қийматга эга бўлган предметлар;

б) қиймати ва хизмат қилиш муддатидан қатъи назар овлаш қуроллари (трал, тўр, анжом, матрап ва ҳоказо).

Қиймати ва хизмат қилиш муддатидан қатъи назар қуйидагилар асосий воситаларга киритилади: қишлоқ хўжалик машиналари ва қуроллари, катта ёшдаги иш ҳайвони ва маҳсулдор моллар (майдалари билан бирга), кутубхона фондлари, музей бойликлари (музей экспонатларидан ташқари), ҳайвонот дунёси экспонатлари ва намунавий лойиҳалаштириш ҳужжатлари.

22. Ноинвентарь тусдаги харажатлар (иншоотлар қурилиши билан боғланмаган) сирасига кирадиган ерларни яхшилашга доир, капитал қўйилмалар ҳисобига амалга ошириладиган, қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун ерлар юзасини яхшилашга доир маданий-техник тадбирларга (ер участкаларини текислаш, экинзор учун майдонлардаги тўнкаларни ковлаш, далаларни тош ва харсанглардан тозалаш, дўнгларни йўқотиш, чакалакзорларни йўқотиш, сув ҳавзаларини тозалаш ва ҳоказо) доир капитал харажатлар ҳар йили, бутун ишлар мажмуи тугашидан қатъи назар, фойдаланишга қабул қилинган майдонларга тааллуқли харажатлар суммасида асосий воситалар қийматига киритилади.

23. Ер тузиш, ўрмон яратиш ва алоҳида объектлар қурилиши билан боғланмаган шу сингари ишлар харажатлари, шунингдек асосий воситалар қийматини кўпайтирмайдиган бошқа харажатлар ушбу воситалар таркибига киритилмайди ва йил охирида белгиланган молиялаш манбаи ҳисобига ҳисобдан чиқарилади.

24. Асосий воситалар балансга дастлабки қиймати бўйича кирим

қилинади, қайта баҳоланганидан кейин улар тикланиш қиймати бўйича ҳисобга олинади.

25. Музей бойликлари, лаборатория жиҳозлари, асбоблар, ускуналар ва қимматбаҳо металлардан ҳамда қимматбаҳо тошлардан ясалган бошқа предметлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилаган тартибда қўшимча равишда ҳисобга олинади.

26. Қурилиши ва таъмирланиши тугалланган бино ва иншоотлар, ўрнатилган ускуналар, уларнинг дастлабки қийматини кўпайтирадиган, объектларни қўшимча қуриш ва қўшимча жиҳозлашга доир тугалланган ишлар, қабул қилиш далолатномалари белгиланган тартибда тасдиқланганидан кейин, уларга доир ҳақиқатда бажарилган барча харажатларнинг тўлиқ суммасида, бунга ускуналарни етказиб бериш, монтаж қилиш ва ўрнатиш харажатлари ҳам киради, янги харид қилинган асосий воситалар эса - устама, етказиш ва бошқа харажатларни ҳисобга олмасдан, уларни харид қилиш суммасида асосий воситалар таркибига киритилади.

Қийматни кўлайтирадиган капитал таъмирлаш харажатлари асосий воситаларга кирмайди.

27. Бюджет ташкилотларининг асосий воситаларига амортизация ҳисоблаб ёзилмайди, балки белгиланган тартибда эскириш ҳисоблаб ёзилади.

28. Яроқсиз ҳолга келган асосий воситалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилади.

Асосий воситаларни тугатишдан (бино ва иншоотларни бузиш ва бўлакларга ажратиш, ускуналарни демонтаж қилиш ва ҳоказо) келиб тушган моддий бойликлар асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи комиссия томонидан белгиланган улардан эҳтимолий фойдаланиш нархида кирим қилинади.

Кераксиз инвентарь ва ускуналарни сотишдан келиб тушган маблағлар ва моддий бойликлар, агар қонун ҳужжатларида бошқа нарса белгиланмаган бўлса, бюджет маблағларини олувчилар томонидан балансга кирим қилинади.

Яроқсиз ҳолга келган асосий воситаларни, шунингдек асосий воситаларнинг айрим объектларини бўлакларга бўлишдан олинган материалларни сотишдан ташкилотлар олган суммалар ташкилотлар тасарруфида қолади.

29. Бюджет ташкилотларини бир орган тасарруфидан бошқасининг тасарруфига беришда уларнинг барча мол-мулки бепул тақдим этилади.

30. Асосий воситаларнинг дастлабки (тикланиш) қиймати, эски-

ришнинг ҳисоблаб ёзилган суммаси (контрсчёт сифатида) ва асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати баланснинг тегишли моддаларида узоқ муддатли активлар қисмида акс эттирилади.

5-§. КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАРНИНГ УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАР ТАРКИБИДА АКС ЭТТИРИЛИШИ

31. Қурилиш ва монтаж ишларини юритиш усулидан қатъи назар, бюджет ташкилоти маблағлари ҳисобига янги бинолар ва иншоотлар қурилиши ҳамда таъмирланиши харажатлари капитал қўйилмалар таркибида ҳисобга олинади.

Капитал қўйилмалар харажатлари улар манбаларига (бюджет маблағлари, махсус воситалар ва ҳоказо) боғлиқ равишда балансда алоҳида акс эттирилади.

32. Тугалланган ва фойдаланишга топширилган объектлар бўйича харажатлар йил давомида тегишли илова ҳисобварақларда қайд этилади. Йил охирида ушбу харажатлар капитал қўйилмалар маблағларининг манбалари ҳисобварақларига ҳисобдан чиқарилади.

33. Тугалланган ва фойдаланишга топширилган қурилиш объектлари қабул қилиш далолатномалари асосида бухгалтерия ҳисобининг тегишли илова ҳисобварақларида асосий воситалар бўйича ҳисобга олинади.

Тугалланмаган ва тугалланган, лекин фойдаланишга топширилмаган қурилиш ва таъмирлаш объектлари бўйича харажатлар кейинги йил балансига ўтади.

34. Хўжалик усули билан амалга оширилаётган қурилиш харажатларининг ҳисоби ҳар бир объект бўйича харажатлар қисмлари: иш ҳақи, материаллар, бошқа бевосита харажатлар ва қўшимча сарф-харажатлар бўйича тақсимлаш билан алоҳида юритилади.

Пудрат усули билан амалга ошириладиган қурилиш харажатларининг ҳисоби фақат объектлар бўйича юритилади (қисмларга тақсимланмасдан).

Қурилиш ишлари ҳисоби ва монтаж бўйича ишлар ҳисоби алоҳида-алоҳида юритилади.

6-§. НОМОДДИЙ АКТИВЛАРНИНГ УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАР ТАРКИБИДА АКС ЭТТИРИЛИШИ

35. Номоддий объектлар (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 20 октябрда 506-сон билан рўйхатга олинган 7-сон Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисоби миллий

андозасига кўра) - моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган, мазкур бюджет ташкилоти ўз фаолиятида ишлатиш ёки бошқариш учун назорат қиладиган, шунингдек узоқ вақт (бир йилдан кўпроқ) ишлатиш учун мўлжалланган мол-мулк объектларидир.

36. Корхонанинг номоддий активлар таркибида қуйидагилар акс эттирилади:

патентлар, лицензиялар, интеллектуал мулк ва савдо маркалари (шу жумладан фирма маркалари ва эълон қилинадиган номлар).

Амалиётда учрайдиган активларга оддий мисоллар қуйидагилар ҳисобланади: фавқулодда ҳуқуқлар, компьютерли дастур таъминоти, муаллифлик ҳуқуқлари, мижозлар рўйхатлари, лицензиялар, маркетинг ҳуқуқлари, импорт квоталари, ноу-хау, бозор ҳақидаги билимлар, техник кўникмалар ва ҳоказо.

37. Барча турдаги номоддий активларнинг дастлабки баҳоси бўлиб дастлабки қиймат бўлиши керак.

Агар номоддий актив пул маблағларига харид қилинаётган бўлса, унинг қиймати айнан шундай активнинг фаол ишлаётган иккиламчи бозорида белгиланган бозор нархи бўйича контрактда таъкидланади.

Номоддий актив хўжалик юритувчи субъект томонидан яратилган тақдирда ва уни яратиш чиқимлари суммасини аниқ белгилаш мумкин бўлса, номоддий актив ҳақиқий таннархи бўйича акс эттирилади.

Номоддий активнинг қийматини белгилаш мумкин бўлмаса, у актив сифатида алоҳида модда билан акс эттирилмайди.

7-§. АРЗОН ВА ТЕЗ ЭСКИРУВЧАН БУЮМЛАРНИНГ ОБОРОТ АКТИВЛАРИ ТАРКИБИДА АКС ЭТТИРИЛИШИ

38. Арзон ва тез эскирувчан буюмлар (Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 28 августда 486-сон билан рўйхатга олинган 4-сон Бухгалтерия ҳисоби миллий андозасига кўра) - 1 йилдан камроқ хизмат қиладиган хўжалик инвентари, меҳнат воситалари ва предметларидир.

Арзон ва тез эскирувчан буюмлар таркибида мазкур Низомнинг 21-банди "а", "б" кичик бандларида саналган овлаш предметлари ва қуроллари ҳам ҳисобга олинади.

Арзон ва тез эскирувчан буюмлар, шу жумладан омбордагилари ҳам, уларнинг харид қиймати бўйича, устама, етказиш ва ҳоказолар харажатларисиз ҳисобга олинади.

Қиймати энг кам иш ҳақининг 3 бараваригача (харид қилиш пайтида амал қиладиган энг кам иш ҳақи миқдори) бўлиб, фойдаланиш-

га берилган ўқув ва кўргазмали қўлланмалар (мактаблар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, лицейлар, коллежлар, ҳунар-техника таълими билим юртлари, илмий-тадқиқот ва бошқа ташкилотларда) - бир бирлик (комплект) учун ва энг кам иш ҳақининг 1 бараваригача қийматли бошқа предметлар (харид қилиш пайтида амалдаги энг кам иш ҳақининг миқдори) бирлик (комплект) учун, ўз таркибида ошхоналар ва озиқ-овқат блоклари бўлган ташкилотлардаги ошхона анжомларидан ташқари, арзон ва тез эскирувчан буюмлар фондини камайтиришга ҳисобдан чиқарилади.

39. Яроқсиз ҳолга келган арзон ва тез эскирувчан буюмларни ҳисобдан чиқариш ва уларни сотиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Арзон ва тез эскирувчан буюмларни ҳисобдан чиқариш ҳисобдан чиқариш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

8-§. МОДДИЙ ЗАХИРАЛАРНИНГ ОБОРОТ АКТИВЛАРИ ТАРКИБИДА АКС ЭТТИРИЛИШИ

40. Бюджет ташкилотларининг моддий захиралари таркибига қурилиш материаллари, ўрнатиладиган ускуналар, материаллар, озиқ-овқат маҳсулотлари, ёқилғи ва ёнилғи, озуқа, ем-хашак, идишлар, машина ва ускуналарнинг эҳтиёт қисмлари, ёрдамчи хўжаликлар маҳсулот ва буюмлари, ёш ҳайвонлар ва бўрдоқига боқилаётган ҳайвонлар, ўқув, илмий ва бошқа мақсадлар учун материаллар, шунингдек узоқ фойдаланиладиган ва лабораторияда синаладиган материаллар, хўжалик шартномасидаги илмий-тадқиқот ишлари учун махсус жиҳозлар киритилади.

41. "Ишлаб чиқариш (ўқув) устахоналарининг маҳсулотлари" баланс моддаси бўйича ҳақиқий таннархи бўйича сотилмаган тайёр буюмлар ва маҳсулотлар қолдиғи кўрсатилади.

42. "Қишлоқдаги ёрдамчи (ўқув) хўжаликлар маҳсулоти" баланс моддаси бўйича режадаги таннарх бўйича йиллик ҳисобот калькуляциясини тузишгача жорий йилда ишлаб чиқарилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулоти қолдиғи кўрсатилади.

Кейинги йилга ўтадиган ўзи ишлаб чиқарган уруғлик ва озуқа захиралари балансда ҳақиқий таннарх харид нархларидан юқори бўлган тақдирда ҳақиқий таннархи ёки харид нархлари бўйича кўрсатилади.

Харид нархлари белгиланмаган айрим озуқа турлари уларнинг ҳақиқий таннархи бўйича, лекин ушбу озуқаларнинг режадаги таннархидан юқори бўлмаган равишда кўрсатилади.

43. "Илмий тадқиқотлар учун ва лабораторияда синаладиган узоқ фойдаланишдаги материаллар" баланс моддаси бўйича омбордан ла-

бораторияга ёки илмий-тадқиқот институти, олий ўқув юртининг бошқа таркибий бўлинмаларига илмий-тадқиқот ишлари учун олинган ва бир неча маротаба ёки узоқ вақт ишлатиладиган материалларнинг, шунингдек илмий тадқиқотлар объекти бўлган материалларнинг қиймати кўрсатилади.

44. "Хўжалик шартномалари ишлари учун махсус ускуналар" баланс моддаси бўйича буюртмачининг аниқ мавзуси бўйича хўжалик шартномасидаги илмий-тадқиқот ишларини бажариш учун харид қилинган махсус ускунанинг уни илмий бўлинмага топширишга қадар қиймати кўрсатилади.

45. "Ёш ҳайвонлар ва бўрдоқига боқилаётган ҳайвонлар" баланс моддаси бўйича барча турдаги ва бўрдоқига боқилаётган ҳайвонларнинг ёшлари, паррандалар, қуёнлар, мўйнали ҳайвонлар, асалари оилалари қиймати кўрсатилади.

Ўз хўжалигида насл кўпайтиришдан олинган ёш ҳайвонлар режадаги нархлар бўйича кўрсатилади. Бундан кейин ўстириш ва бўрдоқига боқиш учун кейинги йилга ўтказиладиган ёш моллар, шунингдек ҳисобот йилида асосий подага ўтказиладиган ёш моллар ҳақиқий таннархи бўйича баҳоланади.

46. "Озиқ-овқат материаллари ва маҳсулотлари" баланс моддаси бўйича озиқ-овқат материаллари ва маҳсулотлари уларнинг харид қиймати бўйича кўрсатилади.

Озиқ-овқат материаллари ва маҳсулотлари майда улгуржи база ва дўконлари орқали сотиб олинлаётганида белгиланган тартибда савдо чегирмаси берилган ҳолларда бундай бойликлар балансда чегирма суммаси олиб ташланган ҳолда чакана нархлар бўйича кўрсатилади.

Озиқ-овқат материаллари ва маҳсулотларини ташиш учун транспорт ёллаш харажатлари харид қилинган бойликлар қийматини кўпайтиришга киритилмайди, балки ушбу бойликлар харид қилинган пул ҳисобига харажатларнинг тегишли моддаларига ҳисобдан чиқарилади.

47. Масъулиятли сақлашга қабул қилинган моддий бойликлар қиймати тўлов топшириқномалари ҳисобварақлари акцепти рад этилгани ва бошқа сабаблар туфайли балансда тегишли ҳужжатларда қайд этилган нархлар бўйича кўрсатилади.

48. Ишлаб чиқариш чиқиндилари ўқув устахоналари ва қишлоқдаги ёрдамчи хўжаликларда комиссия томонидан белгиланган тартибда тасдиқланадиган ўртача бозор нархлари асосида хўжаликнинг баҳолаш комиссияси белгилаган улардан эҳтимолий фойдаланиш нархлари бўйича баҳоланади.

Озиқ-овқат материаллари ва маҳсулотларини сотишдан олинган суммалар ташкилотлар тасарруфида қолади.

9-§. ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ВА БОШҚА МАҚСАДЛАР УЧУН ХАРАЖАТЛАРНИНГ БАЛАНС АКТИВИДА АКС ЭТТИРИЛИШИ

49. "Ишлаб чиқариш (ўқув) устахоналарининг харажатлари" баланс моддаси бўйича тугалланмаган ишлаб чиқаришга оид маҳсулот ва буюмлар харажатлари ҳақиқий таннархи бўйича кўрсатилади.

50. "Қишлоқдаги ёрдамчи (ўқув) хўжаликларининг харажатлари" баланс моддаси бўйича ҳақиқий харажат бўйича қишлоқдаги ёрдамчи ва ўқув-тажриба хўжаликларида келгуси йилдаги ҳосил харажатлари кўрсатилади (кузги экинлар, шудгор қилиш, шудгорга тайёрлаш ва ҳоказо).

51. "Шартномалар бўйича илмий-тадқиқот ишлари харажатлари" баланс моддаси бўйича тугалланмаган илмий-тадқиқот ишлари (мавзулари) бўйича ҳақиқий харажатлар, шу жумладан қўшимча харажатлар кўрсатилади.

52. "Экспериментал қурилмаларни тайёрлаш харажатлари" баланс моддаси бўйича давлат бюджети ишлари бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш учун экспериментал қурилмалар (ускуналар, машина ва асбоблар намуналари, синов стендлари ва ҳоказо) тайёрлашнинг ҳақиқий харажатлари кўрсатилади.

53. "Материалларни тайёрлаш ва қайта ишлаш харажатлари" баланс моддаси бўйича хўжалик усули билан бажариладиган, озиқ-овқат материаллари ва маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлаш бўйича ҳақиқий харажатлар кўрсатилади.

10-§. ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ БАЛАНС АКТИВИДА АКС ЭТТИРИЛИШИ

54. Балансда кўрсатилган пул маблағлари қолдиқлари банкларнинг тегишли муассасалари билан келишилади. Уларга доир барча ихтилофлар баланс тузилгунга қадар бартараф қилинади.

Ташкилотлар балансларида қолдирилган, ушбу ҳисоб-китоблар бўйича тартибга солинмаган суммалар балансни нотўғри тузиш сифатида қаралади.

Бошқа пул маблағлари балансда уларнинг номинал қиймати бўйича кўрсатилади.

11-§. ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИНГ БАЛАНС АКТИВИДА АКС ЭТТИРИЛИШИ

55. Дебиторлар билан ҳисоб-китоблар балансда бухгалтерия ёзувларидан келиб чиқадиган суммаларда акс эттирилади.

Ихтилофлар мавжуд бўлганида ва уларни бартараф этиш учун манфаатдор томон белгиланган муддатларда ихтилофлар тўғрисидаги материалларни тегишли органларнинг рухсатига тақдим этиши шарт.

56. Шикоят қилиш муддати тугаган, шунингдек тўловчи томонидан тан олинган, суд ёки қарздорга нисбатан юқори орган ҳукм этган қисмда жарималар, пеня ва неустойкалар бўйича даъволар олувчи ва тўловчининг балансларида тегишлича "Бошқа дебиторлар билан ҳисоб-китоблар" баланс моддалари бўйича ҳисобга олинади.

57. "Камомадлар бўйича ҳисоб-китоблар" баланс моддаси бўйича пул маблағлари ва моддий бойликларнинг камомад ва ўғирланиш суммалари, шунингдек айбдор шахслар ҳисобига киритилган ушбу бойликлар шикастланишидан кўрилган талафотлар суммалари кўрсатилади.

Суд ундирилишини рад этган бойликлар камомади ва ўғирланиши бўйича қарзлар ҳар бир ҳолда ташкилот раҳбарининг рухсати билан энг кам иш ҳақининг 3 баравари суммасида, ҳар бир ҳолат бўйича энг кам иш ҳақининг 3 бараваридан ортиқ бўлган миқдорда - тегишли молия органининг рухсати билан ҳисобдан чиқарилади.

58. Суд тартибида жавобгарнинг ночорлиги тан олиниши ва ундиришни унинг мол-мулкига қаратиш мумкин эмаслиги муносабати билан ижро ҳужжатлари қайтарилган ҳукм этилган қарзлар ташкилот раҳбарининг рухсати билан ҳисобдан чиқарилади.

59. Қарздорларнинг тўловга ноқобиллиги туфайли қарзни ҳисобдан чиқариш қарзни бекор қилишни билдирмайди. Ушбу қарз балансдан ташқари ҳисобварақда қарздор мулкий аҳволининг ўзгаргани тақдирда уни ундириш имконияти учун кузатишга ҳисобдан чиқариш пайтидан бошлаб беш йил мобайнида кўрсатилиши керак.

60. Даъво қилиш муддати тугаган дебиторлик қарзи ташкилот раҳбарининг рухсати билан ҳақиқий харажатларни кўпайтиришга ҳисобдан чиқарилади, бу ҳақда 10 кун ичида ихтиёрида ушбу ташкилот бўлган юқори ташкилотга хабар қилинади. Даъво қилиш муддатларини ўтказиб юборишда ва мавжуд қарзларни ундириш учун зарур чоралар кўрмасликда айбдор бўлган мансабдор шахслар қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

12-§. МОЛИЯЛАШНИНГ БАЛАНС ПАССИВИДА АКС ЭТТИРИЛИШИ

61. Бюджет ташкилотларига молиялаштирилган бюджет маблағлари суммалари балансда алоҳида моддаларда молиялаш манбалари бўйича акс эттирилади.

62. Ота-оналардан болаларни мактабгача болалар ташкилотлари ва ҳоказоларда тутиб туриш учун, шунингдек тўловларнинг махсус турлари бўйича бошқа ҳисоб-китобларга доир келиб тушган маблағлар балансда молиявий йил давомида акс эттирилади.

Йил охирида бюджет бўйича харажатлар суммаларини камайтириш ҳисобига келиб тушган маблағлар суммалари, ҳисобдан чиқарилади.

13-§. КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАРНИ МОЛИЯЛАШНИНГ БАЛАНС ПАССИВИДА АКС ЭТТИРИЛИШИ

63. Маблағлар манбаларининг барча турлари бўйича капитал маблағларни молиялаштириш бир сатрда акс эттирилади.

64. Етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича кредиторлик қарзи пассивда алоҳида акс эттирилади.

14-§. МАҲСУЛОТ СОТИЛИШИ ВА ДАРОМАДЛАРНИНГ БАЛАНС ПАССИВИДА АКС ЭТТИРИЛИШИ

65. Баланс пассивида молия йили давомида алоҳида моддаларда ўқув устахоналари, бюджет ташкилотларининг қишлоқдаги ёрдамчи (ўқув) хўжаликлар маҳсулоти ва шартномалар бўйича илмий-тадқиқот ишларининг сотилиши акс эттирилади.

Шунингдек, бюджет ташкилотларининг махсус маблағлари бўйича даромадлар ва ишлаб чиқариш фаолиятидан тушган даромадлар алоҳида акс эттирилади.

66. Молия йили тугагач чиқарилган маҳсулот, буюмлар ва кўрсатилган хизматлар сотилишидан олинган молиявий натижа белгиланади, у баланс пассивида алоҳида модда бўлиб ҳисобга олинади.

15-§. МАҚСАДГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ФОНД ВА МАБЛАҒЛАРНИНГ БАЛАНС ПАССИВИДА АКС ЭТТИРИЛИШИ

67. Бюджет ташкилотларининг ўзига хос жиҳатларига боғлиқ равишда ташкил этилган турли хил мақсадга йўналтирилган фондлар баланс пассивида алоҳида моддалар бўйича ҳисобга олинади.

68. Баланс пассивида мақсадга йўналтирилган фондларга ўхшаб

асосий воситалардаги фондлар, арзон ва тез эскирувчан буюмлардаги фондлар, материаллар ва захиралардаги фондлар, шунингдек номоддий активлардаги фондлар ҳисобга олинади.

16-§. ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИНГ БАЛАНС ПАССИВИДА АКС ЭТТИРИЛИШИ

69. Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар балансда бухгалтерия ёзувларидан келиб чиқадиган суммаларда дебиторлар билан ҳисоб-китобларга ўхшаб кўрсатилади.

70. Даъво қилиш муддати тугаган, баланс пассивида турган кредиторлик ва дебиторлик қарзлари суммалари ташкилот молияланадиган бюджет даромадига даъво қилиш муддатлари тугаган ойдан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай киритилиши керак.

17-§. БАЛАНС МОДДАЛАРИНИ ИНВЕНТАРЛАШ

71. Ташкилотлар асосий воситалар, капитал қўйилмалар, номоддий активлар, моддий бойликлар, пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва баланснинг бошқа моддаларини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 2 ноябрда 833-сон билан рўйхатга олинган 19-сон "Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш" деб номланган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий андозасига мувофиқ инвентарлашни ўтказишга мажбурлар.

Барча турдаги қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошларни инвентарлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибга мувофиқ ўтказилади.

72. Инвентарлашнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

а) асосий воситалар, капитал қўйилмалар, номоддий активлар, моддий бойликлар, пул маблағлари, қатъий ҳисобдаги бланкларнинг ҳақиқатда мавжудлигини бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққослаш орқали аниқлаш, шунингдек моддий бойликлар ва пул маблағлари сақланишини назорат қилиш;

б) меъёрдан ортиқ ва ишлатилмайдиган моддий бойликларни аниқлаш;

в) моддий бойликлар ва пул маблағларини сақлаш қоидалари ва шартларига риоя қилиниши;

г) балансда ҳисобга олинган моддий бойликлар, кассалардаги, банк муассасаларида бюджет (депозит) ҳисобварақларидаги пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва баланс бошқа моддалари қийматининг реаллигини текшириш.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги томонидан
2006 йил 1 апрелдан жорий этилди

Харажатлар сметаси ижросининг
БАЛАНСИ

Шакл 1 | Кодлар

Сана

200__йил 1_____ ҳолатига

Ташкилот_____ бўйича

Даврлик: йиллик, 1 апрель, 1 июль, 1 октябрь

Ўлчов бирлиги_____

Назорат суммаси

Актив	Қаторлар коди	Йил бошига	Йил охирига (чорак)
1	2	3	4
I. Асосий воситалар			
Асосий воситалар (010-013, 015-019)	010		
II. Материаллар ва захиралар			
Ўқув ишлаб чиқариш устахона маҳсулотлари (030)	020		
Томорқа қишлоқ хўжалик (ўқув) маҳсулотлари (031)	030		
Илмий-тадқиқот ва лаборатория тажрибалари учун узоқ муддатга фойдаланиладиган материаллар (043)	*040*		
Хўжалик шартномалари учун илмий тадқиқот ишларига махсус жиҳозлар (044)	050		
Ёш чорва моллари ва боқувдаги ҳайвонлар (050)	060		
Материал ва озиқ-овқатлар (060-069)	070		
III. Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар			
Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар (070-073)	080		
IV. Ишлаб чиқаришга ва бошқа мақсадларга сарфлар			
Ишлаб чиқариш (ўқув) устахоналари сарфлари (080)	090		
Томорқа (ўқув) қишлоқ хўжалик сарфлари (081)	100		
Шартнома бўйича илмий-тадқиқот ишлари сарфлари (082)	110		
Тажриба қурилмалари тайёрлаш бўйича сарфлар (083)	120		
Материалларни тайёрлаш ва қайта ишлаш бўйича сарфлар (084)	130		
V. Пул маблағлари			
Ташкилот харажатлари ва бошқа тадбирлар учун бюджетдан молиялаштириш жорий депозит ҳисоби (090)	140		
Бюджет бўйича сармоя қўйилмалари учун очилган жорий ҳисобварақ (093)	150		
Бошқа бюджетлар ҳисобига жорий ҳисоб (096)	160		
Муассаса харажатларига, муассасага бўйсунувчи ташкилотларга пул ўтказиб беришга ва тадбирларга	170		

жорий ҳисоб (100-101)			
Сармоя қўйилмаларига жорий ҳисоб (103)	180		
Топшириқлар суммалар бўйича талаб қилиб олинадиган ҳисоб (110)	190		
Махсус маблағлар бўйича жорий ҳисоб (111)	200		
Бюджетдан ташқари бошқа маблағлар учун жорий ҳисоб (112)	210		
Жорий ҳисоб (113)	220		
Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағ бўйича талаб қилиб олинадиган депозит ҳисобварағи (114)	221		
Валюта ҳисоби (118)	222		
Касса (120)	223		
Бошқа пул маблағлари (130-132)	230		
Жўнатилган пул маблағлари (133)	231		
Молиявий жамғармаси (134)	232		
Бюджет ташкилотларининг бошқа ҳисоб рақамидаги пул маблағлари (135)	233		
VI. Ҳисоб-китоблар			
Бюджет мавзусидаги тажриба-конструкторлик ишларига буюртмаларни қисман тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар (152)	240		
Буюртмачилар билан бюджетдан ташқари маблағлар бўйича бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар (153)	241		
Буюртмачилар билан тўланиши лозим бўлган илмий-тадқиқот ишлари бўйича ҳисоб-китоблар (154)	250		
Буюртмачилар билан илмий-тадқиқот ишларига бўнаклар бўйича ҳисоб-китоблар (155)	251		
Хўжалик шартномалари бўйича ишларни бажариш учун бажарувчилар билан қўшимча қилинган ҳисоб-китоблар (156)	260		
Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар (157)	261		
Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар (160)	270		
Камомадлар бўйича ҳисоб-китоблар (170)	280		
Ижтимоий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар (171)	290		
Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар (172)	300		
Бюджетга тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар (173)	301		
Ягона ижтимоий тўлов (175)	302		
Ҳар хил дебиторлар билан ҳисоб-китоблар (178)	310		
Режали тўловлар таркибидаги ҳисоб-китоблар (179)	320		
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бадаллари бўйича ҳисоб-китоблар (2,5 фоиз) (198/1)	321		
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бадаллари бўйича ҳисоб-китоблар (ижтимоий тўловлар) (198/3)	322		
Ижтимоий тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар (188)	323		
VII. Харажатлар			
Бюджет томонидан муассасани сақлаш ва бошқа	330		

тадбирлар учун харажатлар (200)			
Бошқа бюджетлар ҳисобидан харажатлар (202)	340		
Тақсимлаш учун харажатлар (210)	350		
Махсус маблағлар бўйича харажатлар (211)	360		
Бошқа маблағлар бўйича харажатлар (213)	370		
Янги хўжалик механизми асосида иш олиб бораётган муассасаларни сақлаш харажатлари (214)	371		
Бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан харажатлар (215)	372		
Ишлаб чиқариш фаолияти маблағлари ҳисобидан харажатлар (217)	374		
VIII. Зарарлар			
Зарарлар (410)	380		
IX. Капитал қурилиш сарфлари			
Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар (040)	390		
Капитал қурилиш учун қурилиш материаллари (041)	400		
Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар (150)	410		
Капитал қўйилмаларга бюджет бўйича харажатлар (203)	420		
Махсус маблағлар бўйича капитал қўйилмаларга ва жиҳозлар олишга харажатлар (212)	430		
Капитал қўйилмалар учун бюджетдан ташқари фондлардан ажратмалар (216)	431		
БАЛАНС	440		
Пассив	**Қаторлар коди**	**Йил бошига**	**Йил охирига (чорак)**
1	**2**	**3**	**4**
I. Мобилизация			
Бюджет томонидан муассаса харажатларини ва бошқа тадбирларни молиялаштириш (230-140)	450		
Бошқа бюджетлар ҳисобидан молиялаштириш (232-142)	460		
Болалар муассасаларини сақлашга оид ота-оналарнинг маблағлари (236)	470		
Муассасани сақлаш учун бошқа маблағлар (238)	480		
Банк кредитлари (248)	490		
Декабрь ойи иккинчи ярми учун иш ҳақини олдиндан тўлашга банкдан олинган маблағлар (245)	500		
II. Мақсадли йўналишга мўлжалланган фонд ва маблағлар			
Моддий рағбатлантириш жамғармаси (240)	510		
Ягона меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси (241)	511		
Ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожлантириш жамғармаси (246)	520		
Моддий ва унга тенглаштирилган сарфлар (249)	521		
Асосий воситалар жамғармаси (250)	530		
Молиявий маблағларнинг ягона жамғармаси (270)	531		
Марказлашган фондлар ва молиявий захиралар (271)	532		
Бюджетдан ташқари фондлар (272)	533		

Аввало кредиторлик қарзини тўлаш захираси (275)	534		
Асосий воситаларнинг эскириши (020)	540		
Арзон ва тез эскирадиган нарсалар жамғармаси (260)	550		
III. Ҳисоб-китоблар			
Бюджет мавзуидаги тажриба-конструкторлик ишларини буюртмаларни қисман тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар (152)	551		
Буюртмачилар билан бюджетдан ташқари маблағлар асосида бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар (153)	552		
Буюртмачилар билан тўланиши лозим бўлган илмий-тадқиқот ишлари бўйича ҳисоб-китоблар (154)	553		
Буюртмачилар билан илмий-тадқиқот ишларига бўнаклар бўйича ҳисоб-китоблар (155)	560		
Хўжалик шартномалари бўйича ишларни бажариш учун қўшимча жалб қилинган бажарувчилар билан ҳисоб-китоблар (156)	570		
Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар (157)	571		
Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар (160)	573		
Ижтимоий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар (171)	580		
Тўловларнинг махсус турлари бўйича ҳисоб-китоблар (172)	590		
Бюджетга тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар (173)	600		
Депозит суммалари бўйича ҳисоб-китоблар (174)	610		
Ягона ижтимоий тўлов (175)	611		
Топшириқлар бўйича харажатларга олинган маблағлар бўйича ҳисоб-китоблар (176)	620		
Депонентлар билан ҳисоб-китоблар (177)	630		
Бошқа кредиторлар билан ҳисоб-китоблар (178)	640		
Ишчи ва хизматчилар билан ҳисоб-китоблар (180)	650		
Стипендия олувчилар билан ҳисоб-китоблар (181)	660		
Ишчи ва хизматчилар билан нақд пулсиз пул ўтказиш бўйича ҳисоб-китоблар (182-187)	670		
Ижтимоий тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар (188)	671		
Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи бадаллари бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар (190)	672		
Бажарилган ишлар бўйича бошқа ҳисоб-китоблар (189)	680		
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бадаллари бўйича ҳисоб-китоблар (2,5 фоиз) (198/1)	681		
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бадаллари бўйича ҳисоб-китоблар (0,7 фоиз) (198/2)	682		
IV. Маҳсулот сотиш ва даромадлар			
Ишлаб чиқариш (ўқув) устахоналари маҳсулотларини сотиш (280)	690		
Томорқа (ўқув) қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш (281)	700		
Шартнома бўйича бажарилган илмий-тадқиқот иш-	710		

ларини сотиш (282)			
Махсус маблағлар бўйича даромадлар (400)	720		
Малака-техник ўқув юртлари ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган даромадлар (402)	721		
Фойда (410)	730		
Ўтказилган сарф-харажатлар (460)	731		
Ўтказилган бошқа нақд пулда олиниши керак бўлган тўловлар (461)	732		
Ўтказилган иш ҳақи (480)	733		
Ўтказилган стипендия (481)	734		
Ўтказилган нафақа ва бошқа тўловлар (498)	735		
V. Капитал қурилишни молиялаштириш			
Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар (150)	740		
Капитал қўйилмаларни бюджетдан молиялаштириш (231-143)	750		
БАЛАНС	760		
Балансдан ташқари ҳисоблар			
Ишончсиз дебиторларнинг қарзлари харажатга чиқазилди (5)	770		
Ишчи ва хизматчиларга берилган ссудалар	780		
Назорат суммаси	790		

Бюджетдан молиялаштирилган суммаларнинг
230 ва 231 (140 ва 143) субсчётлар бўйича ҳаракати тўғрисида
МАЪЛУМОТ*

Дебет	Қатор коди	Сумма		Кредит	Қатор коди	Сумма	
		Харажатлар сметаси бўйича	Капитал қўйилмалар ва бошқа тадбирлар			Харажатлар сметаси бўйича	Капитал қўйилмалар ва бошқа тадбирлар
Йил бошига қолдиқ	800			Йил бошига қолдиқ	880		
Ишончсиз қарзлар харажатга чиқазилди	810			Йил давомида (чорак давомида) бюджетдан олинган маблағлар, қайтариб олинган маблағларни ҳисобга олган ҳолда	890		

Муассаса ҳисобига олинган материаллардан камомадлар харажатга чиқазилди	820			Қабул қилиб олинган ортиқча материаллар	900		
31 декабрга фойдаланилмай қолган ва банк томонидан ёпилган қолдиқ**	830			Юқори бюджет маблағини тақсимловчи томонидан марказлашган тартибда амалга оширилган тўловлар	910		
Тугалланган ва ишлаб чиқаришга топширилган қурилиш объектлари бўйича харажатга чиқазилган сарфлар	840	x		Материаллар ҳисобига, асосий воситалар ва арзон баҳоли, тез эскирадиган буюмлар учун банкдаги счётдан пул ўтказилди	920		
Ҳисобот йилида ёпилган харажатлар	850		x		930		
	860				940		
Жами	870			Жами	950		
				Счёт бўйича йил охирига (чорак) қолдиқ	960		

**) Муассасалар 1 январь ҳолатига тўлдиради, 1 апрель, 1 июль, 1 октябрь ҳолатига фақат 890 қатори тўлдирадилар.*

***) Чорак ҳисоботларида тўлдирмайдилар.*

Раҳбар

Бош ҳисобчи

"____"_____200__йил

61- сонли йўриқноманинг тўртинчи иловаси

Амалдаги асосий бухгалтерия операциялари бўйича счётлар корреспонденцияси

№	Жараёнларнинг мазмуни	Субчётлар номери	
		Дебет	Кредит
	I-бўлим. Асосий воситалар		
1	*Янгидан қурилган иморатлар, иншоатлар ва узатгич мосламалари ёки иморат ва иншоатларни қайтадан қуриш ишларини фойдаланишга қабул қилиш*	*010*	*250*
2.	Машина ва жихозлар, ички кийимлар, кўрпа – тўшаклар, кийим кечаклар, пойафзал, транспорт воситалари, асбоб ускуналар, ишлаб чиқариш (буюмлар билан бирга) ва хўжалик инвентарларн, иш ҳайвонлари ва маҳсулдор моллар, кутубхона фондига киритилган китоблар ва бошқа асосий воситаларни харид қилиш Айнан бир вақтнинг ўзида иккинчи ёзув ёзилади	013-019 200, 211	178, 179, 130, 131, 090, 091, 100, 101, 111 250
3.	Асосий воситаларни бадалсиз (текинга) олиш	010-019	250, 020
4.	Хўжалик усули билан тайёрланган асосий воситаларня (ич-кийимлар, мебель ва бошқаларни киримга олиш) Айнан бир вақтнинг ўзида иккинчи ёзув ёзилади	014, 016, 019 200, 211	084 250
5.	*Инвентаризация вақтида аниқланган ортиқча асосий воситаларни киримга олиш*	*010-019*	*250*
6.	Асосий воситаларни бадалсиз (текинга) ўтказиш	250, 020	010-019
7.	Ортиқча фойдаланилмайдиган жихозлар, транпорт воситалари ва бошқаларни реализация қилиш Айнан бир вақтнинг ўзида келиб тушган ва бюджет даромадига ўзтказилган суммаларга Келиб тушган ва амаллаги қонунларга биноан муассаса ихтиёрида қолдирилган суммаларга иккинчи ёзув ёзилади Эслатма:Агар асосий воситалар реализация қилинаётган вақтда арзонлаштирилган бўлса, ана шу арзонлаштирилган суммага қўшимча ёзув қилинади	250, 020 090, 091, 100, 101, 178 111, 178, 091 250	013-016, 019 173 246, 140 013-016, 019
8.	Яроқсиз ҳолга келган асосий воситаларни ҳисобдан ўчириш	250, 020	010-019
9.	*Асосий воситаларни тугатиш пайтида олинган* материаллар суммасини киримга олиш: Реализация қилиниши ва бюджет даромадига	*063, 064, 067, 069*	*173*

	ўтказилиши лозим бўлганларига Ремонт ва бошқа хўжалик эҳтиёжлари учун *муассасанинг ўзида қолдирилганларига*	063, 064, 067 069	140. 230
10.	Асосий воситаларни инвентаризация қилиш пайтида аниқланган ва муассаса ҳисобига қабул қилинган камомадларни ҳисобдан ўчириш	250, 020	013-019

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 декабрдаги "2004 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида"ги 567-қарорининг 8-бандини бажариш, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банкнинг 2004 йил 25 февралдаги 35, 74, 2004-24, 245-В-қарори билан тасдиқланган ҳамда Адлия вазирлигида 2004 йил 6 апрелда 1333 билан рўйхатга олинган "Давлат ижтимоий суғуртаси учун ягона ижтимоий тўловлар ва мажбурий маблағларни ажратиш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисидаги низом"нинг 49-бандини тўлдириш мақсадида 2004 йилнинг 1 январидан бошлаб, қуйидаги Бюджет ташкилотлари томонидан бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисобдорликда ягона ижтимоий тўловни (бундан буён ЯИТ) ажратиш ва тўлашни акс эттиришнинг вақтинчалик тартибини дастуриламал сифатида йўлламоқда.

1. 2004 йилда Ягона ижтимоий тўлов миқдори 33 фоиз миқдорида белгиланган, шундан:

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига	31, 6%
Давлат бандликка кўмаклашиш жамғармасига	0, 9%
Касаба уюшмалари федерацияси кенгашига	0, 5%

Ягона ижтимоий тўлов юридик шахслар томонидан (ташкилотлар) меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси ажратган маблағ (33 фоиз) вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш, туғилиш, дафн

этиш учун нафақа тўлаш, компенсациялар, пенсиялар, 16 ёшгача бўлган ногирон болалар ота-оналарининг қўшимча таътилларига ҳақ тўлаш, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ва санаторий-профилакторийларни таъминлаш ҳамда бошқа мақсадлар учун ҳеч қандай чегирмаларсиз тўлиқ тўланади.

Ихтисослашган цехлар, участкалар ва корхоналарда ишлаётган ногиронлар меҳнатидан фойдаланадиган корхоналар учун ногиронлар меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармаси ажратган маблағлар 4, 7, "SOS-Ўзбекистон болалар маҳаллалари" уюшмасига 7, адвокатлар бюроси, ҳайъатлар ва фирмалар учун 25 фоиз миқдорида белгиланган.

Тўловчилар ЯИТни ҳар ойда битта тўлов талабномаси бўйича тегишли тижорат банкларида тегишли туман (шаҳар) солиқ инспекцияси учун махсус очилган тартиб рақами 777 бўлган 20205-транзит ҳисоб-рақамига тўлайди.

Товарлар (ишлар, хизматлар) сотишдан (товар айрибошлаш) тушган 0, 7 фоиз миқдоридаги (ҚҚС ва акциз солиғисиз) мажбурий ажратмалар ва фуқаролар иш ҳақидан 2, 5 фоиз миқдоридаги суғурта бадаллари бевосита Пенсия жамғармасига ўтказилади. Бундан ташқари, фуқаролар иш ҳақининг 1 фоиз миқдоридаги бадаллари тартиб рақами 777 бўлган 20205 транзит ҳисоб-рақамига ўтказилмасдан, аввал амал қилинган тартибга мувофиқ Касаба уюшмалари федерацияси кенгашига ҳам ўтказилади.

Бухгалтерлик ҳисобида товарлар (ишлар, хизматлар) сотишдан (товар айрибошлаш) тушган 0, 7 фоиз миқдоридаги мажбурий ажратмалар (ҚҚС ва акциз солиғисиз) 198-2 субсчётда, фуқаролар иш ҳақидан 2, 5 фоиз миқдоридаги суғурта бадаллари 198-1 субсчётда ҳамда фуқаролар иш ҳақининг 1 фоиз миқдоридаги бадаллар 185-субсчётда акс эттирилади.

Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясига тўловлар бўйича 2004 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра ундирилмаган қарзлар миқдори, шунингдек, 2004 йил 1 январгача бўлган даврдаги текширувлар натижалари бўйича қўшимча тарзда ҳисобланган бадаллар ҳамда жарима санкциялари маблағлари 20205 транзит ҳисоб-рақамига (ТР-777) ўтказилмасдан, уларни ҳисобга олиш учун аввал фойдаланилган ҳисоб-рақамларга ўтказилади. Шу сабабли юридик шахслар тўлов талабномаларида "2004 йил 1 январь ҳолати учун суғурта бадаллари бўйича қарзлар (қўшимча тарзда ҳисобланган бадаллар, жарима санкциялари)" тўловлари мажбурий равишда батафсил кўрсатиши лозим.

Бунда юқорида қайд этилган тўловлар бўйича 2004 йил 1 январь ҳолатига кўра ундирилмаган қарзлар, шунингдек, 2004 йил 1 январгача бўлган даврдаги текширувлар натижалари бўйича қўшимча тарзда ҳисобланган бадаллар ҳамда жарима санкциялари маблағлари Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳудудий бўлимлари ҳамда Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда ундирилади.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг бюджет ташкилотлари олдидаги 2003 йил якунлари бўйича ҳосил бўлган қарзлари жамғарма'томонидан бюджет ташкилотларининг талаб қилиб олинадиган аризаси келиб тушмасдан, ҳисобот олингандан сўнг мажбурий равишда тўланади.

2. Бюджет ташкилотлари бухгалтерлик ҳисобида ЯИТ бўйича ҳисобланган ва ўтказилган маблағ, шунингдек, ижтимоий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни акс эттириши учун 2004 йилнинг 1 январидан қуйидаги янги жорий этилган субсчётларни қўлламоқда:

Субсчёт номи	Субсчёт рақами
Ягона ижтимоий тўлов бўйича ҳисоб-китоблар (актив ва пассив ҳисоб-рақам)	175
Ижтимоий тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар (актив ва пассив ҳисоб-рақам)	188

3. 2004 йилнинг 1 январидан "Ягона ижтимоий тўлов бўйича ҳисоб-китоблар" 175-субсчёти бўйича дебет қолдиғи солиқ органларига ортиқча маблағ ўтказилгани, кредит қолдиғи эса ушбу ташкилотнинг солиқ органлари олдида қарзи борлигини кўрсатмоқда

Смета харажатларини амалга ошириш балансида (1-форма) 301-"Бюджет билан ҳисоб-китоблар" сатридан кейинги 302-сатрнинг янги жорий этилган коди бўйича баланс активида дебет қолдиғини, пассивда эса 610-"Депозит маблағлар билан ҳисоб-китоблар" сатридан кейинги 611-сатрнинг янги жорий этилган коди бўйича кредит қолдиғини кўрсатиш лозим.

Бюджет ташкилотлари бухгалтериялари ЯИТ ҳисоблашда қуйидаги ёзувни қайд этади:

Дебет 200 ва Кредит 175 субсчетлари (33%).

ЯИТ маблағларининг ҳисобланган миқдори ҳақиқий харажатлар ҳисобланади ва 294-формадаги "Касса ва ҳақиқий харажатларни ҳисобга олиш китоби"да ҳақиқий харажатлар бўйича Давлат бюджети харажатларини иқтисодий таснифлашнинг 01200 харажатлар ту-

рига кўра, II-гуруҳ харажатларга киритилади. Чоракдик бухгалтерия ҳисоботида эса (2-форма) II-гуруҳ харажатларга кўра "ҳақиқий харажатлар" устуни бўйича акс эттирилади.

Бухгалтерия ҳисобланган пул миқдорида ўтказилган ягона ижтимоий тўловни тўлов талабномасига асосан қуйидаги бухгалтерия ёзувлари билан расмийлаштиради:

Дебет 175 ва кредит 100 (090) субсчетлари (33%).

ЯИТ маблағларининг ўтказилган пул миқдори касса харажатлари ҳисобланади ва 294-формадаги китобда бу тўлов миқдори касса харажатлари бўйича Давлат бюджети харажатларини иқтисодий таснифлашнинг 01200 харажатлар турига кўра, II-гуруҳ харажатларга киритилади, ойлик (1-ОХ) ва чоракдик (2-форма) бухгалтерия ҳисоботида II-гуруҳ харажатлар бўйича акс эттирилади.

4. 2004 йилнинг 1 январидан "Ижтимоий тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар" 188-субсчёт жорий этилади (актив ва пассив ҳисобрақам). Ушбу субсчётда ҳисобланган ва тўланган (ўтказилган) ижтимоий тўловлар (вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш, туғилиш, дафн этиш учун нафақа тўлаш, компенсациялар, пенсиялар, 16 ёшгача бўлган ногирон болалар ота-оналарининг қўшимча таътилларига ҳақ тўлаш, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ва санаторий-профилакторийларни таъминлаш ва бошқалар) бюджет ташкилотининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан тўланадиган ҳамда "Ишчилар ва хизматчилар билан ҳисоб-китоблар" 180-субсчёт бўйича ҳисобга олинадиган барча турдаги иш ҳақи ва мукофотлар бўйича ҳисоб-китоблар миқдоридан алоҳида акс эттирилади.

188-субсчёт кредити бўйича ёзишмаларда 198-3-субсчёти билан ҳисобланган ижтимоий тўловлар миқдори, ушбу субсчёт дебети бўйича эса 120-субсчёт билан тўланган ижтимоий тўловлар миқдори акс эттирилади. Ҳисоб-рақамга кўра кредит қолдиғи ташкилотнинг ишчиларга ижтимоий тўловлар (ҳисоб-рақамда пул йўқлиги, банкда тўлаш учун нақд пул йўқлиги ва ҳоказолар сабабли) бўйича қарзини кўрсатади.

Смета харажатларини амалга ошириш балансида (1-форма) 188-субсчёт дебет қолдиғини "Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси билан ҳисоб-китоблар" 322-сатрдан кейинги 323-сатрнинг янги киритилган коди бўйича актив балансида, пассивда эса "Ишчилар ва хизматчилар билан нақд пулсиз ўтказмалар бўйича ҳисоб-китоблар" 670-сатрдан кейинги 671-сатрнинг янги киритилган коди бўйича кредит қолдиғини кўрсатиш лозим.

Бухгалтерия ҳисобланган ижтимоий тўловларни (вақтинча меҳнат-

га лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш, туғилиш, дафн этиш учун нафақа тўлаш, компенсациялар, пенсиялар, 16 ёшгача бўлган ногирон болалар ота-оналарининг қўшимча таътилларига ҳақ тўлаш, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ва санаторий-профилакторийларни таъминлаш ва бошқалар) қуйидаги бухгалтерия ёзувлари бўйича расмийлаштиради:

Дебет 198 ва Кредит 188 субсчетлари

Янги 188-субсчётнинг жорий этилиши туфайли 2004 йилнинг 1 январидан 1 апрелигача ҳисобланган ва тўланмаган ижтимоий тўловлар миқдорига тузатилган бухгалтерия ёзувларини киритиш лозим:

Дебет 180 ва Кредит 188 субсчетлар

Ташкилотлар ҳар ойда юзага келган ижтимоий тўловлар (вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш, туғилиш, дафн этиш учун нафақа тўлаш, компенсациялар, пенсиялар, 16 ёшгача бўлган ногирон болалар ота-оналарининг қўшимча таътилларига ҳақ тўлаш, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ва санаторий-профилакторийларни таъминлаш ва бошқалар) бўйича туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимларига меъёрий ҳужжатларда белгиланган шаклда аризалар беради.

Бюджет ташкилотларига туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари аризаларига асосан юқорида қайд этилган харажатларни йўқлаб олинадиган депозит ҳисоб-рақамларга маблағлар келиб тушгунча тўлаши қатъиян ман этилади.

Бюджет ташкилотларининг йўқлаб олинадиган депозит ҳисоб-рақамларига маблағлар келиб тушиши қуйидаги бухгалтерия ёзувлари бўйича расмийлаштирилади:

Дебет 100 (090) ва Кредит 198 субсчетлари.

Сарфланган касса харажатлари йўқлаб олинадиган депозит ҳисоб-рақамларга келиб тушадиган маблағларга тенг миқдорда камайтирилади, яъни Давлат бюджети харажатларини иқтисодий таснифлашнинг 01200 харажатлар турига кўра II-гуруҳ харажатлари бўйича 294-формадаги китобда юқорида келтирилган маблағлар айириш ёки "Сторно" операцияси белгиси билан қайд этилади.

Бухгалтерия чек бўйича олинган маблағни қуйидаги ёзув (проводка) бўйича акс эттиради:

Дебет 120 ва Кредит 100 (090) субсчетлар.

Касса харажатлари Давлат бюджети харажатларини иқтисодий таснифлашнинг 01200 харажатлар турига кўра II-гуруҳ харажатла-

ри бўйича 294-китобда йўқлаб олинадиган депозит ҳисоб-рақамидан чек бўйича олинган маблағ миқдорида кўпайтирилади.

5. Масалан:

Бюджет ташкилоти жорий ой учун иш ҳақини ҳисоблади ва бухгалтерия ёзувида қуйидагини акс этди:

Дебет 200 и Кредит 180 – 80 минг сўм

Бундан ташқари, вақтинча меҳнатга лайёқатсизлик бўйича (касаллик варақаси) 20 минг сўм нафақа ҳисобланди.

Дебет 198 ва Кредит 188 - 20 минг сўм

ЯИТни аниқлаш учун маблағ ҳисобланган иш ҳақидан олинади (80х33%=26, 4минг сўм).

Бухгалтерия ҳисобланган ЯИТ миқдори учун қуйидаги ёзувни қайд этади:

Дебет 200 ва Кредит 175 - 26, 4 минг сўм

ЯИТ маблағларининг ҳисобланган миқдори (26, 4) **ҳақиқий харажатлар ҳисобланади,** 294-формадаги "Касса ва ҳақиқий харажатларни ҳисобга олиш китоби"да ҳақиқий харажатлар бўйича Давлат бюджети харажатларини иқтисодий таснифлашнинг 01200 харажатлар турига кўра, II-гуруҳ харажатларга киритилади. Чораклик бухгалтерия ҳисоботида (2-форма) II-гуруҳ харажатлар бўйича "ҳақиқий харажатлар" устунида акс эттирилади.

Бухгалтерия ЯИТ маблагларининг ўтказилган миқдорини (26, 4) тўлов талабномасига асосан қуйидаги ёзувлар билан расмийлаштиради:

Дебет 175 ва Кредит 100 (090) - 26, 4 минг сўм

ЯИТ маблағларининг ўтказилган миқдори (26, 4) касса харажатлари ҳисобланади ва 294-формадаги китобда касса харажатлари бўйича Давлат бюджети харажатларини иқтисодий таснифлашнинг 01200 харажатлар турига кўра, II-гуруҳ харажатларга киритилади ҳамда ойлик (1-ОХ) ва чораклик (2-форма) бухгалтерия ҳисоботида "касса харажатлари" устунида II-гуруҳ харажатлар бўйича акс эттирилади.

Жисмоний шахслар даромадидан ушлаб қолинган солиқни ҳисоблаш учун 100 минг сўм олинади ("Ишчилар ва хизматчилар билан ҳисоб-китоб" 180-субсчёт бўйича 80 минг сўм ва "Ижтимоий тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар" 188-субсчёт бўйича (фақат касаллик варақалари сабабли) 20 минг сўм).

Жисмоний шахслар иш ҳақидан даромад солиғи олиш ва вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақа қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

Дебет 180 ва Кредит 173 -30 минг сўм (100 минг сўм х 30% шартли равишда олинган).

Жисмоний шахслар даромадидан ушлаб қолинган солиқнинг ўтказилган миқдори қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

Дебет 173 ва Кредит 100 (090) – 30 минг сўм

Бу маблағ (30 минг сўм) касса харажатлари ҳисобланади ва 294-китобга Давлат бюджети харажатларини иқтисодий таснифлашнинг 01100 харажатлари турига кўра I-гуруҳ харажатлари бўйича киритилади.

Шунингдек, жорий ой мобайнида бюджет ташкилоти бухгалтериясига қуйидаги мақсадлар учун бирламчи ҳужжатлар келиб тушди:

Ишлаётган пенсионерларга пенсия тўлаш учун 15 минг сўм

Туғилган болага нафақа тўлаш учун 11 минг сўм

Дафн этишга нафақа тўлаш учун 16 минг сўм

Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ҳисобидан бошқа харажатлар учун 4 минг сўм

Жами 46 минг сўм

Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан юқорида қайд этилган тўловлар бўйича ҳисобланган маблағ қуйидаги ёзувлар билан расмийлаштирилади:

Дебет 198 ва Кредит 188 - 46 минг сўм

Ташкилот туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига 66 минг сўм миқдоридаги маблағни (20 минг сўм касаллик варақаси + 46 минг сўм бошқа ижтимоий тўловлар учун) қоплаш тўғрисида илтимос билан белгиланган намунада ариза беради.

Ижтимоий таъминот органидан 66 минг сўм келиб тушганда бюджет ташкилоти бухгалтерияси ташкилот депозит ҳисоб-рақамига маблағ келиб тушадиган ойнинг қайд ордерига қуйидагиларни ёзади:

Дебет 100 (090) ва Кредит 198 – 66 минг сўм

Келиб тушган 66 минг сўм 294-китобга Давлат бюджети харажатларини иқтисодий таснифлашнинг 01200 харажатларига кўра II-гуруҳ харажатлар бўйича киритилади ва касса харажатлари камайтирилади (26, 4 66 = -39, 6).

Ташкилот кассасидан чек бўйича нақд пул олишда бухгалтерия қуйидаги ёзувларни қайд этади:

Дебет 120 ва Кредит 100 (090) - 66 минг сўм

66 минг сўм 294-китобда Давлат бюджети харажатларини иқти-

содий таснифлашнинг 01200 харажатлари турига кўра, II-гуруҳ харажатларга сарфланган касса харажатлари сифатида киритилади (-39, 6 + 66 = 26, 4).

Ташкилот кассасидан олинган маблағларни тўлаш қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

Дебет 188 ва Кредит 120 - 20 минг сўм. (касаллик варақлари учун тўлаш);

Дебет 188 ва Кредит 120 - 46 минг сўм (бошқа нафақаларни тўлаш).

6. Ҳудудий молия органлари мазкур тартиб ижросини қатъий назорат қилиши керак, бюджет ташкилотлари раҳбарлари ва бош бухгалтерлари мазкур тартибнинг амалдаги қонунчиликка мувофиқ бажарилиши учун масъулдир.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги юқорида қайд этилган тартибни давлат бюджети ҳисобидан пул оладиган барча қуйи бюджет ташкилотларига етказишни илтимос қилади.

"Смета харажатларини амалга ошириш тўғрисидаги баланс" 1-форма илова қилинади.

Вазир ўринбосари **Д. Қўчқоров**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
№ БА/30-01-21

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
№ 2005/20

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
№ 17-30/115-КХ

МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
№ 18/452

31. 01. 2005 й.

Иш берувчиларнинг ходимларнинг алоҳида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақамига бадалларни тўлаш тартиби тўғрисида ЙЎРИҚНОМА ХАТИ

Преамбула
I-боб. Умумий қоидалар
II-боб. Чегириб қолинган бадалларни ҳисоблаш ва алоҳида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақамларига ўтказиш
III-боб. Тўловчиларнинг алоҳида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақамларига ўтказиладиган бадаллар реестрини тўлдириш тартиби
IV-боб. Алоҳида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақамларига ўтказиладиган бадаллар бўйича ҳисобга олиш ва ҳисобдорлик
V-боб. Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини расмийлаштириш ва бериш
VI-боб. Алоҳида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақамларига маблағ келиб тушишини назорат қилиш
VII-боб. Тўловчиларнинг жавобгарлиги
1-илова. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этадиган ходимлар реестри

Ушбу Йўриқнома хати Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 595-қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, иш берувчиларнинг ходимларнинг алоҳида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақамларига бадаллар тўлаши тартибини белгилайди.

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Фуқароларнинг алоҳида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақамларига ҳар ойда тўланадиган мажбурий бадаллар миқдори ходимларнинг ҳисобланган иш ҳақининг (даромади) 1 фоизи миқдорида белгиланган.

Ходимларнинг иш ҳақидан (даромади) фуқароларнинг алоҳида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақамларига бадалларни ўтказиш деганда жисмоний шахслар даромадидан солиқ олиниши лозим бўлган жами даромад тушунилади.

2. Меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган барча фуқаролар (шу жумладан, ишлаётган пенсионерлар) жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчилар сифатида жамғариб бориладиган пенсия тизими иштирокчилари ҳисобланади.

3. Барча юридик шахслар – иш берувчилар ўз ходимларининг алоҳида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақамларига, мазкур юридик шахс ходимлар учун асосий иш жойи ҳисобланиши ёки у қўшимча вазифада, соатбай ҳақ тўлаш, вақтинчалик меҳнат шартномаси, бир марталик ишни бажариш ва бошқа шартлар асосида ишлашидан қатъий назар, бадал тўлашга мажбур.

4. Барча юридик шахслар ходимлар билан қўшимча вазифада, соатбай ҳақ тўлаш, бир марталик ишни бажариш шартлари асосида меҳнат шартномасини тузишда, гонорар тўлаш ва ҳоказоларда Халқ банки ҳисоб-рақами, бўлими ва ушбу банк коди кўрсатилган алоҳида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақами борлиги тўғрисида маълумотнома талаб қилиши керак. Юридик шахслар – иш берувчилар иш ҳақи, муаллифлик мукофоти ва ана шундай меҳнат шартномалари бўйича бошқа тўловларни ҳисоблашда иш ҳақи сифатида ҳисобланган маблағнинг 1 фоизини ходимнинг асосий иш жойида очилган алоҳида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақамига ўтказиши шарт.

Юридик шахсни ташкил этмасдан якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар, фермер хўжаликлари аъзолари, шунингдек, вақтинчалик ишламаётган шахслар жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрий равишда иштирок этади.

5. Меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган Солиқ кодексига мувофиқ жисмоний шахслар даромад солиғини тўлашдан тўлиқ озод этилган фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрий равишда иштирок этиш ҳуқуқига эгадир.

Жисмоний шахслар даромад солиғи бўйича имтиёзга эга фуқаролар (ҳар ой учун солиқ олинмайдиган энг кам иш ҳақининг тўрт ба-

равари миқдорида) Солиқ кодексига мувофиқ жамғариб бориладиган пенсия тизимида умумий асосда иштирок этади, яъни иш берувчилар иш ҳақидан олинадиган солиқнинг I фоизини ушбу ходимнинг алоҳида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақамига ўтказиши шарт.

6. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаётган чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги йўқ шахслар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача кўзда тутилмаган бўлса, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти ҳуқуқидан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда фойдаланади.

II БОБ. ЧЕГИРИБ ҚОЛИНГАН БАДАЛЛАРНИ ҲИСОБЛАШ ВА АЛОҲИДА ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ҲИСОБ-РАҚАМИГА ЎТКАЗИШ

7. Иш берувчи ҳар ойда солиқ қонунчилигига мувофиқ жисмоний шахслар даромад солиғи миқдорини тегишли равишда камайтириш ҳисобидан фуқароларнинг алоҳида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақамига бадал сифатида маблағ ўтказади. Бунда жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақамига ўтказиладиган ихтиёрий бадаллар миқдори корхона бўйича жисмоний шахслар даромад солиғи миқдорини камайтирмайди, яъни номинал даромад ҳисобидан ўтказилади.

8. Мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бадаллари хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳар ойда тўлов талабномаси асосида кейинчалик фуқароларнинг алоҳида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақамларига ўтказиш учун Халқ банкининг омонатчиларнинг яшаш жойидаги бўлимидаги махсус транзит ҳисоб-рақамига пул маблағларини ўтказиш орқали тўланади. Бунда омонатчи реквизити, пулни ўтказиш мақсадлари, ўтказилган жамғариб бориладиган пенсия бадаллари миқдори, реестр рақами ва муддати, шунингдек, бадал тўланадиган давр кўрсатилиши лозим.

9. Омонатчи алоҳида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақамларига ўтказиладиган мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бадалларини ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10 санасидан кечиктирмай ойнинг иккинчи ярми учун иш ҳақи тўланадиган муддатда жисмоний шахслар даромад солиғини ўтказиш билан бир пайтда тўлайди.

10. Иш берувчи ҳар ойда Халқ банкининг ўзи жойлашган жойдаги бўлимига жамғариб бориладиган пенсия бадалларини ўтказганлиги ҳақидаги ҳужжат нусхаси, ҳар бир фуқаронинг алоҳида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақамлари, фамилияси, ҳисобланган иш ҳақи ҳамда жамғариб бориладиган пенсия бадаллари миқдори кўрсатилган бадаллар реестрини (бундан буён реестр) тақдим этиши шарт.

11. Юридик шахслар алоҳида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақамларига ўтказиш учун ҳисобланган бадалларни чегириб қолинган маблағ миқдорида тўлиқ ўтказади.

III БОБ. ТЎЛОВЧИЛАРНИНГ АЛОҲИДА ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ҲИСОБ-РАҚАМЛАРИГА ЎТКАЗИЛАДИГАН БАДАЛЛАР РЕЕСТРИНИ ТЎЛДИРИШ ТАРТИБИ

12. Ҳар бир иш берувчи ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15 санасигача Халқ банки бўлимига ушбу Йўриқномани нг 1-иловасига мувофиқ шаклда ходимнинг алоҳида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақамига (АЖПҲ) ўтказиладиган бадалларни реестрини тақдим этади.

13. Реестрга корхона ёки ташкилот раҳбари ва бош бухгалтери имзо қўяди ва муҳр билан тасдиқланади.

14. Қўл остида 50 нафардан ортиқ ишчиси бўлган иш берувчилар Халқ банки бўлимига қоғоздаги реестр билан бирга унинг электрон шаклдаги нусхасини ҳам беради.

15. Халқ банки бўлими тақдим этилган реестрда хатоларни аниқлаган ҳолатларда уни йўл қўйилган хатони тузатиш учун қайтариб беради. Иш берувчи уч ҳафта ичида хатоларни тўғирлаб, юзага келган тафовут сабабларини ёзма равишда тушунтириши шарт.

16. Реестрда хўжалик юритувчи субъект – жамғариб бориладиган пенсия бадаллари омонатчисининг барча ходимлари, жумладан қўшимча вазифада ишлаётган ва фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси бўйича ишларни бажараётган ходимлар ҳам (агарда ушбу ходимлардан қонунга мувофиқ даромад солиғи олинса) кўрсатилади.

17. Халқ банки бўлими ходими реестрни олгандан сўнг реестрнинг якуний сатрида кўрсатилган бадалларнинг жами миқдори ва реестр билан бирга тақдим этиладиган тўлов талабномаси нусхасида қайд этилган бадаллар миқдорини таққослаш орқали маълумотларни бирламчи текширади.

18. Реестрда кўрсатилган алоҳида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақамига ўтказилган бадал миқдори тўлов талабномасида кўрсатилган бадал миқдорига мос келмаса, реестр қабул қилинмайди ва омонатчига аниқлаштириш учун қайтариб берилади.

IV БОБ. АЛОҲИДА ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ҲИСОБ-РАҚАМЛАРИГА ЎТКАЗИЛАДИГАН БАДАЛЛАР БЎЙИЧА ҲИСОБГА ОЛИШ ВА ҲИСОБДОРЛИК

19. Юридик шахслар омонатчи сифатида рўйхатга олинган Халқ

банки бўлимлари билан бирга алоҳида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақамларига ўтказиладиган бадаллар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобини юритади.

20. Хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотлар бўйича:

а) ходимнинг ҳисобланган иш ҳақидан алоҳида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақамига ўтказиш учун чегириб қолинган бадаллар миқдори қонунчиликка мувофиқ жисмоний шахслар даромад солиғидан ташқари бухгалтерлик ҳисобида **бюджетга тўловлар бўйича қарздорликни ҳисобга олишнинг** мухбирлик ҳисоб-рақамида (6400) очиладиган **"Алоҳида жамғариб бориладиган ҳисоб-рақамлар учун тўловлар"** 6530-ҳисоб-рақам кредити бўйича акс эттирилади.

б) чегириб қолинган бадаллар миқдорини ходимнинг алоҳида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақамига ўтказиш бухгалтерлик ҳисобида **"Алоҳида жамғариб бориладиган ҳисоб-рақамлар учун тўловлар"** 6530-ҳисоб-рақами дебети ва пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисоб-рақамлари кредити (5100) бўйича акс эттирилади.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотларда юқорида қайд этилган операцияларни бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш намунаси:

а) ходимга 50000 сўм миқдорида ҳисобланган иш ҳақи бўйича:

***харажатларни ҳисобга олиш ҳисоб-рақами дебети** (2000; 2300; 2500; 9400);*

***ходим билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ҳисоб-рақами кредити** (6700);*

б) жисмоний шахслар даромадидан 7888 сўм миқдорида ушлаб қолинган солиқ бўйича:

***ходим билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ҳисоб-рақами** (6700);*

***бюджетга (турлар бўйича) тўловлар бўйича қарздорликни ҳисобга олиш ҳисоб-рақами кредити** (6400);*

в) ходимнинг алоҳида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақами учун 500 сўм миқдорида ушлаб қолинадиган бадал бўйича:

***бюджетга (турлар бўйича) тўловлар бўйича қарздорликни ҳисобга олиш ҳисоб-рақами дебети** (6400);*

"Алоҳида жамғариб бориладиган ҳисоб-рақамлар учун тўловлар" 6530-ҳисоб-рақам кредити;

г) жисмоний шахслар даромадидан 7388 сўм (7888-500) миқдорида ушлаб қолинган солиқни ўтказишда (алоҳида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақамлари учун ушлаб қолинган бадаллардан ташқари):

бюджетга (турлар бўйича) тўловлар бўйича қарздорликни ҳисобга олиш ҳисоб-рақами дебети (6400);

пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисоб-рақами кредити (5100);

д) алоҳида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақами учун 500 сўм миқдорида ушлаб қолинган бадални ўтказишда:

"Алоҳида жамғариб бориладиган ҳисоб-рақамларга тўловлар" 6530-ҳисоб-рақами дебети;

пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисоб-рақами кредити (5100).

21. Алоҳида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақамларига ўтказиш учун ушлаб қолинган бадалларни бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш мақсадида 2005 йилнинг 1 январидан Давлат бюджети ташкилотлари учун янги "Ходимлар билан алоҳида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақамларга ўтказиладиган бадаллар бўйича ҳисоб-китоблар" 190-субсчёт жорий этилади.

22. Бюджет ташкилоти бухгалтерияси жисмоний шахслар даромадидан ушлаб қолинган солиқнинг умумий миқдорини қуйидаги бухгалтерлик ёзувлари билан акс эттиради:

"Ишчилар ва ходимлар билан ҳисоб-китоблар" **180-субсчёт дебети;**

"Бюджет билан ҳисоб-китоблар" **173-субсчёт кредити.**

Сўнгра қонунчиликка мувофиқ жисмоний шахсларнинг даромад солиғини тегишли равишда камайтириш ҳисобидан алоҳида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақамларига ўтказиш учун ушлаб қолинган бадаллар бўйича қуйидаги бухгалтерлик ёзувлари қайд этилади:

"Бюджет билан ҳисоб-китоблар" 173-субсчёт дебети;

"Ходимлар билан алоҳида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақамларига ўтказиладиган бадаллар бўйича ҳисоб-китоблар" 190-субсчёт кредити.

Жисмоний шахслар даромадидан ушлаб қолинган солиқ миқдорини ўтказишда (алоҳида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақамларига ўтказиш учун ушлаб қолинган бадаллардан ташқари) қуйидаги бухгалтерия ёзувлари қайд этилади:

"Бюджет билан ҳисоб-китоблар" 173-субсчёт дебети;

"Ташкилотнинг йўқлаб олинадиган депозит ҳисоб-рақами" 090, 100-субсчёт кредити.

Алоҳида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақамлари учун ушлаб қолинган бадаллар бюджет ташкилотлари томонидан алоҳида тўлов талабномаси бўйича ўтказилади ва бухгалтерияда қуйидаги бухгалтерлик ёзувлари билан акс эттирилади:

"Ходим билан алоҳида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақамига ўтказиладиган бадаллар бўйича ҳисоб-китоблар" 190-субсчёт дебети;

"Ташкилотнинг йўқлаб олинадиган депозит ҳисоб-рақами" 090, 100-субсчёт кредити.

Бюджет ташкилотининг бухгалтерлик ҳисобида юқорида келтирилган ёзувларни (проводка) акс эттириш намунаси:

Бюджет ташкилоти 2005 йилнинг январь ойи учун ходим Т. Шариповга 50000 минг сўм миқдорида иш ҳақи ҳисоблади.

Бухгалтерияда ҳисобланган иш ҳақи миқдори бўйича қуйидаги бухгалтерия ёзуви қайд этилади:

200-субсчёт дебети ва 180-субсчёт кредити0 - 50000 сўм

Жисмоний шахс даромадидан ҳисоб-китобга кўра 2005 йилнинг январь ойи учун солиқ ушлаб қолинди (энг кам иш ҳақининг 5 бараваригача 13 фоизли ставка (6530х5 = 32650х13% = 4244, 50 сўм, энг кам иш ҳақининг 5-10 бараваригача бўлганда 21 фоизли ставка қўлланади (50000 - 32650 = 17350х21% = 3643, 50) январь ойи учун ушлаб қолинган солиқ миқдори (4244, 50 + 3643, 50 = 7888 сўм) ташкил этди.

Ушлаб қолинган солиқ миқдори қуйидаги бухгалтерлик ёзуви билан қайд этилади:

180-субсчёт дебети ва 173-субсчёт кредити - 7888 сўм

Бу ерда солиқ солиш базаси 50000 сўмни ташкил этгани боис январь ойи учун Т. Шариповнинг алоҳида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақамига ўтказилиши лозим бўлган бадаллар миқдори аниқланади (50000 х 1% = 500 сўм) ва қуйидаги бухгалтерлик ёзуви билан акс эттирилади:

173-субсчёт дебети ва 190-субсчёт кредити - 500 сўм

Жисмоний шахслар даромадидан ушлаб қолинган солиқ миқдори ўтказилади (алоҳида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақамларига ўтказиш учун ушлаб қолинган бадалдан ташқари, 7888 сўм - 500 сўм = 7388 сўм) ва қуйидаги бухгалтерлик ёзуви қайд этилади:

173-субсчёт дебети ва 090, 100-субсчёт кредити - 7388 сўм

Алоҳида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақами учун ушлаб қолинган бадал алоҳида тўлов талабномаси бўйича ўтказилади ва бюджет ташкилоти бухгалтериясида қуйидаги бухгалтерлик ёзуви билан акс эттирилади:

190-субсчёт дебети ва 100 (090-субсчёт кредити - 500 сўм

23. Алоҳида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақамларига

бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан бадалларни ушлаб қолиш ва ўтказиш операциялари бюджет ташкилотлари учун белгиланган тартибга ўхшаш бўлиб, бунда 090 ва 100-субсчётлар ўрнига 110-115-субсчётлар қўлланилади.

24. Тўлов талабномаси асосида алоҳида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақамларига ўтказилган бадаллар миқдори касса харажатлари ҳисобланади ва ойлик ҳамда чораклик ҳисоботда "касса харажатлари" устунида акс эттирилади (01-тур, 1-объект, 00-кичик объект, Давлат бюджети харажатларини иқтисодий таснифлаш харажатларининг биринчи гуруҳи бўйича).

V БОБ. ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ДАФТАРЧАСИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА БЕРИШ

25. Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчига қуйидаги тартибда берилади:

Жамғариб бориладиган пенсия тизимининг мажбурий иштирокчилари сифатида ҳисобга олинган фуқароларга жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси Халқ банкининг тегишли бўлимидан расмийлаштирилган ушбу дафтарчаларни ишонч қоғози бўйича оладиган иш берувчи томонидан берилади.

26. Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари иш берувчига ушбу дафтарчаларни бериш учун ходимларнинг тартиб рақами, АЖПҲнинг шахсий рақами, фамилияси, исми, отасининг исми ва жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини олганлиги ҳақида имзо қўйиш учун жой кўрсатилган икки нусхадаги қайднома илова қилинган топшириш далолатномаси асосида берилади.

27. Иш берувчи уч кун ичида жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаларини жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олинган ходимларга қайдномага имзо қўйганда сўнг топширади.

28. Тўлдирилган қайдномаларга иш берувчининг мансабдор шахси имзо қўяди ва бир нусхаси жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаларини берган Халқ банки бўлимига юборилади. Иккинчи нусхаси иш берувчида қолади.

29. Айрим ходимларнинг узоқ вақт ишда бўлмагани сабабли уларга жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини бериш имкони бўлмаган ҳолларда иш берувчи ушбу дафтарчаларни эгаларига топширгунга қадар ўзида қолдиради, қайдномада эса иш берувчининг мансабдор шахси имзоси билан тасдиқланган тегишли ёзув қайд этилади.

VI БОБ. АЛОҲИДА ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ҲИСОБ-РАҚАМЛАРИГА МАБЛАҒ КЕЛИБ ТУШИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

30. Молия вазирлиги, давлат солиқ хизмати ва Халқ банки органлари қонунда белгиланган тартибда мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бадалларини тўғри ва тўлиқ ажратиш, уларни алоҳида *жамғариб бориладиган пенсия* ҳисоб-рақамларига ўз вақтида ўтказишни назорат қилади.

VII БОБ. ТЎЛОВЧИЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

31. Юридик ва жисмоний шахслар – бадаллар тўловчилар амалдаги қонунчиликка мувофиқ алоҳида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақамларга бадалларни тўғри ҳисоблаш, ушлаш ва ўз вақтида ўтказиш учун жавобгар ҳисобланади.

32. Реестрда келтирилган маълумотларнинг мукаммаллиги ва ишончлилиги учун хўжалик юритувчи субъект – мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бадаллари омонатчиси раҳбари жавоб беради.

Иш берувчиларнинг ходимларнинг алоҳида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақамларига бадал тўлаши, шунингдек, ушбу операциялар билан боғлиқ бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисобдорлигининг батафсил тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатига олинган сўнг қўшимча равишда маълум қилинади.

Молия вазири ўринбосари **Д. Қўчқоров**

Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари **Э. Гадоев**

Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари **К. Рофиев**

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири **О. Обидов**

Йўриқнома хатига 1-илова

_____форма

_____ _____
_____ _____
_____ *(Халқ банки бўлими)*
_____
(корхонанинг тўртбурчак муҳри)

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этадиган ходимларнинг
200__ й "__" _____
РЕЕСТРИ

Т/Р	Ходимнинг АЖПҲ тартиб рақами	Ходимнинг ф. и. о.	Даромад солиғи олинадиган даромад миқдори (сўм)	АЖПҲга ўтказилган мажбурий бадал миқдори (сўм)	АЖПҲга ўтказилган ихтиёрий бадал миқдори (сўм)	Ўтказилган бадал миқдори (сўм) (гр. 5 + гр. 6)
1	2	3	4	5	6	7
ЖАМИ:						

200___й _____учун ходимнинг алоҳида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақамига ўтказиш учун мўлжалланган жамғариб бориладиган пенсия тизимига киритилган бадал миқдори _____*сўмни*
(сўз билан ёзилган)
ташкил этди.

Қайд этилган маблағ ҳисоб-рақамига киритилди _____

(Халқ банки бўлими ҳисоб-рақами)

_____ Халқ банки бўлими

(бўлим номи)

200__ й. "___" _____даги ___ тўлов талабномасига биноан (илова қилинмоқда).

Корхона раҳбари _____ _____

имзо Ф. И. О.

Бош бухгалтер _____ _____

имзо Ф. И. О.

М. Ж.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
№ ДК/12-03-02/1125

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
№ 06-11/356

13. 10. 2006 й.

Қорақалпоғистон Республикаси
Молия вазирлиги, вилоятлар ва
Тошкент шаҳри молия бошқармаларига

Қорақалпоғистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар ва
Тошкент шаҳри соғлиқни сақлаш бошқармалари

Республика маҳаллий бюджетлардан
молияланадиган тиббиёт ташкилотларига

Ҳудудий назорат-тафтиш бошқармаларига

Соғлиқни сақлаш тизимининг бюджет ташкилотлари томонидан бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисобдорлигида Соғлиқни сақлаш муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бўйича операцияларни акс эттириш
ТАРТИБИ

§ 1. Умумий қоидалар
§ 2. Тиббиёт ташкилотларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини шакллантириш манбалари
Тиббиёт ташкилотларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси даромад ва харажатларини амалга ошириш тўғрисидаги ҳисобот

§ 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Ушбу тартиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 декабрдаги "Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги 229-қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги "Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида"ги 276-қарори ижросини таъминлаш мақсади-

да ишлаб чиқилган ва тиббиёт муассасаларида Тиббиёт ташкилотларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси (ТТМРРЖ) маблағларини тасарруф этиш учун Махсус комиссиялар тўғрисидаги низом (2006. 14. 01 №1536), Тиббиёт ташкилотларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомни (2006. 14. 01 №1537) тўлдиради ҳамда соғлиқни сақлаш тизими бюджет ташкилотлари томонидан бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисобдорлигида Соғлиқни сақлаш муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бўйича операцияларни акс эттириш тартибини белгилайди.

§ 2. ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАНБАЛАРИ

I. Молия органларида ҳисобга олиш

II. Тиббиёт ташкилотлари бухгалтерияларида бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисобдорлиги

III. Бухгалтерлик ҳисобида ТТМРРЖ ҳисоб-рақамига келиб тушган маблағларни (даромад) акс эттириш

IV. Бухгалтерлик ҳисобида ТТМРРЖ ҳисоб-рақамига келиб тушган маблағлардан фойдаланишни акс эттириш

V. Мисол

VI. Назорат

Қуйидагилар ҳар бир тиббиёт ташкилоти учун (тўртта тиббиёт марказидан ташқари) юқорида қайд этилган Жамғармани ташкил этиш манбалари сифатида белгиланган:

1. Тиббиёт муассасалари учун ажратиладиган бюджет маблағлари умумий миқдорининг 5 фоизигача.

2. Ҳомий ва донор ташкилотлардан, шунингдек, пулли даволаниш ва хизмат кўрсатишдан келиб тушадиган маблағлар.

3. Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш учун кўзда тутилган бюджет маблағларини тежаш ҳисобидан йиғилган маблағлар.

4. Бошқа ташкилотларга фойдаланилмаётган бинолар ва бошқа давлат мулкини вақтинча ижарага беришдан олинган маблағлар, товар ишлаб чиқариш ва сотишдан (ишлар, хизматлар) тушган даромад. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги "Бюджет ташкилотларини молиялашни такомиллаштириш тартиби тўғрисида"ги 414-қарорига мувофиқ пулли даволаниш ва тиббиёт ташкилотларининг ихтисослаштирилган фаолияти бўйича хизматлар кўрсатиш бундан мустасно (2-бандда қайд этилган).

Тиббиёт муассасалари учун ажратиладиган умумий бюджет маблағларининг 5 фоизи миқдоридаги бюджет маблағлари ҳар бир тиббиёт муассасасини таъминлаш учун харажатлар сметасида кўзда тутилади. Бунда ушбу тиббиёт ташкилотлари "Бошқа жорий харажатлар - Жами" 01-9-00 моддасига киритилади ва бюджетни таснифлашнинг "Тиббиёт ташкилотларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш харажатлари" 01-9-10 коди бўйича смета ҳисоб-китобларида алоҳида сатрда ажратиб кўрсатилади.

Тиббиёт ташкилотларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасининг ҳар бир тиббиёт муассасаси бўйича 01-9-10 моддасига кўра сарф-харажатлар сметасида акс эттирилган маблағлари миқдори тиббиёт муассасасининг ҳар бир қисми ҳисобга олинган ҳолда, харажатларнинг йиғма сметасида жамланади ва акс эттирилади, тасдиқлаш ҳамда рўйхатга олиш учун тегишли молия органига тақдим этилади.

I. МОЛИЯ ОРГАНЛАРИДА ҲИСОБГА ОЛИШ

Ҳар бир тиббиёт муассасаси бўйича 01-9-10-моддага кўра харажатларнинг йиғма сметасида ёки харажатлар сметасида акс эттирилган маблағларга асосан параграф жамланмаса, тегишли йил учун чораклар ёки ойларга бўлинган тегишли бюджет даромад ва харажатларининг йиллик рўйхати тузилади.

Молия органи маблағ ажратишда рўйхатга асосан 01-9-00-модда маблағларини тўртинчи гуруҳ харажатлари бўйича белгиланган тартибда ҳар ойда ўтказади.

II. ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИ БУХГАЛТЕРИЯЛАРИДА БУХГАЛТЕРЛИК ҲИСОБИ ВА ҲИСОБДОРЛИГИ

01-9-00-моддаси бўйича маблағлар тўртинчи гуруҳ таркибида ҳар ойда бюджет маблағлари бўйича тиббиёт ташкилотлари учун мавжуд асосий депозит ҳисоб-рақамига келиб тушади (23426, 23430, 23432, 23404).

Маблағлар йўқлаб олинадиган асосий депозит ҳисоб-рақамига келиб тушганда тиббиёт ташкилоти бухгалтерияси қуйидаги ёзувларни қайд этади:

100 (090)-субсчёт дебети ва 230 ёки (140) -субсчёт кредитига

("Бюджетдан молиялаш бўйича ҳисоб-китоблар")

Тиббиёт ташкилоти бухгалтерияси молия органидан 01-9-10-модда бўйича келиб тушган маблағларни касса ва ҳақиқий харажатлар-

ни ҳисобга олиш китобига (294-форма), 01-9-10-моддага кўра тўртинчи гуруҳ бўйича молиялаш қисмига киритади.

Тиббиёт ташкилоти томонидан Тиббиёт ташкилотларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасига (ТТМРРЖ) ўтказилган маблағларни бухгалтерияда акс эттириш учун янги "Тиббиёт ташкилотларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш учун йўналтирилган бюджет маблағлари" 137-субсчёт жорий этилади.

Кейинчалик маблағлар тиббиёт муассасасининг тўлов талабномасига кўра ҳар ойда Тиббиёт ташкилотларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасининг махсус ҳисоб-рақамларига тенг равишда ўтказилади. Бунинг учун бухгалтерияда қуйидаги иккита бухгалтерлик ёзуви қайд этилади:

137-субсчёт дебети ва 090 (100)-субсчёт кредитига

137-субсчёт дебети ва 090 (100)-субсчёт кредитига

Чорак якунида ТТМРРЖ ҳисоб-рақамларига тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш учун кўзда тутилган бюджет маблағларининг тежаб қолинган маблағларини ўтказишда ҳам 137-субсчёт дебети ва 090 (100)-субсчёт кредити бўйича ана шундай бухгалтерлик ёзуви қайд этилади.

ТТМРРЖ ҳисоб-рақамларига ўтказилган маблағлар касса харажатлари ҳисобланади ва 294-китобда қуйидаги тарзда кўрсатилади:

а) V-гуруҳ харажатлар бўйича тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш учун кўзда тутилган бюджет маблағларининг тежаб қолинган маблағлари;

б) IV-гуруҳ харажатларда "Тиббиёт ташкилотларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш харажатлари" 01-9-10-моддаси бўйича ўтказилган маблағлар.

Ҳисобдорликнинг 1-ОХ ойлик формаси ва 2-ҳисобдорликнинг чораклик формасида ушбу маблағлар касса харажатлари устунида кўрсатилади:

а) V-гуруҳ харажатлар бўйича тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш учун кўзда тутилган бюджет маблағларининг тежаб қолинган маблағлари;

б) IV-гуруҳ харажатларда "Тиббиёт ташкилотларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш харажатлари" 01-9-10-моддаси бўйича ўтказилган маблағлар.

Смета харажатларини амалга ошириш балансида (1-форма) "Бюджет ташкилотларининг бошқа ҳисоб-рақамдаги пул маблағлари" (135) 233-сатрдан кейин "Тиббиёт ташкилотларини моддий рағбатлантириш

ва ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш учун йўналтирилган бюджет маблағлари (137)" деб номланган 234-сатр киритилади.

Ҳисобот йили охирида 137-субсчёт бўйича дебет қолдиғи 140 ёки 230-ҳисоб-рақамли якуний оборот билан ёпилади. Бунинг учун қуйидаги бухгалтерлик ёзуви қайд этилади:

140 (230)-субсчёт дебети ва 137-субсчёт кредитига

III. БУХГАЛТЕРЛИК ҲИСОБИДА ТТМРРЖ ҲИСОБ-РАҚАМИГА КЕЛИБ ТУШГАН МАБЛАҒЛАРНИ (ДАРОМАД) АКС ЭТТИРИШ

Тиббиёт ташкилотларига хизмат кўрсатадиган тегишли банкларга келиб тушадиган маблағларни ҳисобга олиш учун 20203, 20204, 21506 банк баланс ҳисоб-рақамлари қўлланилади.

Аввал ҳам Ривожланиш жамғармаси ва банкда ўз ҳисоб-рақамига эга бўлган тиббиёт ташкилотлари учун қуйидагиларни *алоҳида ҳисобга олиш мақсадида қўшимча равишда иккинчи ҳисоб-рақам очилади:*

а) ишга виждонан ёндашгани ва юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатгани учун асосий тариф ставкасига ойлик устама ҳақ тўлашни белгилаш шаклида тиббиёт ва фармацевтика ходимларини моддий рағбатлантиришни, бир марталик моддий ёрдам ҳамда мукофотлар тўлашни;

б) муассаса моддий-техника базасини ривожлантириш, уни модернизация қилиш ва таъмирлашни.

Аввал Ривожланиш жамғармаси ва банкда ўз ҳисоб-рақамига эга бўлмаган тиббиёт ташкилотлари учун қуйидагиларни алоҳида ҳисобга олиш мақсадида бир йўла иккита ҳисоб-рақам очилади.

Жамғарма ҳисоб-рақамига келиб тушадиган маблағлар:

а) тиббиёт муассасаси учун "Тиббиёт ташкилотларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш харажатлари" 01-9-10-моддасида кўзда тутилган бюджет маблағлари умумий миқдорининг 5 фоизгача бўлган маблағлар;

б) хомий ва донор ташкилотлардан, шунингдек, пулли даволаниш ва турдош фаолият бўйича кўрсатиладиган хизматлардан келиб тушадиган маблағлар;

в) тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш учун кўзда тутилган бюджет маблағларини тежашдан тушган маблағлар;

қуйидаги бухгалтерлик ёзувлари билан акс эттирилади:

114-субсчёт дебети ва 400-субсчёт кредитига

г) бошқа ташкилотларга фойдаланилмаётган биноларни ва бошқа давлат мулкини вақтинчалик ижарага беришдан тушган маблағлар учун қуйидаги бухгалтерия ёзувлари қайд этилади:

178-субсчёт дебети ва 400-субсчёт кредитига
(даромадларни ҳисоблаш)
114-субсчёт дебети ва 178-субсчёт кредитига
(дромаднинг 100 фоизининг келиб тушиши)
400-субсчёт дебети ва 173-субсчёт кредити
(бюджетга ўтказиш учун 50 фоиз ҳисобланган)
173-субсчёт дебети ва 114-субсчёт кредити
(бюджетга ўтказилган маблағ)

д) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги "Бюджет ташкилотларини молиялашни такомиллаштириш тартиби тўғрисида"ги 414-қарорига мувофиқ "б" бандига киритилган пулли даволаниш ва тиббиёт ташкилотларининг ихтисослаштирилган фаолияти бўйича хизматлар кўрсатишдан ташқари товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳамда сотишдан тушган даромадлар учун қуйидаги бухгалтерлик ёзуви қайд этилади:

114-субсчёт дебети ва 400-субсчёт кредити

IV. БУХГАЛТЕРЛИК ҲИСОБИДА ТГМРРЖ ҲИСОБ-РАҚАМИГА КЕЛИБ ТУШАДИГАН МАБЛАҒЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ АКС ЭТТИРИШ

Жамғарма ҳисоб-рақамларига келиб тушган маблағлардан ҳар бир гуруҳдаги тиббиёт ташкилотида улар учун белгиланган фоиз нисбатларига мувофиқ қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

а) ишга виждонан ёндашгани ва юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатгани учун асосий тариф ставкасига ойлик устама ҳақ тўлашни белгилаш шаклида тиббиёт ва фармацевтика ходимларини моддий рағбатлантириш, бир марталик моддий ёрдам ҳамда мукофотлар тўлаш учун;

б) муассаса моддий-техника базасини ривожлантириш, уни модернизация қилиш ва таъмирлаш учун.

Ҳомийлар ва донор ташкилотлардан келиб тушган маблағлар, агар ҳомий томонидан бошқа мақсад махсус кўзда тутилмаган бўлса, белгиланган фоиз нисбатларига мувофиқ тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш, муассасанинг моддий-техника базасини ривожлантириш, уни модернизация қилиш ҳамда таъмирлаш учун сарфланади.

Тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш

Фоиз нисбатларига мувофиқ тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш учун йўналтириладиган ва 100 фоиз сифатида қабул қилинадиган маблағлардан келиб тушган маблағларни 125 га бўлиш орқали (100 фоиз иш ҳақи + 25 фоиз ЯИТ) (маълумот учун, 2006 йилда 25 фоиз миқдоридаги ставка белгиланган) ҳукумат қарорларида белгиланган миқдорда ягона ижтимоий тўлов ўтказилади

Иш ҳақига қўшиб ёзилган устама пулни бухгалтерия қуйидаги бухгалтерлик ёзувлари билан акс эттиради:

215-субсчёт дебети ва 180-субсчёт кредити

Иш ҳақига қўшиб ҳисобланган устама пул ҳақиқий харажатлар ҳисобланади ва чораклик бухгалтерия ҳисобдорлигида (ТТМРРЖнинг 2- формаси) 01-1-40-моддага кўра 1-гуруҳ харажатлар бўйича акс эттирилади.

Қўшиб ҳисобланган устама пул миқдори аниқлангач, ягона ижтимоий тўлов миқдори ҳисобланади ва бу қуйидаги бухгалтерлик ёзуви билан акс эттирилади:

215-субсчёт дебети ва 175-субсчёт кредитига

Ҳисобланган ЯИТ миқдори ҳақиқий харажатлар ҳисобланади ва чораклик бухгалтерия ҳисобдорлигида (ТТМРРЖнинг 2-формаси) 01-2-00-моддага кўра 2-гуруҳ харажатлар бўйича акс эттирилади.

Иш ҳақига қўшиб ҳисобланган устама пул учун алоҳида тўлов қайдномаси тузилади. Тузилган тўлов қайдномаси асосида устама пул учун банк муассасаларидан нақд пул олишга чек ёзиб берилади.

Иш ҳақига устама пул тўлаш учун чек бўйича олинган маблағ жисмоний шахслар даромад солиғи, касаба уюшмасига аъзолик бадали, Пенсия жамғармасига бадаллар (2, 5%) ва иш ҳақидан бошқа чегирмаларсиз тўланади ва бу қуйидаги бухгалтерлик ёзувлари билан акс эттирилади:

Банк муассасасидан тиббиёт ташкилоти кассасига нақд пул олиш

120-субсчёт дебети ва 114-субсчёт кредити

Ташкилот кассасидан фақат ТТМРРЖ маблағлари ҳисобидан уста пул тўлаш

180-субсчёт дебети ва 120-субсчёт кредити

Бухгалтерия ТТМРРЖ ҳисобидан қайднома бўйича ҳисобланган ва тўланган устама пулни асосий фаолият бўйича ҳисоб-китоб-тўлов қайдномасига киритади. Бунинг учун қайдномага жисмоний шахслар

даромад солиғини, касаба уюшмасига аъзолик бадали, Пенсия жамғармасига бадаллар (2, 5%) ва иш ҳақидан бошқа чегирмаларни жамлаш учун унинг "ҳисобланган" деган тарафида қўшимча "ТТМРРЖ ҳисобидан устама пул" устуни ҳамда "чегириб қолинди ва тўланди" деган тарафида "ТТМРРЖ ҳисобидан устама пул тўланди" устуни қўшилади.

ТТМРРЖ ҳисобидан ҳисобланган ва тўланган устама пул иш ҳақининг қолган қисмининг йўқлиги ёки етишмаслиги сабабли жисмоний шахслар даромад солиғини, касаба уюшмасига аъзолик бадали, Пенсия жамғармасига бадаллар (2, 5%) ва иш ҳақидан бошқа чегирмаларни ушлаб қолиш имконини бермаса, ушлаб қолинадиган пул миқдори қолган маблағ меъёрига қараб чегириб қолинади, чегириб қолинмаган маблағ эса келаси ойда чегириб қолинади.

Бухгалтерия устама пул тўлаш учун банк муассасаларидан чек бўйича нақд пул олишда алоҳида тўлов талабномаси орқали ҳисобланган ягона ижтимоий тўловни ўтказади ва буни қуйидаги бухгалтерлик ёзуви билан акс эттиради:

175-субсчёт дебети ва 114-субсчёт кредитига

Ўтказилган ЯИТ касса харажати ҳисобланади ва чоракли бухгалтерия ҳисобдорлигида (ТТМРРЖнинг 2-формаси) 01-2-00-моддага кўра II-гуруҳ харажатлар бўйича акс эттирилади.

Ишга виждонан ёндашгани ва юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатгани учун асосий тариф ставкасига ойлик устама ҳақ тўлашни белгилаш шаклида тиббиёт ва фармацевтика ходимларини моддий рағбатлантириш ҳисоб-рақами бўйича фойдаланилмаган маблағ қолдиғи, бир марта тўланадиган моддий ёрдам ва мукофотлар олиб қўйилмайди ҳамда келаси йили шу мақсадларда фойдаланилади.

Муассасани моддий-техника базасини ривожлантириш, модернизация қилиш ва таъмирлаш

Муассасани моддий-техника базасини ривожлантириш, модернизация қилиш ва таъмирлаш учун келиб тушган маблағлардан биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги "Бюджет ташкилотларини молиялашни такомиллаштириш тартиби тўғрисида"ги 414-қарорига биноан кредиторлик қарзни узиш учун, қарз бўлмаса ушбу бўлимнинг "б" кичик бандида кўрсатилган мақсадлар учун фойдаланилади ҳамда қуйидаги бухгалтерлик ёзувлари билан акс эттирилади:

ТТМРРЖ маблағларини бюджет қисми бўйича кредиторлик қарзни тўлаш учун ўтказишда:

178-субсчёт дебети ва 114-субсчёт кредитига

Жамғарма маблағлари ҳисобидан етказиб берувчи ташкилотларга товарлар, ишлар, хизматлар ўтказишда:

178-субсчёт дебети ва 114-субсчёт кредитига

Етказиб берувчи ташкилотлардан товарлар ва хизматлар олишда:

Дебет (010-019, 060-069, 070-073-моддий бойликлар субсчётининг) ва 178-субсчёт кредити

Зарурат туғилганда моддий бойликларни тегишли фондларга киритишда иккинчи қайд ҳам кўрсатилади, бунда:

215-субсчёт дебетга ва тегишли 250 ёки 260-субсчёт кредитга ёзиб қўйилади

215-субсчёт дебети бўйича акс эттирилган маблағлар ҳақиқий харажатлар ҳисобланади ва ТТМРРЖнинг 2-формасидаги ҳисобдорликда IV-гуруҳ харажатлар бўйича ҳақиқий харажатлар устунига киритилади.

Йил охирида ТТМРРЖ ҳисоб-рақами бўйича 215-субсчёт дебети ҳисобида турадиган ҳақиқий харажатлар қуйидаги якуний ёзув билан ёпилади:

400-субсчёт дебети ва 215-субсчёт кредитига

Тиббиёт муассасасининг моддий-техника базасини ривожлантириш, уни модернизация қилиш ва таъмирлаш ҳисоб-рақами бўйича фойдаланилмаган маблағлар қолдиғи олиб қўйилмайди ҳамда улар келаси йили шу мақсадлар учун ишлатилади.

V. МИСОЛ:

Учинчи гуруҳга киритилган тиббиёт ташкилотлари ТТМРРЖсига қуйидаги маблағлар келиб тушди:

- тиббиёт муассасаси учун ажратиладиган умумий бюджет маблағларининг 5 фоизи миқдоридаги ва "Тиббиёт ташкилотларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш харажатлари" 01-9-10-модда бўйича белгиланган 200 минг сўм. Бу бухгалтерияда қуйидаги бухгалтерлик ёзувлари билан акс эттирилади:

*114-субсчёт дебети ва 400-субсчёт кредитига – 80 минг сўм. (200*40%)*

*114-субсчёт дебети ва 400-субсчёт кредитига - 120 минг сўм. (200*60%)*

Шу билан бирга, бюджет ташкилоти бухгалтериясида асосий фаолият бўйича 01-9-10-моддадан ўтказилган маблағ қуйидаги бухгалтерлик ёзуви билан акс эттирилади:

137-субсчёт дебети ва 090 (100) субсчёт кредитига – 200 минг сўм

- ҳомийлар ва донор ташкилотлардан келиб тушган маблағлар, шунингдек, пулли даволаниш ва хизмат кўрсатишдан (пулли хизматлар кўрсатиш учун сарфланган харажатлардан ташқари) тушган 300 минг сўм бухгалтерияда қуйидаги бухгалтерлик ёзуви билан акс эттирилади:

*114-субсчёт дебети ва 400-субсчёт кредитига - 120 минг сўм (300*40%)*

*114-субсчёт дебети ва 400-субсчёт кредитига - 180 минг сўм (300*60%)*

- тиббиёт ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш учун мўлжалланган бюджет маблағларини тежашдан тушган 100 минг сўм, бухгалтерия буни қуйидаги бухгалтерлик ёзуви билан акс эттиради:

*114-субсчёт дебети ва 400-субсчёт кредитига – 40 минг сўм (100*40%)*

*114-субсчёт дебети ва 400-субсчёт кредитига - 60 минг сўм (100*60%)*

Бир вақтнинг ўзида бюджет ташкилоти бухгалтериясида асосий фаолият бўйича тежаб қолинган маблағ қуйидаги бухгалтерлик ёзуви билан акс эттирилади:

117-субсчёт дебети ва 090 (100)-субсчёт кредитига - 100 минг сўм

Бундан ташқари, ташкилотга бошқа ташкилотларга вақтинчалик фойдаланилмаётган бинолар ва бошқа давлат мулкини ижарага бериш орқали келиб тушган 80 минг сўм, шунинг 50 фоизи бюджетга ўтказилади, қуйидаги бухгалтерлик ёзуви билан акс эттирилади:

178-субсчёт дебети ва 400-субсчёт кредитига - 80 минг сўм
114-субсчёт дебети ва 178-субсчёт кредитига -80минг сўм.
400-субсчёт дебети ва 173-субсчёт кредити -40 минг сўм
173-субсчёт дебети ва 114-субсчёт кредитига - 40 минг сўм

Ҳисоб-рақамлардан бирига келиб тушган ва ижара тўлови ўтказилгандан кейин қолган маблағ ҳам мутаносиб равишда иккинчи ҳисоб-рақамга ўтказилади ва бу қуйидаги бухгалтерлик ёзуви билан акс эттирилади:

биринчи ҳисоб-рақам бўйича маблағнинг камайиши:

*400-субсчёт дебети ва 114-субсчёт кредити бўйича -24минг сўм (40*60%)*

иккинчи ҳисоб-рақам бўйича маблағнинг кўпайиши:

114-субсчёт дебети ва 400-субсчёт кредити – 24 минг сўм

Бундан ташқари, муассасага Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги "Бюджет ташкилотларини молиялашни такомиллаштириш тартиби тўғрисида"ги 414-қарорига мувофиқ тиббиёт ташкилотларининг ўз соҳасидан ташқари товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан тушган 20 минг сўм даромад бухгалтерияда қуйидаги бухгалтерлик ёзуви билан акс эттирилади:

*114-субсчёт дебети ва 400-субсчёт кредитга - 8 минг сўм (20*40%)*

*114-субсчёт дебети ва 400-субсчёт кредитига - 12 минг сўм (20*60%.*

Жамғарма ҳисоб-рақамига келиб тушган жами маблағ (даромад:)

- тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш учун 264 минг сўм (80+120+40 +16+8)

- муассаса моддий-техника базасини ривожлантириш, уни модернизация қилиш ва таъмирлаш учун 396 минг сўмни (120+180+60+24+12) ташкил этди.

*Тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш учун келиб тушган 100 фоиз сифатида қабул қилинадиган маблағлардан (264 минг сўм) ягона ижтимоий тўловни (ЯИТ) аниқлаш учун ягона ижтимоий тўлов миқдорини ҳисоблаймиз (264 минг сўм:125%=2, 112*25%)=52, 8 минг сўм.*

ЯИТ миқдори аниқлангач, бухгалтерия иш ҳақига қўшимча тўловларни ҳиссоблайди ва қуйидаги бухгалтерлик ёзувлари билан акс эттиради:

215-субсчёт дебети ва 180-субсчёт кредитига - 211, 2 минг сўм (264 минг сўм. -52, 8 минг сўм)

Иш ҳақига қўшиб ҳисобланган қўшимча тўлов (212, 2 минг сўм) ҳақиқий харажат ҳисобланади ва чораклик бухгалтерлик ҳисобдорлигида (2-ТТМРРЖ формаси) 01-1-40-моддага кўра 1-гуруҳ харажатлар бўйича акс эттирилади.

Бухгалтерия қўшимча тўловлар ҳисоблаб чиқилгандан сўнг ягона ижтимоий тўлов миқдорини ҳисоблайди ва қуйидаги бухгалтерлик ёзуви билан акс эттиради:

*215-субсчёт дебети ва 175-субсчёт кредитига - 52, 8 минг сўм (211, 2 минг сўм*25%.*

ЯИТнинг ҳисоблаб чиқилган миқдори (52, 8 минг сўм) ҳақиқий харажат ҳисобланади ва чораклик бухгалтерлик ҳисобдорлигида (2-ТТМРРЖ формаси) 01-2-00-моддага кўра II-гуруҳ харажатлар бўйича акс эттирилади.

Банк муассасаларидан қўшимча тўловлар тўлаш учун тиббиёт ташкилоти кассасига келиб тушган нақд пулни бухгалтерия қуйидаги бухгалтерлик ёзуви билан акс эттиради:

120-субсчёт дебети ва 114-субсчёт кредитига - 211, 2 минг сўм

Тиббиёт ташкилоти кассасидан қўшимча тўловлар учун тўланган маблағларни бухгалтерия қуйидаги бухгалтерлик ёзуви билан акс эттиради:

180-субсчёт дебети ва 120-субсчёт кредитига - 211, 2 минг сўм

ТТМРРЖ ҳисобидан тўлов талабномаси бўйича ҳисобланган ва тўланган қўшимча тўловларни бухгалтерия мажбурий тартибда асосий фаолият бўйича ҳисоб-китоб-тўлов қайдномасига киритади ва жисмоний шахслар даромад солиғи, касаба уюшмасига аъзолик бадаллари, Пенсия жамғармасига бадалларни ушлаб қолиш (2, 5%) ҳамда иш ҳақидан бошқа чегирмаларни жамлаш учун ушбу қайдноманинг "ҳисобланди" деган томонига қўшимча равишда "ТТМРРЖ ҳисобидан қўшимча тўловлар" устунини, "ушлаб қолинди ва тўланди" деган томонида "ТТМРРЖ ҳисобидан қўшимча тўловлар тўланди" устуни қўшилади.

Шу билан бирга, тиббиёт ташкилоти бухгалтерияси қўшимча тўловларни тўлаш учун банк муассасаларидан чек бўйича нақд пул олгандан сўнг алоҳида тўлов талабномасига мувофиқ ҳисобланган ягона ижтимоий тўловни (52, 7 минг сўм) ўтказади ва буни қуйидаги бухгалтерлик ёзуви билан акс эттиради:

175-субсчёт дебети ва 114-субсчёт кредитига - 52, 8 минг сўм

Ўтказилган ЯИТ миқдори (52, 8 минг сўм) касса харажати ҳисобланади ва чораклик бухгалтерлик ҳисобдорлигида (2-ТТМРРЖ формаси) 01-2-00-моддага кўра 1-гуруҳ харажатлар бўйича акс эттирилади.

Муассаса моддий-техника базасини ривожлантириш, уни модернизация қилиш ва таъмирлашни ҳисобга олиш ҳисоб-рақамидаги маблағлардан (396 минг сўм) фойдаланишда тиббиёт ташкилотининг бюджет қисми бўйича электр энергияси учун 75 минг сўм миқдорида кредиторлик қарзи бор эди.

Шу сабабли муассаса моддий-техника базасини ривожлантириш, уни модернизация қилиш ва таъмирлашни ҳисобга олиш ҳисоб-рақа-

мига келиб тушган 396 минг сўмнинг 75 минг сўми тегишли тартибда бюджет қисми бўйича лимитдан ортиқ кредиторлик қарзни тўлаш учун йўналтирилади ва бу қуйидаги бухгалтерлик ёзуви билан акс эттирилади:

173-субсчёт дебети ва 114-субсчёт кредитига - 75 минг сўм

Шундан сўнг муассаса моддий-техника базасини ривожлантириш, уни модернизация қилиш ва таъмирлаш учун мўлжалланган маблағлардан фойдаланиш мақсадида бухгалтерия ушбу маблағларни тузилган шартномага мувофиқ ТТМРРЖ ҳисобидан тиббий асбоб-ускуна харид қилиш учун ўтказади ҳамда қуйидаги бухгалтерлик ёзуви билан акс эттиради:

178-субсчёт дебети ва 114-субсчёт кредитига - 300 минг сўм

Етказиб берувчи ташкилотдан тиббий асбоб-ускунани олишда бухгалтерияда накладнойга мувофиқ қуйидаги бухгалтерлик ёзуви қайд этилади:

013-субсчёти дебети ва 178-субсчёт кредитига - 300 минг сўм

Бундан ташқари, моддий бойликларни "асосий маблағлар фонди"га киритишда қуйидаги бухгалтерлик ёзуви акс эттирилади:

215-субсчёт дебети ва 250-субсчёт кредитига - 300 минг сўм

215-субсчёт дебети бўйича акс эттирилган маблағлар (300 минг сўм) ҳақиқий харажат ҳисобланади ва 2-ТТМРРЖ формасидаги ҳисобдорликда IV-гуруҳ харажатлар бўйича ҳақиқий харажатлар устунига киритилади.

Йил охирида 215-субсчёт дебети ҳисобидаги ТТМРРЖ ҳисоб-рақами бўйича ҳақиқий харажатлар миқдори (211, 2 минг сўм + 52, 8 минг сўм + 300 минг сўм - 564 минг сўм) қуйидаги якуний ёзув билан ёпилади:

400-субсчёт дебети ва 215-субсчёт кредитига - 564 минг сўм

Йил якунида 137-субсчёт дебети ҳисобидаги асосий фаолият бўйича ТТМРРЖ ҳисоб-рақамига ўтказилган касса харажатлари миқдори (200 минг сўм. + 100 минг сўм = 300 минг сўм) қуйидаги якуний ёзув билан ёпилади:

140-субсчёт дебети ва 137-субсчёт кредитига - 300 минг сўм

114-субсчёт кредити бўйича акс эттирилган маблағлар (75 минг сўм + 300 минг сўм) касса харажати ҳисобланади ва 2-ТТМРРЖ формасидаги ҳисобдорликда IV-гуруҳ харажатларнинг тегишли моддаси бўйича касса харажатлари устунга киритилади.

Тиббиёт муассасаси моддий-техника базасини ривожлантириш, уни модернизация қилиш ва таъмирлашни ҳисобга олиш ҳисоб-рақами бўйича фойдаланилмай қолган 21 минг сўм миқдоридаги қолдиқ (396 минг сўм 375 минг сўм) олиб қўйилмайди ва келаси йили шу мақсадлар учун ишлатилади.

VI. НАЗОРАТ

Ҳудудий молия органлари ушбу тартиб ижросини қатъий назорат қилишни таъминлайди, тиббиёт ташкилотлари раҳбарлари ва бош бухгалтерлари амалдаги қонунчиликка мувофиқ ушбу тартиб бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги Сизнинг зиммангизга юқорида қайд этилган ушбу тартибни Давлат бюджети ҳисобидан молияланадиган барча қуйи тиббиёт ташкилотларига етказишни юклайди.

Ушбу тартиб имзоланган пайтдан бошлаб, тиббиёт ташкилотлари учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йил 14 апрелдаги БА/03-04-06/704-хати билан етказилган 2-ТТМРРЖ формасидаги ҳисобдорлик ўз кучини йўқотади.

Ҳисобдорликнинг янги формаси илова қилинади.

Молия вазири ўринбосари **Д. Қўчқоров**

Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари **М. Ҳожибеков**

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги томонидан
2006 йил 1 январдан бошлаб
жорий этилди

2-ТТМРРЖ формаси
(Тиббиёт ташкилотларини
моддий рағбатлантириш ва
ривожлантириш жамғармаси)

200 __ йил _____да
_____бўйича

Тиббиёт ташкилотларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси даромад ва харажатларини амалга ошириш тўғрисидаги

ҲИСОБОТ

1. Йил бошида қолган маблағлар қолдиғи	
2. Ҳисобот даврида олинган жами даромад	
Жумладан: А) умумий маблағларнинг 5 фоизи миқдоридаги бюджет ажратмалари	
Б) ҳомий ва донор ташкилотлар маблағлари	
В) пулли даволаниш ва кўрсатилган хизматлардан тушган маблағлар (пулли хизматлар кўрсатиш учун сарфланган харажатлардан ташқари)	
Г) бюджет маблағларининг тежалган миқдори (соғлиқни сақлаш тизими муассасасининг ётиб даволаниш фонди ва штат сонини мувофиқлаштириш ҳисобидан тиббиёт ҳамда фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ учун сарф-харажатлари сметасида кўзда тутилган)	
Д) бошқа тушумлар (ижара ҳақи, товарлар (ишлар, хизматлар) сотишдан тушган), тиббиёт муассасаларининг фаолият соҳаси бўйича пулли даволаниш ва хизматлар кўрсатишдан ташқари	
3. Жами маблағ (1+2)	
4. Жами касса харажатлари *	
5. Ҳисобот даври охирида қолган маблағлар (3-4)	

МАБЛАҒЛАРДАН ХАРАЖАТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ФОЙДАЛАНИШ *

Қисм-лар (харажат тури, Объект. Кичик объект)		Тиббиёт ташкилотлари гуруҳи бўйича касса харажатлари				Ҳақиқий харажатлар - жами
		Тиббиёт муассасасини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш учун / фоиз	Тиббиёт муассасаси моддий - техника базасини ривожлантириш, уни модернизация қилиш таъмирлаш учун / фоиз	Кредит орлик қарзни тўлаш учун	Жами касса харажатлари (гр1+гр2+гр3)	
А	Б	1	2	3	4	5
01 1 00	**Иш ҳақи - жами**			X		
01 1 40	Тиббиёт ташкилотлари ходимларига қўшимча тўловлар			X		
X	I-гуруҳ бўйича жами			X		
01 2 00	Иш берувчиларнинг ажратмалари					
X	II-гуруҳ бўйича жами					
01 4 00	***Коммунал хизматлар учун харажатлар***	X	X			
01 4 10	Электр энергияси учун тўловлар	X	X			
01 4 20	Табиий газ учун тўловлар	X	X			
01 4 30	Кўмир учун тўловлар	X	X			
01 4 40	Иссиқ сув ва иссиқлик энергияси учун тўловлар	X	X			
01 4 50	Сув ва канализация учун тўловлар	X	X			
01 4 90	Ахлат йиғиш ва чиқариб ташлаш учун тўловлар, шунингдек, энергетика ва бошқа ресурсларни (бензин ва бошқа ёқилғи-мойлаш материалларидан ташқари) сотиб олиш учун бошқа харажатлар	X	X			

01 5 00	**Телефон, телекоммуникация ва ахборот хизматлари учун харажатлар - жами**	X	X			
01 5 10	Телефон ва телеграф хизматлари учун харажатлар	X	X			
01 5 20	Ахборот ва коммуникация хизматлари учун харажатлар	X	X			
01 6 00	***Жорий таъмирлаш харажатлари - жами***					
01 6 10	Жорий таъмирлаш харажатлари					
01 6 20	Компьютер техника ва ускуналарини жорий таъмирлаш харажатлари					
01 7 00	**Таъминлаш, ижарага олиш, эксплуатация харажатлари ва бошқа хизматларга ҳақ тўлаш харажатлари**					
01 7 90	Таъминлаш, ижарага олиш учун бошқа харажатлар, эксплуатация харажатлари ва бошқа хизматларга ҳақ тўлаш харажатлари - жами					
01 7 91	Таъминлаш, ижарага олиш учун бошқа харажатлар, эксплуатация харажатлари ва бошқа хизматларга *ҳақ тўлаш харажатлари*					
01 7 92	Компьютер техникаси, ускуна ва инвентарларни сақлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш харажатлари					
01 8 00	**Жорий мақсадлар учун техника, ускуна ва бошқа буюмлар, озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш учун харажатлар**					
01 8 10	Техника, оргтехника, ускуналар, инвентарь, материаллар ва канцелярия товарларини харид қилиш учун харажатлар - жами					
01 8 11	Марказлаштирилган маблағлар ҳисобидан техника, оргтехника, ускуналар, инвентарь, материаллар ва канцелярия товарларини харид қилиш учун харажатлар					
01 8 12	Компьютер техникаси, ускуналар, ахборот технологияларини харид қилиш учун харажатлар					
01 8 13	Техника, оргтехника, ускуналар, инвентарь, материаллар ва канцелярия товарларини харид қилиш учун					
01 8 30	Озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш учун харажатлар					

01 8 40	Дори-дармонлар, боғлаш материаллари харид қилиш учун харажатлар, вакциналар ва бактериологик препаратлардан ташқари					
01 8 41	Вакциналар ва бактериологик препаратлар харид қилиш учун харажатлар					
01 8 50	Кийим-кечак, пойабзал, формали кийим-кечак, ич кийим ва ётар жой анжомларини харид қилиш учун харажатлар					
01 8 80	Электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини харид қилиш ва сақлаш, коммунал хизматлар учун харажатлар					
01 8 90	Техника, ускуналар ва жиҳозлар харид қилиш учун бошқа харажатлар					
01 9 00	**Бошқа жорий харажатлар - жами**					
01 9 90	Бошқа жорий харажатлар					
04 1 00	**Асосий активларни харид қилиш - жами**					
04 1 20	Компьютер техникаси ва ускуналари, ахборот технологияларини харид қилиш					
04 1 40	Асосий активларни харид қилиш					
04 5 20	**Ноишлаб чиқариш соҳасида жорий таъмирлаш харажатлари**					
IV-гуруҳ бўйича жами						
Жами харажатлар						

Эслатма.

Моддий рағбатлантириш жамғармасига эга тиббиёт бюджет ташкилотлари томонидан бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметасини амалга ошириш тўғрисидаги ҳисобот билан биргаликда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 6 санасидан кечиктирмай юқори ташкилотга тақдим этилиши шарт.

Раҳбар _____

Бухгалтер _____

200 __ й. "____" _____

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
26. 12.2006 й.
БА/03-04-06/2964

Қорақалпоғистон Республикаси
Молия вазирлиги, вилоятлар ва
Тошкент шаҳри молия бошқармаларига

Барча бюджет ташкилотларига

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги 532-қарорининг 4-бандига мувофиқ 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини тўлаш билан боғлиқ харажатлар меҳнатга ҳақ тўлаш фонди бўйича бюджет ажратмалари доирасида амалга оширилади.

Асосий смета харажатларига кўра вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини тўлаш учун маблағлар бўлмаганда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича ушбу нафақа Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги "Бюджет ташкилотларини молиялаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 414-қарорининг 6-банди иккинчи сатри ва Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги "Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида"ги 276-қарорининг 3-иловасига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги 532-қарорининг 31-иловасига мувофиқ киритилган қўшимчалар ҳисобга олинган ҳолда) ҳисобланади ва тўланади, Бюджет (тиббиёт) ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини тўлаш ҳамда мавжуд кредиторлик қарзни узишга сарфланади.

Шу муносабатли Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги харажатлар сметасида вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини тўлашнинг бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисобдорлигини режалаштириш тартибини тушунтириш мақсадида қуйидагини маълум қилади.

1. 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб, меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси учун харажатлар кўпайтириладиган маблағлар ҳисобидан вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини тўлашга доир тахмин қилинаётган харажатлар миқдорининг ошиши туфайли бюджет маблағларини олувчиларнинг харажатлар сметасида кўзда тутилади.

2. Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини тўлаш маблағларига бўлган эҳтиёж ўтган йилларда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича ҳақиқатдан тўланган нафақаларни таҳлил қилиш асосида аниқланади.

3. Харажатлар сметаларини тузишда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини тўлаш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети харажатларини иқтисодий таснифлаш (иш ҳақи) "01-1-10"-моддага кўра биринчи гуруҳ харажатлари бўйича харажатлар сметасида ҳисобга олинади.

Бу борада меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан ягона ижтимоий тўлов вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси миқдори чегириб қолинган ҳолда ҳисобланади (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11. 05. 249-қарори 9-иловасига мувофиқ)

4. Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаларини тайинлаш тартиби "Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом" (2002 й. 08. 05 да 1136 билан рўйхатга олинган) бўйича белгиланади.

5. Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини тўлаш учун харажатлар Давлат бюджети харажатларини иқтисодий таснифлашнинг (иш ҳақи) "01-1-10"-моддасига кўра биринчи гуруҳ харажатлари бўйича молияланади.

ВАҚТИНЧА МЕҲНАТГА ЛАЁҚАТСИЗЛИК БЎЙИЧА НАФАҚАЛАР ТЎЛАШ УЧУН ХАРАЖАТЛАРНИ БУХГАЛТЕРЛИК ҲИСОБИДА АКС ЭТТИРИШ

6. Бюджет ташкилотлари бухгалтерлик ҳисобида вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини тўлаш харажатларини акс эттириш мақсадида харажатлар сметасини амалга ошириш балансида (1-форма) "Ижтимоий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар" 290-сатрни баланс активидан ўчиради, баланс пассивида эса "Ижтимоий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар" 580-сатрни "Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси" 171-субсчёт сифатида номлайди.

7. Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича ҳисобланган нафақа ҳисоб-китоб-тўлов ҳужжатларида алоҳида сатр билан "Ҳисобланди" устунида акс эттирилади.

Харажатлар сметасида кўзда тутилган бюджет маблағлари ҳисобидан вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини тайинлашда қуйидаги бухгалтерлик ёзуви қайд этилади:

Дебет	Кредит
200	171

8. Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини алоҳида қайднома бўйича тўлаш ва буни *ҳисоб-китоб-тўлов* ҳужжатларининг "Ушлаб қолинди" деган томонида алоҳида "Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўланди" устуни бўйича кўрсатиш зарур.

Харажатлар сметасида кўзда тутилган бюджет маблағлари ҳисобидан вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини олиш ва тўлашда қуйидаги бухгалтерлик ёзуви қайд этилади:

Дебет	Кредит
120	100
171	120

9. Бюджет (тиббиёт) ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини тайинлашда қуйидаги бухгалтерлик ёзуви қайд этилади:

Дебет	Кредит
215	171

10. Бюджет (тиббиёт) ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини олиш ва тўлашда қуйидаги бухгалтерлик ёзуви қайд этилади:

Дебет	Кредит
120	114
171	120

Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини олиш учун пул чекини тўлдиришда олинадиган маблағ пул чекининг орқа томонида хизмат кўрсатадиган тегишли банк томонидан бериладиган тегишли код бўйича кўрсатилади. .

11. 2006 йилнинг 31 декабригача ҳисобланган, бироқ тўланмаган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси 188-субсчёт бўйича кўрсатилади ва белгиланган тартибга мувофиқ Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланиши шарт.

Агар 2007 йил 1 февраль ҳолатига кўра субсчёт бўйича вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси қисмида кредиторлик қарзи мавжуд

бўлса, ушбу қарзни қуйидаги бухгалтерлик ёзуви билан тузатиш лозим:

Дебет	Кредит
188	171

ҲИСОБГА ОЛИШ ВА ҲИСОБДОРЛИКНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ

12. Даромад ва харажатлар сметасини амалга ошириш жараёнида бериладиган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини алоҳида ҳисобга олиш ва ҳисобдорликда акс эттириш мақсадида Давлат бюджетини иқтисодий таснифлашда (биринчи гуруҳ харажатлар) янги "Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси" "01-1-50"-модда киритилади.

13. Касса ва ҳақиқий харажатларни ҳисобга олиш китобида (294-форма):

вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича ҳисобланган нафақалар биринчи гуруҳ харажатларига кўра иқтисодий таснифлашнинг "01-1-50"-моддаси бўйича ҳақиқий харажатлар устунида акс эттирилади;

чек бўйича вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини тўлаш учун олинган маблағлар юқорида қайд этилган моддага мувофиқ биринчи гуруҳ харажатлари бўйича касса харажатлари устунида акс.

14. Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини тўлаш харажатлари 1-ОХ ва 2-формадаги ойлик ҳамда чораклик ҳисобдорликда тегишли равишда юқорида қайд этилган модда бўйича кўрсатилади ва фақат "касса харажати" ҳамда "ҳақиқий харажат" устунларида акс эттирилади. "Молиялаш" ва "Аниқланган режа" устунларида "Х" белгиси қўйилади.

15. Бюджет (тиббиёт) ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланадиган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси 2-РЖ ёки 2-ТТМРРЖ формасидаги чораклик ҳисобдорликда худди шундай тартибда акс эттирилади.

Вазирнинг биринчи ўринбосари **Б. Ашрафхонов**

---

* Ҳомиладорлик ва туғишда, бола туғилганда бериладиган нафақалар бундан мустасно.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
14. 07.2004 й.
ЖК/03-04-04/287

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги,
Вилоятлар ва Тошкент шаҳри молия бошқармалари,
шунингдек, ҳудудий молия органларига

Ўзбекистон Республикаси
Давлат бюджетидан молияланадиган
вазирликларга (идоралар, ташкилотлар)

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2003 йил 9 октябрдаги 114-буйруғига биноан "Асосий маблағлар" 5-Бухгалтерия ҳисобини юритиш миллий стандарти тасдиқланди ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 20 январда 1299 билан рўйхатга олинди.

I. Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини юритишни меъёрий тартибга солиш ва бюджет ташкилотлари асосий маблағларини Ўзбекистон Республикасининг "Асосий маблағлар" 5-Бухгалтерия ҳисобини юритиш миллий стандартига (БҲМС) мувофиқ ҳисобга олиш мақсадида Молия вазирлиги қуйидагини маълум қилади.

1. 5-БҲМСнинг 4-бандига мувофиқ асосий маблағлар таркибига қуйидаги мезонларга жавоб берадиган моддий активлар киритилади:

бир йилдан ортиқ хизмат муддати;

Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан ортиқ қийматга тенг буюмлар (сотиб олинган пайтда), бир донаси учун (тўплам).

Хизмат муддати ва қийматидан қатъи назар, асосий маблағлар таркибига қуйидагилар киритилмайди:

махсус асбоб-ускуна ва мосламалар (маълум бир буюмларни туркум ва оммавий ишлаб чиқариш ёки якка тартибдаги буюртмаларни тайёрлаш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар ҳамда мосламалар);

махсус ва санитария кийимлари, махсус пойабзал;

ётаржой анжомлари;

канцелярия буюмлари (калькуляторлар, стол приборлари ва ҳоказо);

ошхона инвентари, шунингдек, чойшаб, дастурхон ва сочиқлар;

барпо этилиши учун сарфланадиган харажатлар қурилиш-монтаж ишлари таннархига киритиладиган вақтинчалик иншоотлар, мослама ва қурилмалар;

бир йилдан кам вақт фойдаланиладиган алмаштириладиган асбоб-ускуналар;

ов қуроллари (траллар, ёйма тўрлар, балиқчилик анжомлари, мережлар ва ҳоказолар).

II. Молия вазирлиги бюджет ташкилотларида айни пайтгача ётаржой анжомлари, кийим-кечак ва пойабзал асосий маблағлар таркибида ҳисобга олинишин ва 014-субсчётда акс эттирилишини ҳисобга олган ҳолда ҳамда бюджет ташкилотлари асосий маблағларини 5-БҲМС-4-банди талабларига мувофиқлаштириш мақсадида қуйидагиларни буюради:

2. 2004 йилнинг 1 июлигача 014-субсчётда ҳисобга олинадиган мол-мулк, ётаржой анжомлари, кийим-кечак, пойабзал ва бошқа буюмларни асосий маблағлар таркибидан чиқариб, улар қиймати паст ва тез ишдан чиқадиган буюмлар таркибига киритилсин.

3. Қиймати паст ва тез ишдан чиқадиган буюмларни ҳисобга олиш учун қуйидаги янги субсчётлар жорий этилсин:

"Омбордаги ич кийим, ётаржой анжомлари, кийим-кечак ва пойабзал" 072-субсчёт

"Фойдаланилаётган ич кийим, ётаржой анжомлари, кийим-кечак ва пойабзал" 073-субсчёт

Бухгалтерия ҳисобини юритишда асосий маблағларни асосий маблағлар таркибидан қиймати паст ва тез ишдан чиқадиган буюмлар таркибига ўтказишга доир операциялар қуйидаги бухгалтерия ёзувлари билан акс эттирилсин:

250-субсчёт дебети 014-субсчёт кредити

Шунингдек, қиймати паст ва тез ишдан чиқадиган буюмлар таркибига ўтказилган асосий маблағлар қуйидаги бухгалтерия ёзувлари (проводка) билан қайд этилади:

Омбор киримларини қайд этишда:

072-субсчёт дебети 260-субсчёт кредити

Фойдаланишда бўлганида:

073-субсчёт дебети 260-субсчёт кредити

4. 014-субсчёт бўйича (308-форма) асосий-журнал китоб ҳисобида турган асосий маблағлар ва 072 ҳамда 073-субсчётларга ўтказиладиган маблағлар қиймати бир хил бўлиши керак.

5. Смета харажатларини амалга ошириш балансида (1-форма) асосий маблағлар таркибидан ўтказилган маблағни активда "Қиймати

паст ва тез ишдан чиқадиган буюмлар" 080-сатр коди бўйича, баланс пассивида "Қиймати паст ва тез ишдан чиқадиган буюмлар фонди" 550-сатр коди бўйича (260) кўрсатиш лозим.

6. 2004 йил учун "Асосий маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот" 5-формадаги йиллик ҳисоботни топширишда 060-кодининг "йил бошида" устунида 014-субсчёт бўйича маблағлар кўрсатилади, шу коднинг "йил охирида" устунида 014-субсчёт бўйича ушбу маблағлар кўрсатилмайди.

Қиймати паст ва тез ишдан чиқадиган буюмлар (ҚПТИБ) таркибига киритиладиган ва 014-субсчётда ҳисобга олинадиган асосий маблағлар миқдори "Асосий маблағлар ҳаракати тўғрисида ҳисобот" 5-формалаги ҳисобдорликда "Назорат пули"-230-сатр коди бўйича "Ҳисобдан чиқарилди" деган қисмнинг орқа тарафида "014-субсчётдан ҚПТИБга ўтказилди" ёзуви билан акс эттириш лозим.

7. 014-субсчёт бўйича ҳисобга олинадиган асосий маблағлар миқдори, ич кийим, ётаржой анжомлари, кийим-кечак ва пойабзални қиймати паст ва тез ишдан чиқадиган буюмлар таркибига ўтказишга доир операцияларни тўғри акс эттириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Сизнинг зиммангизга ушбу хатни идораларга қарашли барча ташкилотларга етказиш вазифасини юклайди.

Вазир ўринбосари **Д. Қўчқоров**

"26" октябр 2006 y. № ЖВ/31-33-14/1156

"___" _____ 200__ y. № _____

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 1601-сон билан рўйхатга олинган "Самарқанд вилояти газначилик ижросида бухгалтерия ҳисоби ҳақида"ги Вақтинчалик қоидалари ва уларга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга асосан Тошкент шаҳар ва унинг бўйсунувидаги туманлар маҳаллий бюджетларидан маблағ олувчиларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларида аниқ акс эттирилиши учун вақтинчалик ўзгартиришлар киритилди.

Қуйидаги янги киритилган субҳисобварақлар қўлланилади:

237 - "Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари бўйича мажбуриятлари" юқори бюджет (230 - "Муассасани сақлаш ва бошқа тадбирлар бўйича харажатлар учун бюджетдан молиялаштириш" субҳисобвараги ўрнига қўлланилади);

147 - "Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари бўйича мажбуриятлари" (қуйи бюджет) (140 – субҳисобвараги ўрнига қўлланилади);

214 – "Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари бўйича копланадиган бюджет харажатлари" (200- "Бюджет харажатлари бўйича муассасани сақлаш ва бошқа тадбирлар" субҳисобвараги ўрнига қўлланилади);

290 – "Бюджетдан маблағ олувчиларнинг олдинги йилларшаги дебиторлик қарзларининг жорий молиявий йилда тушган маблағлари";

291- "Мактабгача ёшдаги болалар муассасаларидаги болаларнинг ота-оналари томонидан болалар овқатланиши учун тўланадиган бадаллардан тушган маблағлари";

292- "Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари доирасида бюджетдан маблағ олувчилар ходимларининг ижтимоий тўловларини қоплаш учун келиб тушган маблағлари";

700008, Toshkent sh., Mustaqillik maydoni, 5
Tel.: (998 71) 139-15-69, 139-19-43
Faks: (998 71) 144-56-43

5, Mustakillik square, Tashkent, 700008
Tel.: (998 71) 139-15-69, 139-19-43
Fax: (998 71) 144-56-43

293- "Текширишлар якуни бўйича аниқланган ортиқча маблағ ва моддий қийматликлардан тушган маблағлар";

294- "Марказлашган ҳолда беғараз тартибда юқори бюджет маблағ олувчиси томонидан қуйи бюджет маблағи олувчисига моддий қийматликларни етказиб берилиши бўйича маблағлар".

I. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг смета харажатлари бўйича бухгалтерия ҳисобининг ёзувларида акс эттирилиши

а) бюджетдан маблағ олувчиларнинг ойлик иш-ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда иш ҳақидан ажратмалар ва бошқа турдаги бюджет маблағлари ҳисобидан ушланмалар ўтказилганда:

Дебет	Кредит
173, 175, 180, ...	237(147)

б) бюджетдан маблағ олувчиларга бюджет маблағлари бўйича нақд пул маблағи тўланганда:

Дебет	Кредит
120	237(147)

в) бюджетдан маблағ олувчиларнинг мол етказиб (иш,хизмат) берувчи ва пудратчи ташкилотлар бўйича уларнинг кредитор қарздорликларини тасдиқловчи ва бошқа турдаги тасдиқловчи хужжатлари асосида бюджет маблағлари ўтказилганда:

Дебет	Кредит
178	237(147)

г) Тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасига бюджет маблағлари ўтказилганда: 137 ("Тиббиёт муассасасини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасининг шакллантириш учун йўналтирилган бюджет маблағлари")

Дебет	Кредит
137	237(147)

II. Бюджетдан маблағ олувчилар ҳисоби учун маблағларнинг маҳаллий бюджет Ғазна ҳисоб рақамига келиб тушишини акс эттириш

а) бюджетдан маблағ олувчиларнинг олдинги йиллардаги дебиторлик қарзларининг жорий молиявий йилда тушган маблағларига:

Дебет	Кредит
290	178

б) мактабгача ёшдаги болалар муассасаларидаги болаларнинг ота-оналари томонидан болалар овқатланғани учун тўланадиган бадаллар маҳаллий бюджетнинг Ғазна ҳисоб рақамига топширилганда:

Дебет	Кредит
291	120

в) бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари доирасида бюджетдан маблағ олувчилар ходимларининг ижтимоий тўловларини қоплаш учун маҳаллий бюджетнинг Ғазна ҳисобрақамига келиб тушган маблағларга:

Дебет	Кредит
292	198[3]

г) текширишлар якуни бўйича аниқланган ортиқча маблағ ва моддий қийматликларни кирим қилиниши:

Дебет	Кредит
293	120, 060-069

III. Марказлашган ҳолда бегараз тартибда юқори бюджет маблағ олувчиси томонидан моддий қийматликларни етказиб берилишини акс этиши

Марказлашган ҳолда бегараз тартибда юқори бюджет маблағ олувчиси томонидан моддий қийматликларни етказиб берилиши:

Дебет	Кредит
04,06	294

IV. Маҳаллий бюджетнинг Ғазна ҳисоб рақамидан бюджетдан маблағ олувчиларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, иш ҳақидан ажратмалар, ҳамда хизмат сафари харажатлари ва бошқа бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажатлар ҳисобланиши

Маҳаллий бюджетнинг Ғазна ҳисоб рақамидан бюджетдан маблағ олувчиларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, иш ҳақидан ажратмалар, ҳамда хизмат сафари харажатлари ва бошқа бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажатлар ҳисобланиши:

Дебет	Кредит
214	175,180...

V. Якуний айланмалар

Бюджетдан маблағ олувчилар йил охирида қуйидагича бухгалтерия ёзувларини амалга оширадилар:

а) бюджетдан маблағ олувчиларнинг йил ичида келиб тушган маблағлари бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари бўйича мажбуриятлари ҳисобига ёпилиши:

Дебет	Кредит
237 (147)	290-293

б) марказлашган ҳолда бегараз тартибда юқори бюджет маблағ олувчиси томонидан моддий қийматликларни етказиб берилиши бўйича маблағлар бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари бўйича мажбуриятлари ҳисобига ёпилиши:

Дебет	Кредит
294	237 (147)

в) бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари бўйича мажбуриятлари бюджет маблағлари бўйича копланадиган бюджет харажатлари хисобига копланиши:

Дебет	Кредит
237 (147)	214

VI. Бухгалтерия регистрларида акс эттирилиши ва ҳисоботларни тузиш

Бюджетдан маблағ олувчиларни маблағ билан таъминлаш, касса ва ҳақиқий харажатлар ҳисобини олиб бориш учун мўлжалланган 294-сонли шаклдаги дафтарда маҳаллий бюджет Ғазна ҳисоб рақамидан харажатлари тўлови амалга оширилаётган ҳудудларда молиялаштирилган маблағлар қисми ҳисоби олиб борилмайди. Касса ва ҳақиқий харажатлар ҳисоби белгиланган тартибда юритилади.

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлари ижроси тўғрисидаги 1-ох ойлик ҳисоботининг "Харажатлар" бўлими бўйича 2-,3-устундаги 1-,2-,3-,4- қаторлар ва "Талаб килиб олинадиган депозит ҳисобваракларида маблағлар ҳаракати тўғрисида маълумотлари" бўлимидаги 1-,2-,3-,4, 7-устундаги 1-қаторда *маълумотлар акс* эттирилмайди.

2-сонли шакл харажатлар сметасининг ижро этилиши тўғрисидаги ҳисоботида "Ҳисобот даврида маблағ билан таъминланган" номли 5-устунида маълумотлар акс эттирилмайди.

Бюджет маблағларини олувчиларнинг харажатлар сметасининг ижроси *тўғрисидаги* балансларини пассив томонида 450- қатордан кейин 451- қаторга 237 ёки 147- субҳисобваракларни ёзиш оркали маълумотлар акс эттирилади хамда "Бюджетдан молиялаштирилган суммаларнинг 230-231 (140-143)- субҳисобваракларн бўйича харакати тўғрисида маълумот қисмининг 960-қаторида маълумотлар акс эттирилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджет харажатлари тўловини маҳаллий бюджет Ғазна ҳисоб рақамидан тўлашни туманлар бўйича босқичма босқич амалга оширилиши лозимлигини маълум қилиб, молия органлари томонидан смета харажатлари ижроси қаттиқ назоратга олинишини ҳамда бюджетдан маблағ олувчиларнинг раҳбарлари ва бош (катта) ҳисобчилари ушбу тартибга амал қилинишн бўйича амалдаги қонунчиликка асосан шахсан жавобгарлигини таъкидлаб, кайд этилган кўрсатмани барча маҳаллий бюджетларидан маблағ олувчиларга етказишни зиммангизга юклайди.

Вазир ўринбосари **Ж.Қўчқоров**

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИ ИҚТИСОДИЙ ТАСНИФИНИНГ АЙРИМ СИНФЛАРИ ВА КИЧИК СИНФЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР

НН	I	JJ	Номи	Таърифи	Харажатлар рўйхати
			II. ЖОРИЙ ХАРАЖАТЛАР		
01	**0**	**00**	**Товарлар ва хизматлар учун харажатлар**		
01	**1**	**00**	**Иш хақи - жамоа**		
			Доимий ва вақтинча ишловчиларнинг иш хақи Мукофотлар ва тақдирлашлар учун тўловлар Моддий ёрдам	Ишчи ва хизматчилар меҳнатига пул шаклида хақ тўлаш. Бунга ишчи ва хизматчиларнинг узоқ муддатли меҳнатига тўланадиган сумма, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Республика Хукумати томонидан тасдиқланган доимий характерга эга бўлган лавозим маошларига қўшимчалар, ишчи ва хизматчиларга бошқа тўловлар киради.	– ишчи ва хизматчиларнинг лавозим маошлари; – барча тармоқларда синов-қурилиш-монтаж ва тажриба ишларини ўтказиш учун жалб этиладиган мавсумий ва вақтинча ишловчиларнинг меҳнатига хақ тўлаш; – пулпик сақлаш маошлари; – узоқ муддатли хизмати учун; – лавозим маошларига қўшимчалар ва тўловлар; – мутахассисликларининг даражаси; – махсус унвонлар, жумладан халқ таълимида, санъатда ва маданиятда халқ ва хизмат кўрсатган ходим унвони; – академикларга хайрихоҳ ва мухбир аъзоларга; – ўқитувчилар меҳнатига соатбай хақ тўлаш; – туман ва ҳудудий коэффициентлар; – юқори тоғ коэффициенти; – экологик коэффициент; – хар йилги ва қўшимча таътилларга тўлаш, фойдаланилмаган меҳнат таътилларини пулдан компенсация ва меҳнат таътилига йиллик тўловлар; – илмий даража; – мазкур муассаса ишчи ва хизматчилари рўйхатида бўлмаган шахсларнинг меҳнатига хақ тўлаш (шартнома бўйича); – ИТИ синов ва тадқиқот ишларини ўтказиш учун жалб қилинадиган мавсумий ишчи ва бошқа хизматчиларнинг меҳнатига хақ тўлаш; – ўқув муассасалари ўқитувчиларига ўқув хоналари, лабораторияларига мудирлик қилганлари, синф раҳбарлари вазифаларини бажарганликлари, ўқувчиларнинг ёзма ишларини текширганликлари ва бошқа ишлари учун қўшимча тўланадиган хақ; – иш вақтидан ташқари, тунги, дам олиш ва байрам кунлари ишлаганликлари учун иш хақи тўлаш; – касбий ўриндошлик меҳнатига хақ тўлаш; – ўриндошликда иш хақи тўлаш; – ишчи-хизматчилар ва уларнинг оилаларига санаторий-курорт даволанишини қоплаш; – ишдан бўшатилганда бериладиган нафакалар; – соғломлаштириш учун тўловлар; – меҳнат таътилини ўтказиш учун бориш ва қайтиш йўл харажатлари; – жойларга олинган турар жой учун тўланган хақни қоплаш;

НН	1	11	Номи	Таърифи	Харажатлар рўйхати
					– йўл ҳақи нархини қоплаш; – пенсияга чиқишдаги бир марталик тўлов; – қисқартишга тушган хизматчиларга тўланадиган тўловлар; – бошқа нафақалар ва тўловлар; – йўтарилиш учун нафақалар, тўловлар; – ўрта мактаблар, касб-ҳунар билим юртлари ўқувчиларини ишлаб чиқаришда ўқитишлари учун малакали ходимлар, мухандис-техник ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш; – Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига мувофиқ кўзда тутилган муассасаларда тасдикланган доимий амал киладиган режани бажарганлиги ва ошириб бажарганлиги учун бериладиган мукофотлаш тизими; – муассасалар ва ташкилотларнинг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлган ишларни бажарганлик учун штат жадвалидаги ва штат жадвалида бўлмаган ходимларга тўланадиган гонорарлар; – меҳнат таътилига кўрсатиладиган модций ёрдам тўловлари; – ходимларга модций ёрдам кўрсатиш; – озиқ-овқат махсулотлари ўрнига ковлама тўловлар.
01	1	10	Иш ҳақи	Ишчи ва хизматчилар меҳнатига пул шаклида ҳақ тўлаш.	– ишчи ва хизматчиларнинг лавозим маошлари; – барча тармоқларда синов-курилиш-монтаж ва тажриба ишларини ўтказиш учун жалб этиладиган мавсумий ва вактинча ишловчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш; – пулини сақлаш маошлари; – узок муддатли хизмати учун; – лавозим маошларига кўшимчалар ва тўловлар; – мутахассисларнинг даражаси; – махсус унвонлар, жумладан халк таълимида, санъатда ва маданиятда хакк ва хизмат кўрсатган ходим унвони; – академияларга хакикий ва мухбир аъзолари; – ўкитувчилар меҳнатига совтбай ҳақ тўлаш; – туман ва ҳудудий коэффициентлар; – юкори тог коэффициенти; – экологик коэффициент; – ҳар йилги ва кўшимча таътилларга тўлаш, фойдаланилмаган меҳнат таътилларини пулда қопланиши ва меҳнат таътилига йиллик тўловлар; – илмий даража; – мазкур муассаса ишчи ва хизматчилари рўйхатида бўлмаган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш (шартномв бўйича);
					– ИТИ синов ва тадкикот ишларини ўтказиш учун жалб килинадиган мавсумий ишчи ва бошка хизматчиларнинг меҳнатига хак тўлаш; – ўкув муассасалари ўкитувчиларига ўкув хоналари, лабораторияларига мудирлик ҳилганлари, синф рахбарлари вазифаларини бажарганликлари, ўкувчиларнинг ёзма

НК	I	JJ	Номи	Таърифи	Харажатлар рўйхати
					ишларини текширганликлари ва бошқа ишлари учун қўшимча тўланадиган ҳақ; – иш вақтидан ташқари, тунги, дам олиш ва байрам кунлари ишлаганликлари учун иш ҳақи тўлаш; – касбий ўриндошлик меҳнатига ҳақ тўлаш; – ўриндошликда иш ҳақи тўлаш; – ишчи-хизматчилар ва уларнинг оилаларига санаторий-курорт даволанишини қоплаш; – ишдан бўшатилганда бериладиган нафақалар; – соғломлаштириш учун тўловлар; – меҳнат таътилини ўтказиш учун бориш ва қайтиш йўл харажатлари; – ижарага олинган турар жой учун тўланган ҳақни қоплаш; – йўл ҳақи нархини қоплаш; – пенсияга чиқишдаги бир марталик тўлов; – қисқартишга тушган хизматчиларга тўланадиган тўловлар; – бошқа нафақалар ва тўловлар; – кўтарилиш учун нафақалар, тўловлар; – ўрта мактаблар, касб-ҳунар билим юртлари ўқувчиларини ишлаб чиқаришга ўқитишлари учун малакали ходимлар, муҳандис-техник ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш; – Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига мувофиқ кўзда тутилган муассасаларда тасдиқланган доимий амал қиладиган режани бажарганлиги ва ошириб бажарганлиги учун берилаётган мукофотлаш тизими; – муассасалар ва ташкилотларнинг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлган ишларни бажарганлик учун штат жадвалидаги ва штат жадвалида бўлмаган ходимларга тўланадиган гонорарлар; – меҳнат таътилига кўрсатиладиган модий ёрдам тўловлари; – ходимларга модий ёрдам кўрсатиш; озиқ-овқат маҳсулотлари ўрнига қопланма тўловлар.
01	1	20	Коммунал хизматлар ўрнига компенсация тўловлари	Коммунал хизматлар ўрнига компенсация тўловлари	Алоҳида тонфалаги фуқароларга фойдаланилган электр энергияси, табиий газ, кўмир, совуқ сув, иссиқ сув ва иссиқлик энергияси учун имтиёзлар тақдим қилишдан *йўқотишларни қоплаш харажатлари*
03	1	30	Умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси маблағлари	Умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси маблағлари	
		40	Тиббиёт ташкилотлари ходимларига устамалар ва қўшимчалар	Тиббиёт ташкилотлари ходимлари учун устамалар ва қўшимчаларга йўналтирилаётган Давлат бюджети маблағлари	
		50	Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси	Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси	Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси

НН	I	JJ	Номи	Таърифи	Харажатлар рўйхати
01	2	00	**Иш берувчиларнинг ажратмалари**		
			Пенсия жамғармасига, Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармасига, Касаба уюшмалари Кенгаши жамғармасига, мажбурий давлат суғуртасига ажратмалар	Белгиланган миқдорларда конунчиликка мувофиқ иш хаки фондидан Пенсия жамғармасига, Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармасига, Касаба уюшмалари Кенгаши жамғармасига, мажбурий давлат суғуртасига ўтказиладиган бадаллар	- конунчиликка мувофиқ белгиланган миқдорларда иш хаки фондидан ажратиладиган бадаллар; – мажбурий давлат суғурталарига ажратмалар.
01	3	00	**Хизмат сафарлари харажатлари**		
				Ўзбекистон худудида ва унинг ташқарисида хизмат сафари ва хизматга оид юришлар билан боғлиқ бўлган барча харажатлар	– кунлик харажатлар; – транспорт харажатлари; – турар жой учун тўловлар; - ходимларни бир жойдан бошка жойга кўчганида қўшимча тўловлар, кунлик харажатлар ва йўл харажатларн билан боғлиқ тўловлар; – халк судларини сессиялн сафар чиқишлари билан боғлиқ харажатлар; – курсларга ва ўқув муассасаларига, сессияларга, йиғилишлар ва конференцияларга хизмат сафарларини тўлаш харажатлари; – хизмат сафари (кунлик ва турар жой учун) харажатлари ўрнига конунчиликка мувофиқ назарда тутилган иш хакига қўшимчалар; – ишлаб чикариш ва педагогик амалиётга, шунингдек сиртдан ўкийдиганлар учун машғулотлар ва тест синовларини ўтказиш учун ўқув маслахат пунктларига юборилаётган ўкитувчилар учун хизмат сафари харажатлари; – машина ва агжоларни синаш билан боғлиқ бўлган экспедиция, илмий ва ишлаб чикариш мақсадларидаги хизмат сафарлари харажатлари; – илмий мақсадлардаги сафарлар билан боғлиқ сафар харажатлари; – бошқа хизмат сафарлари харажатлари; – республикадан ташкарига хизмат сафари харажатлари (кунлик харажатлар, транспорт харажатлари, турар жой учун тўловлар).
01	4	00	**Коммунал хизматлари харажатлари**		
		10	Электроэнергия учун тўлов	Жорий хўжалик мақсадлари учун *электроэнергия кийматини тўлаш* бўйича харажатлар	– жорий хўжалик мақсадлари учун электроэнергия кийматини тўлаш.
		20	Табиий газ учун тўлов	Табиий газдан фойдаланганлик учун тўлов, қурилиш ишлари ва капитал таъмирлашга кетган харажатлар бундан истисно	– табиий газдан фойдаланганлик учун тўловлар.
		30	Кўмир учун тўлов	Ишлатилган кўмир кийматини тўлаш	– ишлатилган кўмир кийматини тўлаш.

НН	I	JJ	Номи	Таърифи	Харажатлар рўйхати
		40	Иссиқ сув ва иссиқлик энергияси учун тўлов	Хўжалик, техник ва бошқа мақ- саллар учун иссиқ сув ва иссиқлик энергияси учун харажатлар	– хўжалик, техник ва бошқа мақсадлар учун иссиқ сув ва иссиқлик энергияси учун харажатлар.
		50	Сув ва оқава учун тўлов	Сувдан фойдаланганлик учун тўловлар, канализация ва ассенизация қийматини тўлаш	– сувдан фойдаланганлик учун тўлов; – канализациядан фойдаланганлик учун тўлов; – ассенизация қийматини тўлаш.
		90	Ахлатларни йиғиштириш ва олиб чиқиб кетиш хизмати учун тўлов, шунингдек энергетик ва бошқа ресурслар (бензин ва бошқа ЁММдан ташқари) олиш учун бошқа харажатлар	Ахлатларни йиғиштириш, тозалаш ва олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ харажатлар Хўжалик ва бошқа мақсадлар учун 01.4.10-01.4.50 кичик синфларга кирмаган энергетик ва бошқа ресурслар ни (01.7.50 да акс эттирилган бензин ва бошқа ЁММдан ташқари) сотиб олиш учун харажатлар	– чиқиндиларни тозалаш, олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ харажатлар; – 10-50 кичик синфларга кирмаган бошқалари.
01	**5**	**00**	**Телефон, телекоммуникация ва ахборот хизматлари харажатлари-жами**	Телефон, телекоммуникация ва ахборот хизматлари харажатларига, ҳамда ахборот олиш билан боғлиқ харажатларга йўналтириладиган Давлат бюджети маблағлари	
		10	Телефон, телеграф хизматлари харажатлари	Телефон, факс, ва бошқалар орқали маълумотлар узатиш, шунингдек уларни ўрнатиш харажатлари Кутубхоналар, почта-телеграф хизматларидан фойдаланиш харажатлари. (почта, телетайп ва телеграф жиҳозларини сақлаш ва техник хизмат кўрсатиш харажатлари кирган холда.)	– ўрнатиш учун тўловлар; – мижозлик тўловлари; – мобил телефонларни харид қилиш; – шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар учун тўловлар; – тариф ставкаси; – почта жўнатиш хизматининг ҳар қандай тури учун тўлов (журналдан, жўнатмалар, телеграмма ва радиограмма, пул ўтказиш ва х.к.); – радиодан фойдаланганлик учун мижозлик тўловларни бўйича харажатлар; – почта, телетайп ва телеграф жиҳозларини сақлаш харажатлари; – почта, телетайп ва телеграф жиҳозларига техник хизмат кўрсатиш харажатлари.
		20	Ахборот ва коммуникация хизматлари харажатлари	Ахборот олиш билан боғлиқ харажатлар	– телекоммуникацион хизматлар учун харажатлар (рейтер, интернет, E-mail); – ахборот базаний маълумотлардан ва уларни қайта ишлаш хизматларидан фойдаланиш тўлови.
01	**6**	**00**	**Жорий таъмирлаш харажатлари-жами**	Жорий таъмирлаш бўйича жами харажатлари	
		10	Жорий таъмирлаш харажатлари	Жорий таъмирлаш билан боғлиқ харажатлар	– бинолар, ҳоналар ва турли иншоотларни, шунингдек улар билан боғлиқ бўлган ҳудудларни жорий таъмирлаш учун материаллар ва ашёлар сотиб олиш; – Лойиҳа-смета ишлари билан боғлиқ харажатлар; – қурилиш материаллари сотиб олиш; – ўзга ташкилотларнинг шартномалари бўйича таъмирлаш ишлари қийматини тўлаш;

БН	Б	ЙЙ	Номи	Таърифи	Харажатлар рўйхати
